



Элимизнинг улуғ санъаткори
Мукаррама ТУРҒУНБОЕВА
таваллудига 80 йил тўлди



Саодат

6-7-
СОНЛАР,
1993 ЙИЛНИНГ
ИЮН, ИЮЛ
ОЙЛАРИ



Бисмиллаҳир
роҳмонир роҳийм

Саодат

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН
ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
АДАБИЙ-БАДИИЙ
ЖҲРНОЛИ

6-7 [496—497]-сонлар
1993 йилнинг
июн, июл ойлари

БОШ МУҲАРРИР:

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Эшқобил ШУКУР

(бош муҳаррир
ўринбосари)

Чори ЛАТИФ

(масъул котиб)

Холтош УСМОН қизи

(турмуш маданияти
бўлими мудир)

Салим АШУР

(ижтимоий-сиёсий
бўлим мудир)

ЖАМОАТЧИ ТАҲРИРИЯТ:

Асқад МУХТОР

Муҳтарама СОДИҚОВА

Бибисора ТУРОПОВА

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА

Эътибор ОХУНОВА

Шарифа САЛИМОВА

Ҳалима УСМОНОВА

Азиза МАМАТОВА

Ойнома безакчиси:

Жавдат ИНОҒОМ

Техник муҳаррир:

Олимжон ҲАКИМ

Биринчи муқовада:

«Баҳор» рақс дастаси раққосалари
ва яккахон раққосаси

Олима Ёқубова

Аввал онангизга, яна онангизга
ва яна онангизга, сўнг отангизга
яхшилиқ қилинг!



Аслида тасвирдаги бу аёл қиёфасидан сезганингиз ғамгинликнинг эмас, балки, унинг ҳузурига келган бемор таннинг давосини истаб кун бўйи қилинган ҳаракатдан бироз толиқишнинг бир белгиси холос. Зотан, шифокор умидсизликка тушса, унинг бемори не ҳолатга тушишини бу шифокор яхши билади.

2-Тошкент тиббиёт илмгоҳи профессори, Республика онкологик илмий-текшириш маркази бўлим мудир Юлдуз ТОҶИБОЕВА ҳақидаги мақоламизни жўрнолимизнинг кейинги саҳифаларида ўқийсиз.

Сурат муаллифи А. ЖУМАЕВ

Хожа
Баҳовуддин
Нақшбандий
Маъвалуддиннинг
— 675 —
Чиллигига

Гулчеҳра НАВРҮЗОВА

Оллоҳдан
бероқиб
бўлушгани

Биз (аёллар)га тўғри йўл танлашга, фарзандларимизни пок ва ҳалол қилиб тарбиялашга ёрдам берадиган ақидалардан бири, Баҳовуддин Нақшбанд номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийнинг (1318—1389) пок — илоҳий жазобда сулук аҳлига айтган сўзларидир.

Лекин ҳозиргача биз у киши асос солган йўлнинг асл моҳиятини билмаганимиз учун унга амал этмаганмиз. У киши кўп такрорлардилар:

Ки то кай гўри мардонро парастӣ,
Ба гирди кора мардон гарди растӣ.

Мазмуни: Қачонгача буюк кишиларнинг мазорларига сифинасан? Сен улар қилган ишларга амал қилсангина мақсадинга эришасан.

Ҳазрат Баҳовуддин вафот этганларидан сўнг, халифа ва муридлари у кишининг қудсий каломларини тўплаб маноқиб ва мақомотлар ёзганлар. Айниқса, Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яқуби Чархий ҳазрат хусусида қолдирган ёзма манбалар ва мақолот қимматлидир. Биз шу манбалар асосида сизларга у киши ҳақида озгина бўлса-да маълумот бериб, шу поклик уммонидан имкон даражасида бахраманд этишни истадик.

Дерларки, Хожа Баҳовуддин Нақшбандда ҳаргиз қул ва чўри бўлмас эмиш. У кишидан бу маънода сўрапдилар.

Алар айтиптирлар:

— Қачон бу бандалик хожалик билан тўғри келар!

Бу ерда хожа Баҳовуддин ўзларини Оллоҳнинг иродасига тўла бўйсунувчи банда эканликларини таъкидлаб, ҳар бир киши ҳам Оллоҳнинг бандаси экан, қандай қилиб бошқа киши хожалик этаолади, бандалик ва хожалик бир-бирига асло тўғри келмайди, деган фикрни таъкидлайди. Яъни ҳар бир киши маълум хўжайинга бўйсуниб, тўғри-нотўғри йўлларга бормай, фақатгина Оллоҳга бўйсунса, Олий Ҳақиқатга эришиш учун ҳаракат қилса оламда ҳалоллик ва поклик ҳукм суришини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, ҳазрат Баҳовуддин ёшликларидан ҳамма вақт Оллоҳнинг борлигидан огоҳ бўлганлар. Баҳовуддин Нақшбанд ҳаётларида доир ривоятлардан бирини да ҳикоят қилинишича, болалик пайтларида у кишига таълим бераётган устозларига ишорат бўлганки, шогирдларидан кимдур келгусида авлиёлик даражасига етади. Буни аниқлаш мақсадида, устоз барча шогирдларига: «Эртага ҳаммаларингиз биртадан кабутарни ўлдириб келинглар, лекин бу ишни амалга оширишларингизни Оллоҳ кўрмасин» деб буюради. Эртаси кунни ҳамма қўлида ўлик кабутар олиб келади, фақатгина Баҳовуддин Нақшбанднинг қўлидаги кабутар тирик ҳолатда бўлади. Бунинг сабабини сўраганларидан ҳазрат жавоб берганларки, «қаерда яширишиб кабутарни ўлдирмоқчи бўлсан ҳам Оллоҳнинг қарашларини сездим. Оллоҳ бўлмаган ва кўролмайдиган ҳеч қаер йўқ экан...»

Баҳовуддин Нақшбанд таълимотини кейинги тараққиётини нузатсак, у киши ҳар бир нафасда, ҳар бир дамда Оллоҳдан — Олам Моҳиятидан огоҳ бўлишга қақирадилар. Хушсиз ўтилган ҳар бир дамни гафлатда қолиш дейдилар. Доимо киши ўзининг ҳаракатларини назорат қилиши ва тўғри ҳаракати учун «шукр» дейиши ва гуноҳ ва гафлат ила бўлса «тавба» деб истиғфор этишга қақирадилар. Агар бизлар ўз-ўзимизни, у киши айтганидек, ҳар

бир ҳаракатимизни назорат этсак жуда яхши натижаларга эришамиз.

Баҳовуддин Нақшбанд сулуқининг нақшбандийа деган ном билан аталиши ҳам бу тариқат аҳли Оллоҳни ўз қалбларига нақшлаб қўйганларидан гувоҳлик беради. Бу тариқатда зикр этиш ва сўфиёна амалиётни ташқи томонига амал этиб бошқаларга кўрсатиш, шуҳрат учун ҳаракат этиш қаттиқ қораланади. Ҳар бир қилинган ҳаракат қалбдан чиқиши ва Оллоҳ учун бўлиши керак дейлади. Хожа Баҳовуддин Нақшбанддан сўрайдилар:

— Сизнинг силсилатингиз қаерга етади? Ҳазрат жавоб бердилар:

— Киши силсила бирла ҳеч ерга етмас.

Баҳовуддин Нақшбанд айтмоқчи бўлаптиларки, киши маълум ва машҳур тариқатга киргани, сўфиёна кийим кийгани ва қўлида тасбеҳ олгани билан унда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, яъни агар ёмон бўлса ёмон, яхши бўлса шу сифатини сақлайди. Фақатгина бу тариқат таълимотини ўзлаштириб, унга ҳам зоҳирий — ташқи ва ҳам ботиний — ички томонидан амал қилганида у Ҳақиқатга томон юксала боради.

Нақшбандийа тариқатининг тасаввуф оламидаги бошқа сулуқлардан афзаллиги бу тариқат аҳли «Даст ба қору, дил ба ёр» — «Қалба Оллоҳу қўл ишда» деган тушунча-олдида фақат меҳнат билан кун кечиришга чоғланганлар. Улар тарки дунё қилиш, одамлардан узоқлашиб яшаш, тиламчилик қилиш ва гўшанишинликни қоралаганлар. Баҳовуддин Нақшбанд айтганлар:

— Бизнинг тариқатимиз сўхбатдур.

Ҳазрат узлат — одамлардан ажралаш шуҳрат келтиришини қайд этиб, шуҳрат эса офат деб таъкидлайди. У киши буюрардиларки, айбсиз одам йўқ, шунинг учун агар айбсиз дўст ахтарсан дўстсиз қоламиз:

Ёрсиз қолур жаҳонда айбсиз ёр истаган,

Ушбу мисра у киши томонидан айтилганини муридлари ёзади. У киши яхши одамлар билан ҳамсўхбат бўлишга чорлардилар.

Баҳовуддин Нақшбанд айтганлар:

— Тилиб Ҳақ таолонинг дўстларидан бири билан сўхбат пайтида ўз ҳолидан воқиф бўлиши ва сўхбат вақтидаги ҳолатини ўтмиш билан таққослай олиши керак. Агар шу сўхбатлар натижасида ўзидаги нуқсонлардан қутулиб, камолотга етаётганини ҳис қилса, бундай азиз билан сўхбатни ўзи учун фарзи айн деб билсин.

Баҳовуддин Нақшбанд тариқат аҳлининг одобига алоҳида эътибор берадизилар. Ул зоти олий буюрмишдурлар:

— Бу тариқи олияга толиб ўлғон худонинг бандаларига камоли одоб шартдур.

Бо адаб ба тариқи ишқ даро.

Тариқи ишқ кулхо одоб аст.

Мазмуни: Ишқ тариқи — ал-Ҳаққа, муҳаббат тариқи адаб ила кирган. Бу тариқ одобларнинг мажмуидир. Бошқа жойда таъкидландиларки:

«Шам каби бўлгин ва одамларга ёруғлик бергин». Одоб камолотида ҳазрат айниқса ҳалолликка катта эътибор берганлар. У киши, биринчидан, ҳалол деганда ўз меҳнати билан топилган луқмани тушунадилар. Шу билан ҳалоллик Оллоҳдан огоҳ бўлган чоғда тайёрланган, пок, гуноҳсиз ёки тоза ният билан тайёрланган луқмани, тушунганлар. Агар таом

тайёрлашда бирор капкири ҳам ғазаб, кароҳат билан бўлса ул таомни емаганлар. Чунки норозилик, ғазаб, кароҳат ва ғафлат ила бўлган ишларга шайтон ва ҳавойи нафс шерик бўлади. Бу ишнинг ва луқманинг хайру баракоти бўлмайди, деб айтадилар.

Биз, аёллар учун табаррук инсоннинг ҳалол луқмага эътибор беришлари айниқса ибратлидур... Ҳар биримиз фарзандларимизнинг яхши бўлишини истаймиз. Ҳазрат жуда кўп таъкидлаганларки, «**Яхши феъллар ва яхши амаллар ҳалол луқмадандур**». Демак, ҳар бир қилаётган ҳаракатимизда пок дилнинг пок нияти бўлсагина оиламизга қут-баракат ёғилади, фарзандларимиз тарбияси камолот йўли сари ўзгаради.

Баҳовуддин Нақшбанд Ҳақиқат йўлидан борувчи кишилар, албатта, ҳалол луқмага риоят этишлари лозим деганлар.

Уламои Бухородан бири хожа Баҳовуддин Нақшбанддан сўрайдилар:

— **Намозда ҳузури қалб недан ҳосил ўлур!**

Ҳазрат хожа буюрдилар:

— **Таомни ҳалол егул. Доим вуқуф ва огоҳликда бўл.**

Ҳазрат Баҳовуддин шахснинг нафси тийиш ва қалбни покланишга катта аҳамият берардилар. Киши бутун башарий истаклари устидан ғолиб бўлса, яъни нафсини бошқара олса, шундагина юксала олишини кўрсатадилар:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосили,

Аз ин бандҳо бигуселию восили.

Яъни, сенинг башарий истакларга тааллуқлигинг сенинг Илоҳий ҳақиқатга томон юксалишининг самарасизлигига сабабдир. Агар бу бандлардан қутулсанг сен шундай восил — яъни Оллоҳ висолига етиш даражасига етиб юксаласан.

Бу тариқат аҳли ўз ҳалол меҳнати билан топган нарсасига қаноат этиб, нафсини бошқараоладиган кишиларни қадрлайдилар. Баҳовуддин Нақшбанд айтганлар:

Ҳеч мо нею, ҳеч мо кам не
Аз пай ҳеч ҳеч мо ғам не.

Мазмуни: Бизда ортиқча ҳеч нарса йўқ бўлсада, бизнинг ҳеч кимдан камимиз йўқ ва шу ҳеч нарсани деб ғамимиз ҳам йўқ. Ҳазратнинг шогирдлари Баҳовуддин Нақшбанд ҳалоллик ва покликнинг тимсоли эканликларига кўп мисоллар келтирганлар.

Баҳовуддин Нақшбанд ва бутун тариқат аҳли ҳунарманд кишилар бўлиб, ҳазрат бу йўлга кирувчиларни маълум ҳунари бўлиши кераклигини таъкидлаганлар:

Ҳосили дунё на ҳама дур бувад,
Як ҳунар аз одами пур бувад.

Мазмуни: Бу дунёнинг барча ҳосили — натижаси одам учун мол-дунё тўплаш эмас, бир ҳунар одамда барча нарсадан устундир.

Умуман, Баҳовуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларига оид маълумотлар у кишининг ниҳоятда камтар, ўз меҳнати билан кун кўрувчи ва қалби ила Оллоҳга ишониб, доимо ўз хатту ҳаракатларини назорат қилиб яшовчи киши эканликларидан далолат беради. Бу киши ана шу фазилатлари билан обрў ва камол топиб, ҳозирги кунгача тириклардан тирик бўлиб яшамоқдалар.

Аел кетди. Мен эса қалбимни кўтара олмай қолдим. Кўз ўнгимда ҳамон қирқ ёшга етмаёқ олд ташлари тўкилган аёлнинг маънос ва рангпар чехраси, рўмоли ҳам яшира олмаган оппоқ соч толлари, тарашадай қотиб яра-чақа бўлиб кетган қўллари турарди. Анчагача ўзимга келолмадим. Хаёлларим нимаидир излашга ишора этди. Ҳа-я, аёл бир дафтар ташлаб кетган эди-ку. Устол четида қолган ўқувчилар дафтари олдиди. Дафтар зил-замбилдай туюлди. Варақлаб кўрдим. Чиройли хусниҳат билан битилган сўзлар. Лекин шу чиройли ёзувлар замирида аёлнинг тутаб турган дардлари ётганлигини билар эдим. Юрак ютиб ўқий бошладим...

«Дунёга келганимга пушаймон қиламан. Ҳаёт кечириб нима кўрдим ўзи?»

Кизлик давримни, бахтиёр кунларимни кўп эслайман. Орзуларим кўп эди ўшанда. Ҳозир эса армонларим кўп. Асосий орзуйим ўқиш, ўқитувчи бўлиш эди. Мактабни аъло баҳоларга тугатдим. Фарғонадаги ўқитувчилар тайёрглаш институтининг адабиёт куллиясига кириб ўқинмоқчи бўлдим. Менга, пул бермасанг, киролмайсан, дейишган эди. Тўғри чиқди, охири имтиҳондан йиқилдим, йиқитишди. Келаси йилда яна ўқишга кириш учун уриниб кўришга қаттиқ қарор қилган эдим. Йўқ, ҳаёт бу қароримни бузди. Ота-онам раъйимга қарамай турмушга узатишди. Шу билан оилага боғланиб қолдим. Турмуш ўртоғим томорқада ишлар эди, холос. Аниқ касб-коринг йўқ бўлгач, тирикчилик фақат томорқанг бўлар экан. Томорқа ишлари — бодринг, турп етиштириш менга бегона эмас, ўз уйимда ёшлигимдан ота-онамга ёрдамлашар эдим. Яхши яшайлик деб роса ишлардим. Маҳаллада жуда эрта бодринг чиқарадиган бўлдик. Турп қилдик. Ипак қурти боқдик, мол-қўйни кўпайтирдик. Кейинчалик калхўздан 1 гектар ер олиб, пахтага қарадик. Уй, томорқа ишини тинчитиб, далага чопар эдим. Ишдан ортиб бўлмасди. Пул топардик, барибир яхшироқ яшагача етмасди.

Қизимнинг ревматизм бўлиб қолишига мен ҳам айбдорман. Менга раҳми келиб, оёғида калиш билан томорқага қарашар, саҳарги шамда бодринг узишар, совуқда турп олишар эди. Далага ҳам бирга қатнарди. Қишлоқдаги тирикчилик қурсин.

5-синфда ўқийдиган ўғлим ҳам нимжон, касалманд. Томорқа ишига аралаштирмайман.

Ҳаммасига чидашим мумкин. Лекин эримнинг кейинги пайтлардаги муносабатига чидолмай қолдим. Касалмандлигимни юзимга соладиган бўлиб қолди. Болаларимга ҳам тинчлик йўқ...

Менинг айбим нима? Томорқадан чиқмай, тупроққа беланиб меҳнат қилганимми? Ўз қадримга етмаганимми? Бугун кўзим сал очилганга ўх-

шаяпти. Қизимнинг тақдири меникидек бўлишини истамайман. Бутун умри фақат меҳнат билан ўтмасин, инсондек яшасин, дейман, армонга кўмилиб яшамаслигини истайман. Мен шу ёшга кириб бирор марта ҳам чиқмаган пойездга чиқсин, мен боролмаган Тошкентга, Самарқандга қодами етсин, деб орзу қиламан...»

Қолганини ўқий олмадим. Аёлнинг изтиробли иншоси юрагимга ўйилди. Хаёлларим сўроқ белгисини кўтариб учдилар. Нега шунчалик дард, шунчалик фожеъа битилган дафтар варақлари ёниб кетмайди, кулга айланмайди?..

Бир неча йиллар муқаддам туманинг собиқ райқўм котиби Усмонали Бегматов айтган ва кейинчалик тилдан-тилга кўчиб юрган ушбу сўзлар ёдимга келди: «Келин олсанг Олтиарикдан ол, филдек ишлайди, бодринг экиб бойтади; Олтиариққа қиз берма, бодрингди меҳнатида эзиб ташлашади». Назаримда, жуда топиб айтилган.

Чиндан ҳам Олтиариқнинг пешонасига бодринг, турп битилгандек. Олтиариқнинг бодринг, турпи таърифати қайларга етмаган дейсиз? Юртимизнинг қаерида бўлманг, олтиариқлик эканлигингизни билишсаёқ: «Бодринг қалай?» деб сўрашади. Албатта бу мароқли шухратга қаттиқ ва ҳалол меҳнат билан эришилган. Лекин шу шухратнинг асосини яратган аёлларга кераклича эътибор бераёلمизми? Зеро, ана шу шухратни тутиб турган илгаклар асосан аёлларимизнинг қисматига қоқиб қўйилгандек, бундан кўз юмиш ношукурлик ёки оқни қора дейиш билан баробар. Бугунга келиб ана шу шухрат илгаклари аёлларимизнинг қалбига ҳам заҳа етказган кўринадди. Яна ҳам, аёлларимиз бардошли, сабр-тоқатли, дардни ҳам сирдек сақлашади. Дурустроқ яшаш учун томорқада бодринг, турп етиштиришдан бошқасини тасавурларига сиғдира олишмайди, бошқа касб-кор йўқдек. Худди шу ўжарлик аёлларимизни томорқага боғлаб ташлади ва улар шунга кўникиб ҳам қолишди. Оқибатда аёл қадри, саломатлиги эмас, пул аҳамият касб этиб қолди. Яна маънавият чекинди.

Яхшиси, олтиариқлик аёлнинг томорқадаги меҳнати, бодринг, турп етиштириш жараёнига энгил разм солиб кўрайлик.

Томорқа иши йил бўйи тўхтамайди ҳисоб. Бодрингни деб бир парча мевали дарахтлар баҳридан ҳам ўтилади. Бодрингдан келган пулга бозордан мева-чева олишга ўрганилди. Бу бодринг дегани ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Қишнинг сўнгги кўринмай парникларда бодринг кўчат қилиш бошланади. Ҳар туп кўчатни олиш учун қозондан алоҳида «станканча»лар ясалади. Элакдан ўтказилган тупроқ чириндига аралаштирилиб «станканча»ларга солинади. 10 сотих ерда ўртача 3 минг дона кўчат «станканча»лар ундириб олинади. Иш болалаб



бораверади. Кечасию кундузи меҳнат қилинади. Албатта аёллар бошчилигида. Бодринг кўчатлари кўзга кўриниб қолгач, плёнка қоғоз билан ўралган жўякларга ўтқазилади. Яна плёнка қоғоз остига қўлида теша билан аёлларимиз — оналар, опалар, қизлар, сингилларимиз киришади. Улар орасида ҳомиладор аёллар ҳам бор. Иш давом этаверади. Кўчат яхши бўлса 1-1,5 ойда бодринг узиш мумкин. Энг оғир меҳнат парвариш даврида бўлади. Айниқса, плёнка қоғоз остида, қайноқ ҳаво остида бодринг кўчатлари остини юмшатиш, яна эмаклар юриш айтишгагина осон, холос. Шу плёнка қоғоз остида юриб кўчатларга кимёвий дорилар, гўнг, ҳоҳида кунжара ҳам солинади. Қисқаси, икки томони ғип қилиб ўралган плёнка қоғоз ичи ўти баланд сандалдек қизийди. Узбекнинг, Олтиариқнинг аёли дош беради бунга, холос.

Бодринг пишгач, яна аёллар ва болалар овора, чунки эркакларнинг бошқа ишлари бор. Бодринг меҳнатидаги эркакларнинг ўрнини инкор этмаймиз. Бодрингни сотиш эркаклар зиммасида. Баъзида аёллар ҳам ишининг бу босқичида иштирок этишади. Бодринг шундай сермеваки, суғориб турсангиз, ҳар куни узавериш мумкин. Бодринг фақат саҳарги шабнам тушган ёки кечки салқин маҳалда, кўпинча сув ва лой ичида ялангоёк, калиш ёки резина этик кийиб узилади. Палаги совуқлик, оёқ ости ҳам зах, нам. Демак, бодринг узган аёлга ҳар томонлама совуқ ўтади. Бодринг палагида қичиштирувчи, яъни замбуруғ-

ли касалликларни кўзғатувчи хусусият ҳам бор. Тиббий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, зах ёки совуқ ўтиши жуда кўплаб касалликларни — оёқ оғриғидан тортиб ўпка силигача келтириб чиқаради. Айниқса, плёнка қоғоз остида ишлаш инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки плёнка қоғоз остида ҳарорат юқори, тоза ҳаво сийрак, заҳарли ислар, ерга солинган кимёвий дориларнинг заҳарли буғигача бўлади. Буларнинг ҳаммаси томоқ, бурун, нафас йўллари ни касаллантириб, юрак, жигар, ўпканинг фаолиятини бузади. Тана бўйлаб қон айланишида ҳам ўзгариш бўлади. Буларнинг наслга ҳам таъсири бор, албатта. Томорқанинг оғир меҳнати турфайли саломатликка етган путур бурданига сезилмаслиги мумкин. Лекин бир кун оёқдан йиқитади. Фожеъалиси шундаки, бодринг ва турпнинг оғир ва ортиқча меҳнати натижасида аёлларимиз тез қарисфат бўлиб қолишмоқда. Бодрингдан сўнг маккажўхори, турп меҳнатида куч берилади.

...Ўтган йилда туман бўйича 14 ёшгача бўлган 261 нафар болалар турли касалликлардан нобуд бўлди. Тиббий кўрикдан ўтаётган минглаб аёлларнинг деярли барчасида камқонлик ва бошқа касалликлар мавжуд. Қанчалар дардга чалинган аёллар шифокорларга мурожаат этмайдилар. Қанчалар ношуд шифокорлар касал аёлларни қоғозда соғлом деб қайд этиб келишмоқда. Шифохоналарни бемор аёллар, болалар босиб ётибди. Аж-

ралишлар тобора кўпаймоқда... Шу оғриқлар, кўргуликлар, кулфатларнинг бир томони томорқадаги оғир меҳнатга, томорқадаги аёл меҳнатига тутшиб кетган бўлса-чи?!

...Олтиариқ қишлоқларидаги аёлларни томорқадан, бодринг ва турпнинг оғир меҳнатидан буткул халос этиб бўлмаслигига кўзим етиб турибди. Нима қилмоқ керак? Аёлларимизни томорқа ишига кўмиб қўйиб, хотиржам юравериш ҳам ярамайди. Томорқада аёл меҳнати юрт тўқинлиги учун хизмат қилар экан, унга тайёрлов идоралари кўраётган фойдадан ҳам тақсимлаб бериш керак. Нима учун яхши ҳосил олаётган тажрибали томорқачи аёлларни тақдирлаш, рағбатлантириш мумкин эмас? Томорқа меҳнати ҳам қонуний фаолиятга тенглаштирилиб, нафақага чиқишда ҳисобга олиниши мумкин эмасми? Адолатсизликни қарангки, томорқачи аёлга касаллик варақаси учун ҳам ҳақ тўланмайди. Шу кичик муаммони ҳал этишни давлат ва жамоа ҳўжаликлари ўз зиммаларига олишса, маблағлари ўпирилиб кетмаса керак. Гап, ахир, Аёл ва унинг саломатлиги хусусида кетаяпти.

Қолаверса, бодринг, турп етиштириш Олтиариқнинг маҳрига тушган эмас. Уй пойдевори олдиғача бодринг қилинмаса ҳам тирикчилик ўтказиш мумкин. Кам меҳнат талаб қиладиган экинларни экиш билан аёлни болалари олдиға, тарбия билан чуқурроқ шуғулланишга қайтариш мумкин. Шу билан саломатликлари ҳам маълум даражада муҳофаза қилинган бўлади.

...Томорқа ичидаги унутилаёзган аёл. Уни танияпсизми? У — онангиз! У — опангиз! У — синглингиз! У — қизингиз! Улар — биз томорқанинг оғир меҳнатиға бой бериб бораётган муқаддас маликалардир!

Инқилоб аёлни эркак билан тенгхўқли қилди. Аслида шу тенглик никоби остида аёл юксакликдан тортиб олинди. Қоғоздаги тенглик замирида маҳкумлик бордай. Меҳнатға маҳкумлик, эрга маҳкумлик, ерга маҳкумлик ва яна нималаргадир маҳкумлик. Оллоҳдан бошқасига маҳкумлик бекордир.

Эсланг, шундай гап бор: «Ватан ва халқ аёлдан бошланади». Шу ҳақиқатни ҳам унутдик чоғи. Аёлки қадрланмас экан, халқ ҳам ўнганмайди. Аёлни ўз ўрниға қўйишимиз керак. Аёл тенгликдан юқори туради. Унга сиғинмоқ ва тавоф этмоқ ҳам камлик қилади. Улар — номусимиздир!

Эй, томорқа ичида куймаланаётган аёл! Букчайган қаддингни кўтар! Юртингда мустақиллик, ҳурлик шабодалари эсмоқда. Зора, истиқлол ва истиқболға покланиб олган бу муборақ шабодалар Сени томорқанинг машаққатли меҳнатиға боғлаб ташлаган кўринмас, аммо оғир занжирларни узиб ташласа...

Мухлис ЖҲУРАБЕК



Вақт ёйибсан. Эй гул

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

ҚИЗИЛ КҲЙЛАК

Мен қизил кўйлақда кутгандим сизни,
Гул билан келар деб ўйлаган эдим.
Кўксимга жо қилиб райҳон исини
Зинҳор айрилай деб суймаган эдим.

Сизнинг қўлингиздан гул олмасам-да,
Ҳар байрам гул билан йўқлади кимдир.
Уларга бахтиёр боқолмасам-да,
Хонамининг ҳавоси доим мўтадил.

Жунжикиб кетаман гулларга қараб,
Ғунчаю барглари жонсизга ўхшар.
Муҳаббат дегани тишларин қайраб
Банди бўлган каби кўксимда яшар.

Ишонинг, бу юрак ҳеч кимникимас,
Кимнидир росмана қарғам келди.
Ёт гуллар мен каби ўқшини билмас —
Қизил кўйлагимни киймайман энди...

Нега индамайсиз, нимага жимсиз,
Тўкилиб тугади ўрик гуллари.
Кўнгилдан ҳеч нарса ўчмагай беиз,
Шунча қисқамиди севгимиз умри!

Юлдузлар ёнига чорламай кўйди,
Ҳали ҳам ёнмоққа етарди кучим.
Юрагим негадир зорланмай кўйди,
Мен кўндим, мен сўндим фақат сиз учун!

Ўзингдан Кечими осмонмас...

Сувлар оқа бошлар ҳайқириб тагин,
Баҳорлар бурқайди дунёни гулга.
Ташлаб кетмоқдан қолдириб ҳаққим,
Севги боғларини бутун умрга...

Қанийди, юрагим тошга айланса,
Ва қайсар хотирам қолсайди музлаб.
Жонсиздек кўринса жамики нарса,
Балки йиғламасдим мен сизни эслаб...

БАХТСИЗЛИК

Кутаману, «Келмасайди» деб
Ёлвораман ўзим худого.
Зинҳор менинг ташвишимни еб —
Қўлингизни очманг дуога.

Сизга ёзган мактубларимнинг
Қанчасини йиртиб ташладим.
Алами зўр ўтган умримнинг
Йигирма йил сизсиз яшадим.

Ўшанда ҳам шеърлар ёзардим,
Мисраларим кўп дардли эди.
Қувончларни дорга осардим,
Йўллар жуда хатарли эди.

Ҳеч ким мени бебахт демайди,
Тунлар узун, тунлар безовта.
Йўк, сизни ҳам кўргим келмайди,
Кўп нарсадан юрагим зада.

Энди йўллар хавфсиз, равондир,
Сиз ҳам бошқа, мен ҳам бошқаман.
Сўйлаганим балки ёлғондир,
Мен ҳаммадан ҳозир кўрқаман.

Юпанмайман энди шеър ёзиб,
Сиз учун ҳам мўтлоқ хавфсизман.
Ўз бахтининг бағрига босиб
Нобуд қилган битта бахтсизман...

ГУНОҲ

Гоҳида йиғлаймиз бағримиз доғлаб,
Ювмоқ учун тўккан сиёҳларимиз.
Бизларни заминга қўйгайдир боғлаб,
Сезиб-сезмай қилган гуноҳларимиз.
Учиб кетмайдими осмонга йўқса
Беғуноҳ одамлар фаришта бўлиб.
Агарда заминда гуноҳ бўлмаса,
Осмон ҳам кетарди одамга тўлиб...

Ўзимдан кечишим осонмас,
Яхшиси мен сиздан кечаман.
Менинг ҳам юрагим осмонмас,
Бор-йўғи шунчаки бир чаман.

Мен сезиб турибман ҳадемай,
Кўзларим йиғлашдан тонади.
Ўшанда ҳеч кимга билдирмай
Сизнинг ҳам кўнглингиз ёнади.

Мен эса сиз отган ўқ-ёйни
Гул каби кўзимга суртгайман.
Бағримга сиғдириб дунёни,
Бир сизни ул ердан қувгайман.

Йўк нарса йўқолса ҳеч гапмас,
Бу дардлар ҳаммаси майдадир.
Мен сукут сакласам бир нафас,
Ҳаммаси аслига қайтадир.

Сўнг севги аталмиш яловни
Қалбимдан суғуриб ташлайман.
Бошқалар қатори аёвсиз
Яшашга кўника бошлайман.

Кўз юмиб кўкларга учаман,
Йўлларим ўзимга аёнмас.
Яхшиси мен сиздан кечаман,
Менинг ҳам юрагим осмонмас!

БОЙЧЕЧАК

Ўрик гулларини тўкиб улгурмай,
Ҳали ёнмай туриб қирда лоззор —
Ҳасаддан сарғайиб, яхши кун кўрмай
Баҳорни йиғлатиб кетди сўнги қор.



Бойчечак жон берди қорга қўшилиб,
У ўрик гулини ўпмоқчи эди.
Қилган гуноҳлари ёдига тушиб
Висолнинг баҳридан ўтгиси келди.

Шўрлик табиат ҳам бизларга ўхшаб
Унутиб қўйганми ишқ эртагини.
Ҳар йили ёмғирнинг пойига тўшаб
Беажал кўмади келинчагини.

Баҳорни йиғлатиб кетди сўнги қор,
У ўрик гулини кўрмоқчи эди...
Қирларни яшнатиб турган лоззор
Мени ҳам сиз билан кўрмайди энди...

Бу ҳаёт жуда ҳам ғалати,
Бор-йўғи азобдан иборат.
Мен яшай олмайман башарти
Кимгадир қилмасам итоат.

Йўк, менга қарғишлар тегмайди,
Кўз ёшга ўхшайди юрагим.
Қаддимни ташвишлар эгмайди,
Бор бўлса сизга ҳам керагим.

Бу ҳаёт дардимни қизитар,
Одамлар мушткетти ўйнайди.
Қуёш-ку заминни иситар,
Оймома нимани ўйлайди?

Кечалар безовта бўламан,
Ёп-ёруғ туш кўрсам гоҳида.
Бир тунда минг бора ўламан,
Айланиб ҳаётнинг чархида.

Ҳар тонгда қайтадан туғилиб
Мен пешвоз чикурман қуёшга.
Туну-кун кимнидир соғиниб,
Айланиб қолганман бардошга.


Аёвсиз бўламан бир зумда,
Итариб ташлайман кундузни.
Худо деб биламан баъзида
Ёнига чорлаган юлдузни...

Бизни учраштирамай кўйди-ку йўллар,
Ва ёки улар ҳам мендан хафами?
Бардош деганлари шунчалик бўлар,
Менинг қалбимдадир ишқнинг ватани.

Нурсиз кечаларим оёқ тирайди,
Гуллар ковоқ уяр тутгандек мотам.
Умид қушчалари уйқусирайди,
Йўлимда йўлиқмас мен кутган одам.

Қийиндир ўзингни юпатиб яшаш,
Бир сирдош ахтариб жуда чарчайман.
Биламан, гуноҳдир бировни қарғаш,
Кўз ёшим тугаса қандоқ чидайман!

Гулларга термулиб толса-да кўзим,
Уларга сиримни айтгим келмайди.
Қуёшга ўхшайди менинг ҳам орзум,
Йўллардан мен нажот кутмайман энди...



ФЕРМА ЭНГ ЯКИН ИШХОНА

Оламда қанча гап-сўз бор. Айниқса, ҳозир ҳамма сиёсатдон. Лекин ҳақиқий меҳнат кетаётган жойда эса ундай эмас. Ким билади, балки меҳнатдан фикру хаёллари бўшамас уларнинг. Меҳнат мароми давом этаётган жойлардан бири — қишлоқлардаги чорвачилик фермаларидир.

Ғузор туманидаги узоқ йиллар «Партия XXII съезди» дея номланиб келинган жамоа хўжалиги бугунги кунда Мейли Раҳмонов номи билан аталмоқда. Мейли Раҳмонов хўжалик ҳудудида яшаб, жамоага, элнинг яхшиёмон кунига сидқидилдан хизмат қилиб ўтган инсон.

Хўжалик сут-товар фермаси хўжалик бошқарув идорасидан унча узоқ эмас. Қишлоқнинг қоқ ўртасида. Хотин-қизлар учун энг яқин иш жойи. Бу яқинлик фақат йўл масофаси маъносидагина эмас. Соғувчилик касби, ундаги шарт-шароит қишлоқ аёлларига кўп томонлари билан бошқа ишларга нисбатан анча қулай. Жумладан, соғим тайинли, белгиланган вақт асосида бажарилади. Демак, бу ерда ишлаётган аёл ишга қачон келишини, қачон кетишини, ҳатто иш орасида қачон бўш бўлишини олдиндан билади ва ўз оилавий юмушини шунга қараб режалаштиради. Соғувчи аёлнинг бўш вақти ҳам бошқа касбдагиларникидан кўра кўпроқ. Яна шуниси эътиборга лойиқки, сут-товар фермасида ҳар кимнинг масъулияти ўзида. Бировнинг меҳнат маҳсули бировга кетмайди, яъни ҳар кимнинг челаги ўзи

билан. Энг муҳими — иш мавсумий эмас, доимий. Айтишларича, яна соғувчилик — қизларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир этармиш. Хуллас, шулар боис бўлса керакки, қаерда бўлмайин соғувчи сингилларни мудом яхши кайфиятда учратаман. Бу ерда ҳам худди шундай бўлди. Галдаги соғим арафасида соғувчилар яна йиғилишди. Фермага улар билан қувноқ кайфият ҳам кириб келди.

Туман хотин-қизлар кенгаши раиси Марям Асадова, жамоа хўжалиги хотин-қизлари кенгаши раиси, машҳур пахтакор Санобар Боймуродова, ферма мудири Сафар Дўстёровлар ҳамкорлигида улар ортидан кузатамиз. Қизлар молхоналарга кириб кетишди. Биз эса тўхтаб қолдик... Тўхтаб қолдик — чунки ичкари... молхона. Уни минг бор ювиб тарасанг ҳам... Ҳолатимизни сезган Марям опа бир гапни эслатди. Қайсидир йили юқоридан текширувчи келиб молхоналар нега бадбўй деб туман раҳбарларини койиған экан. Ахир бу молхона-ку, дейишни эса асло иложи бўлмаган. Қолаверса, бу сигир ҳиди, сут ҳиди, ем-хашак ҳиди, қишлоқларда ўтин қилиб ёқиладиган тезак ҳиди. Назаримда, бундан жирканиш эмас, ундан касб ҳидини, қишлоқ ҳаёти тарзини туйиш керак қалбда. Бу ҳолат кўп чўзилмади. Бир зумда ҳалиги бадбўй ҳид ўзининг табиийлигига кўниктирди бизни. Бошқаларни билмадим-у, мен ўз қишлоғимни, ўз ҳовлимни, сигир соғаётган онам-

ни, ёнида сигир бошини силаб, гоҳ бошимни бошига қўйиб, унинг ҳидига тўйиб-тўйиб турганларимни эсладим.

Фермада ҳаммаси бўлиб 600 бош қорамол боқилади. Соғин сигирлар сони 200 дан 300 гача етади. Соғиб олинаётган сутнинг 90 фоизига яқини давлатга сотилади. Яна шунчасини давлатгами дейиш мумкин? Бошқа қаёққа? Хўжаликда сут маҳсулотлари билан ишлайдиган корхона йўқ ҳозирча. Одамларнинг эса ўзларида мол бор. Қолаверса, энди давлат ҳам ўзимизники. Ҳар ҳолда, Москвага кетмаяпти, тайёр маҳсулот бўлиб ўзимизга — дўконга чиқади.

Соғувчи қизлар сони 14 та. Уларни илғор ёки қолаққа ажратиш қийин. Деярли бир оила аъзоларидек бўлиб кетишган. Кимнинг тажрибаси кўплиги ҳақида эса гапириш мумкин. Майрам Рустамовага энг кўп — 21 сигир биркитилган. Ҳар ҳолда, яқинда келган Сурайёга бунча сигирни ташлаб қўйиб бўлмас. Шунга кўра, Майрам Рустамовага кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келади. Шунингдек, Мухайё Эсонова, Махфират Бўронова, Холида Бўронова, Пардахол Кенжаева, Розия Омонқулова, Барчиной Хуррамова, Азиза Сайдуллаеваларнинг қўли анчайин келишиб қолган. Улар хоҳ соғув машинасида, хоҳ қўлда бўлсин, ишнинг суръати ва сифатини пасайтиришмайди.

Ҳа, айтмоқчи, барча сигирлар соғиш механизмида соғи-

лади деб жар солиш ҳам бу қизларга обрў келтирмайди. Ахир, ҳали соғув машиналарига ўрганмаган сигирлар бор. Уларни бунга ўргатиш, умуман, сигирларни «тарбиялашга» ҳам анча устомон бўлиш керак. Ҳозир фермаларда баъзи сигирларнинг савлатини кўриб (кўз тегмасин, зоти шунақа) кўрқасан киши. Қизлар эса... Ҳа ўша кичик жуссали қизлар бу сигирларнинг олдида янаям кичик бўлиб кетишади. Аммо ўша «басавлат»лар қизларнинг сўзига киради, номини атаб чақирса, келади, эркаласа, сутини ийиб беради. Сигирларнинг ҳар бирига савлати, характериға мослаб чиройли номлар қўйилган.

Фермада одамлар меҳнат қилаяпти. Улар 40 тача одам. Кимдир ем-хашак тўплайпти, кимдир молларга қараяпти, кимдир ҳисоб-китоб қилган банд. Ҳаммасининг маҳсули эса ўша соғувчи описингиллар қўлидаги челақларда ўлчанади. Демак, хўжаликнинг катта-кичик раҳбари, мутахассиси бу қизларга «ҳорманглар» демасдан иложи йўқ.

«Дам олиш хонаси»да 2—3 ёш қизлар қолишди. Қолганлари оппоқ халатларини елкаларига ташлаб уйларига — ҳақиқий дам олиш уйларига қайтишди. Буни ҳам тушунса бўлади. Балки айнан шу имконият учун ҳам шу касбни танлашгандир улар. Фермадан уйгача эса... жуда яқин.

Холис
ТОШМУРОД ўғли

МУҚОВАМИЗДА

Мен сархуш эдим... Шаҳарнинг қоқ ўртаси — Урдаси билан Хадраси ораси... Уз ўй-хаёлларим билан дунёни милён ўлчаб, ярим тафаккурлаб келаяпман. Фикри-зикрим тунов куни ўқиб тугатганим Хемингуэйнинг «Райский сад»и билан чапишиб кетганди... Қизиқ... ҳамма нарсанинг оралиги киприклар орасичалик яқин... Америко қаерда, Тошканинг қоқ бели қаерда! Хемингуэй қайдаю Сен қаерда тентираб юрибсан! Бироқ, Америко ҳам, Хемингуэй ҳам менинг дунёи дуним, савдоий бошим билан бирга айланапти. Мен истасам Америко-ни рўпарамга олиб келаман, хоҳласам (хоҳламаслик мумкин эмас) улуг Хемингуэй билан шундоқ юзма-юз гаплашаман... Мен куёшнинг борлигига ишонаман, ки унинг чиқиши ё ботиши ҳақида сўзлаб ўтиришни асло эп кўрмайман. Куёш азалдан бор — у ботмайди, чиқмайди, йўқса айтинг, куёш қаердан чиқиб, қаёққа ботади, бошингизни оғритмоқчи эмасман, куёш жарга ботмайди, шунингдек тоғ ортигаям — у мангулигича чарақлаб тураверади...

Менинг саволимга эхсонамни фикринириб жавоб берасиз:

— Куёш чиқса кундуз, ботса кеч бўлади...

Нақадар бемаъни гап...

— Куёшнинг ботиши мумкинми!

— Ҳа...

Нақадар калтабинона жавоб.

— Куёш чиқмаса биз унинг борлигини қаердан биламиз!

Буниси оз-моз гапга тушунадиганга ўхшайди...

— Оғайни, бери кел оғайни. Менга қара, Сенда жон бор. Эшит, Сен куёшни борлигида кўргансан... ва шундай қабул қил... Ҳаёт буюкликни тан олган заҳоти буюклик пайдо бўлади, буюклик ҳеч замон ботиб кетмайди, буюклик дунёни уйғотаётганини сен кўрмагансан-ку, фақат мингича энг нозик фикр толаларинг ненидир зикр этган...

— ...

Индамагани яхши... Демак... у ўйлаяпти. Илк бор — кўчадаги бир далли бола йўлини тўсиб куёш ботмайди, куёш чиқмайди — куёш фақат Бор, деган тушунчани ақлига сиғдириб олгани учун таажжубда қолди...

Мен ғалаба қилдим, — бир одам мен томонга ўтди, биз кўпайапмиз энди...

Хемингуэйни эргаштириб чорраҳадан ўтгач, биттадан чекмоқчи бўлдим... [йўқ улуг Хемингуэй ҳеч қачон чекмовди, ситарани қайтариб берди] Манов баланд-баланд дарахтларнинг ҳурпайиб туришларини парвойига илмай, Ҳамза театрусига довр чурқ этмай келдик. Салобатли бионинг мармар манглайдан мусиқага қоришиқ ёруғ нурлар отилмоқда. Бино нур ичига ғарқ бўлган эди, нурдан тиклангани боис дуволларини қўл билан ушлаб кўриш мумкинмас, фақат ҳовучлаб-ҳовучлаб нур олсанг, кўзларингни чайсанг, та-воф қилсанг арзийди.

Шаҳар нурга айлиниб бўлган иморатни кўрмаётганига ҳайронман... Шаҳар нурларнинг куйлари оғушида ҳаволаётган бинони пайқамаяпти.

— Жаноб Хем, бу ерда ўзбек санъати улугларининг нафаси сезилади. Ана Аб-рор Ҳидоят — Отелло, Олим Хўжа — Алишер Навоий, Шукур Бурҳон — Шоҳ Эдиб... тагин Наби Раҳим, Сора опа ва бир қанча нодир истеъодлар... Бунда жаъмики улуглар нур сочяпти, улар сира ғойиб бўлмаяжак, йиллар ўтган сари чарақлаб турадилар.

Ўзбек рақс санъатида Мукаррама Турғунбоева чўққилари осмон билан сирлашган тоғ сингари қад кўтарган. У халқнинг юрагидан жой олган табаррук аёл. Инжу санъатимиз доврўги билан дунёни титратган. У шиддаткор дарёлари лол қолдирган, гўзаллик ва фасоҳат гулшанида энг асл ГУЛларни еттиштирган ва шу гулларнинг хандаю жилваси бутун ер юзини тутган, бўй таратган. Бу гуллар «Баҳор»да очилдилар — рақс этдилар... Қизил, оқ, зангор, чиройли гуллар...

Мукаррама Турғунбоева юзлаб шогирдлар тайёрлади. Улар бугун ҳурқанот қушларга айландилар... Қанотлари куйлар сеҳрида парвозга шайланган қушлар рақс санъатининг чинакам кучини кўрсата билдилар. Ана шундай, ўзбек элига ўлмас саҳна, иқтидорли раққосаларни кўрсата олган инсонга ҳамиша таъзим қиламиз.

...Шаҳарга даҳшатли ёзувчи оралаганини ҳеч ким сезмади. Эҳ-ҳе, аслида Борни Йўқ, Йўқни Бор, айримдагина Борни Бор этажак бу ғала-говурда Навоий сайрга чиқишини, дарвеш Машраб куйлаб юришини, майхўр Хайём донишмандона ўйга чўмиб ўтиши, ҳар куни — ҳар сония, Пушкиндан тортиб Толстойгача орамизда тентирашини наинки, кўриш, ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдирилмаймиз. Агар биз, уларнинг шу кўчаларининг белини бўкиб, манов дарахтларга ўйчан терму-

Кўнқор НОРҚОБИЛ

Куёш
ҳеч
қачон
ботмайди

(БАДЕЪА)

ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИНИНГ ФИДОЙИСИ МУКАРРАМА ТУРГУНБОЙ ҚИЗИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

либ ўтишларини англаганимизда эди, Куёш ҳеч қачон ботмаслигига жон-жонимизни бериб ишонардик.

Улуг Хемингуэй, куёш ботади десалар савалашаман. Жаноб Пушкин, куёшларнинг ботиши мумкин деганларни дузлга чақираман...

II.

Куёшнинг ёши нечада!

— Тўхтанг! Жавоб беринг, яхши қиз! Нега билмайсиз! Бошингизни оғритган бўлсам узр. Нима, ўйлаб гапирганимда шундай демасмидим. Умуман, Сизнинг менга таниш ёки нотаниш эканлигингизнинг ҳожати йўқ. Манови бинони кўрасизми, нурга айланиб ҳавода муаллақ турибди. Ана, куёшларга қаранг — танидингиз-а.

— Йўқ, ҳеч нарса кўрмайпман... [Ҳайратдан кўзларингизни пирпиратасиз]. Қани, нима деярсиз ўзи! Қанақа бино! Ҳамма нарса жойидаку!! Қайси куёшларни!

— Сиз менинг ёнимдаги одамни ҳам кўрмайсизми!

— Йўқ, Сиз ёлғизсиз...

Сиз троллейбус ташлаб кетган бекатдан бир қадам ҳам жилмайсиз, фақат алақ-салақ гапирётган қаршингиздаги

афтодаҳол савдойидан қутулиш учун дуч келган троллейбус ёки автобусга чиқиб кетмоқчисиз. Сезиб турибман... наҳотки шумчалик қаҳрингизни қўзгатган бўлсам.

— Ҳай, майли... ёнимда ҳеч ким йўқ деб ишонтираман ўзимни...

Сиз энди менга яқинлик билан ҳайратлана бошлайсиз. Жилмаясиз... Гапга тутгингиз келаётганини ҳис этиб, мушкуллингизни осонлаштираман.

— Келинг, яхшилаб танишайлик. Шойирман... шеър ёзаман, гулу гўзалларни яхши кўраман... Шеър айтсам, мендан кўкси тоғ одам бўлмайди, гўё... Шаҳар кўчалар киборга тўлар... қизчалар ўтади гуррос ва гуррос, Тўхтанг, мен шойирман бақиргим келар, Тўхтанг, шеър ўқишни севаман холос... Юрагимни дарахтларга иламан, киприкларнинг озоридан жоним симиллап кезлари еру кўкка сиғмайман... Ҳаммангизни севгим келади... Ҳаммангизни юрагимга қамаб озорланишдан, куйиб битишдан ором оламан.

Сиз ёнимга яқин келасиз... Кўлларингиз кабутардай кўлларимга қўнади. Кўзларингиз шамолдай жонимни фалакларга совуради. Отилмаган киприклар ҳайратнинг сувартини чизадилар.

— Мени уйимгача кузатинг. Жуда узооқ... пиёда кетамиз... Қоронғуда кўр-қаман [шавирлаб кўясиз].

Мен лабаримни тишлаб оламан.

— Ахир ёруғ-ку!!

— Йўқ, қоронғу,

[Эркалайсиз...]

— Қани, куёшни топиб беринг...

[Иҳраб юбораман, кўзимни чирт юмаман-да, Сизни куёшнинг теппамизда, ҳар доим сиз билан туришига ишонтираман].

— Мен Сизни кўриб турибман-ку! Демак ёп-ёруғ. Куёш бор...

— Змиистон бўлсам кўрасизми!..

— Албатта.

— Ғалатисиз... шойирларни телба ҳаёлларидан чалғитиб бўлмайди дейишди, ҳақ гап... Уларнинг хаёлдан бошқа нимарасаси йўқ. Улар хаёл фарзандими чиндан!

— Шойирлар ўз ўйларига бошқаларни ишонтириш учун тугиладилар... бироқ шойирлар алдамайдилар...

Куёшнинг ботмаслигини англаш учун шойир бўлиш шарт эмас.

Мен ишроқ абадул-абад, ишроқ барқарордир деган ўй билан Сизнинг ҳузурингизга келганим. Гўзалларнинг ўзларини олдида бир ўлмак, кўнглилари учун минг ўлмак ҳақиқатлигини тан олиб, шу ёп-ёруғ маҳалда мени тарк этишингиз, учиб кетишингиздан чўчирдим. Қадамларингиз энгил, ёзининг сукунатли дамлари хаёлимни тилкалаган, кўзим кўраётган нарсаларнинг мен учун аҳамияти йўқ, куруқ, бениҳоя мўъжизалар содир бўлаётган паллада менинг кафтимдаги ягона гавҳар ҳасаб бир тош эдингиз. Йўқ, Сиз кўзим чаманзорининг асл гули барғидаги бир шабнам, қанотлари чанги қароғимни чайган капалак эдингиз, ташна лабаримга ёқуранг қадаҳдан тутқазилган жонбахш, тахур май эдингизким, менинг тир-тўзғиб кетишим,

айни дам сиздан мосуво бўлишим ҳеч гап эмасди.

Бироқ... қайсар, телбавор кўнглим барибир Сизга Қуёш ҳақида сўзлашни, меним деганимни маъқуллашингизни зор қақшаб ялинарди. Икки олов орасида турган жонимнинг жоврига — Бепарво кўнглим Сиз томонга сув сепади — Қуёшни кўраясизми, — деди у оғриниб.

Мен кўрқиб кетдим...

— Ҳа... қуёш ҳеч қачон ботмайди... [Қуш каби потирлаган Сўзлар Кўз ўнгимда қанот чиқариб ҳаволардан гул терди].

Серрайиб қолдим.

— Юринг қуёш ботмайди... Сизга ишонаман қуёш ботмайди. Аслида биз ҳамўйлар эканмиз, лекин нима ҳақида қийналиб ўй сураётганимни тополмасдим... — дедимиз.

— Энди топдингизми!..

Қадамларингиз секинлашди... тўхтадингиз... юзингизга инган табассум менинг кўнглимни ёритди.

Ҳа...

— Сиздан сўрасам... майли...ми!

— Нимани!

— Исмингизни!

— Исми Бажор! Бажор денг — раққосаман... «Бажор»да.

Кейин... бирдан ғойиб бўлдингиз, атроф ёрушиб, киприкларимдан чўғ сизди, қўлларим ҳавога муаллақ ҳолда санчилдилар, юрагимнинг қиличлари — қўлларим бўм-бўш сукут бағрини тилкалаб ҳайқирдилар...

III.

Эртасига Сизни тилибизирда кўрдим. Рақс этдингиз... чаманлар ичиндаги капалаклар билан баҳс этдингиз. Гуллар наволарининг ҳавосида навозиш қилдилар... Бир... бир... оҳиста... оҳиста... эшилиб хиром этдингиз. Гўё парвозга шай оққушсиз, қанотларингиз куйларнинг заворидан дир-дир титраюр... Қаландар Машрабнинг фиғонларига бепарво бўлиб учдингиз гўё... Дунёни куй оқизди... Девонаи шайдо шойирнинг нечукким фарёдлари менинг юрагимни тўкиб бўлди... Мен бу кеча тўкилдим... Кашанда гулларни-да титроғи тутган хонамнинг даричаларини ланг очиб юбордим. Даричаларда куйиб бораётган гуллар ташқарига интилдилар, мени оқизаётган сеҳри жоhiba қоришиқ оҳанг — очик деразадан кенгликка таралди... Борлиқ ўт ичида қолди... ташқарида неки мавжудот, ки менинг гулларимдек қалтиради... Бул кеча менинг хонамни наҳиб қилган ёғду осмонга қараб бўзладим... Нима биз шунча яқинмидик... бизни не боғлади, кабутар... Мана менинг кўнглимдан оққанлари — шулар!

Кабутар,

кўзингиз мени хўб отди,

Доира ингради, яроладингиз...

Бул кеча бир гўзал ўлувни кутдим

Мақомга осилиб ҳаволадингиз.

Кабутар,

кабутар, оппоқ хур қанот

Ҳаволарга гуллар отиб силкинди

Оҳангларни тилган нур каби тийнат

Куйлар озоридан дилга беркинди...

Эшилиб ўйноли кўҳна чархи дун

Юракка тиғ тортиди бармоқларингиз.

Мени олиб учинг... юзи жиллоли

Жонни сархуш этди қароқларингиз.

Дилни узиб... узиб ўйнодингиз Сиз

Аслида ўт бирла ўйнашди Юрак...

Аслида хўб уззооқ қийнадингиз Сиз

Аслида мен каби тўкилди фалак...

Кабутар,

кўзингиз мени хўб отди,

«Тиғи ажалми» ё бул хиром жоним...

Бул кеча энг гўзал ўлувни кутдим...

Бул кеча куй каби тозарди қоним.

Кабутар, кўзингиз мени хўб отди...

Ушанда кўчаларга улоқиб кетдим...

IV.

Чарақлаган кунларнинг бири. Ўт-ўланлар тилга кириб заминга кўклик югурган маҳал. Олам соғинч рангида. Олисларга тикилиб толиққан кўзларим юракда ҳаяжонли кўмсашнинг беғубор сувратини чиғади. Сизни қидириб бордим — ана учинчи қаватнинг ҳарир пардали дарихаси, бир қаноти очилган... Қадрдон гуллар чайқалиб турибди майин шабадада. Деразангизнинг қияланган сўл қанотида чизилган парвозга шай улкан оппоқ кабутарнинг қанотларидаги яшил бўёқдаги ёзувларни ўқиб томирларимда олов кўпирди, бўғизимга недир қадалгандай бўлди. Нигоҳим гул каби битталаб-битталаб терди сеҳрли ҳарфларни. Мана ўша учқур сўзлар: «Қуёш ҳеч қачон ботмайди».



V.

Биласизми, адабиётнинг, истеъдодлар порлаган ҳар қайси соҳанинг Қуёшлари — нур ва ёруғлик эгалари ҳар маҳал чарақлаб тураверар эканлар, тан олиш ёки инқор этишларининг улар учун заррача аҳамияти йўқ. Фақат кўнгил кўзлари қамашади улардан. Адамдан худо асрасин, Аданга худо ёрласин! Навоий бободан то Абдулла Ориф, Рауф Парфи, Эркин Воҳид, элнинг қизи Ҳалима Худойбердигача масофани дилга жойлаб олдики, юрак нурафшон, демак, ҚУЁШ БОТМАЙДИ... Мен бугун юрагимга ёзиб даричамга осиб қўяман — ҚУЁШ БОТМАЙДИ! Нарёғи Бетховен Юракнинг, Берёғи Муқаррама Турғунбой қизи юракнинг... Осмон ҳам кенг, нурлар милёрд, зарралардан милёрд баробар кўпроқдир, фақат ишонинг, Навоий бобо, Ҳалима Но-

сирова Абдулла Орифни қўллагани каби Муқаррама Турғунбой қизини-да қўллаган. Бетховенга ҳам буюқларга хос шу улуг хислат ато. Қисматига қуёшлиғ ёзилганларнинг бари бугун нур сочгани каби эртага... индинга... минг йиллардан кейин ҳам порлаяжак, мангу қолажак!

Гар кўнгил кўзимиз хаста экан, бу тор дунёдан улканроқ, тирик қуёшларни каф-тимизга олиш, юрагимизга жойлашни эплай билсайдиқ... Бизам кенглик қилсайдиқ... Тан берсайдиқ... Одам бўлардиқ... Олам бўлардиқ...

Бугун аниқ эспадим... Сизни аввал таниганман... Мен нигоҳларни нутолмайман... Хотирам эса ҳеч қачон алдамаган... Бундан олти йил муқаддам, 19 яшар ўспирин эдим... Сизни ўт-олов ичидан қайтган куним, Афғонистонда, Совет элчихонасида кўрганман. Қуролга суяниб рақсингизни томоша қилганман. Аниқ эспадим — Уша Сиз эдингиз... Уша кунин мен одам отиб келгандим. Ичимда бўронлар курашаётганди. Атласлари лов-лов ёнган «Баҳор»нинг аддақд қизлари ичинда кўзларингизни мусибат ишғол этган юрагимга муҳрладим. Сиз дийдаси мунглиғ, устбоши кир-чир ўн тўққиз баҳориди дунёдан тўйиб турган йигитчанинг қаршисида — зулмат қўйнидаги шамдай порладдингиз, жамики ифлосликлар уюлган чиқиндихонада очилган атиргулдай порладдингиз... Менга раҳмингиз келиб, меҳрингиз ийиб, соллона-соллона рақс тушаётганингизда ич-ичимдан нималардир чирт-чирт узилаверди. Оғриққа дош беролмай ўрнимдан туриб кетдим...

Қисмат... экан орадан 6 йил ўтиб Сизни ўша нурлар чулғанган театр биноси қаршида, Ташкентнинг қоқ ўртасида учратдим... Ва «Қуёш ботмайди» — деган ўйга ишонтирдим, руҳингиз, борлигингиз узра менинг истагим тантана қилди.

VI.

Гўзал кунларнинг бирида — бугун ишхонамга излаб келдингиз. Узимни овутиш учун, ўзимни совутиш учун тоғу боғ қилиб суҳбат бердим. Ақлу ҳушим жойида эмаслигини билдир[мас]лик учун Сизга латифалар айтдим... Санъатдан сўзлашдик... Киприкларингиз қўриқчи нигоҳларингизга жонимни суғуртириб кулавердингиз... Дунёи-дуним жимирлар, бир ҳаловат қўйнида ўз юрагимнинг тафтига исиниб, ҳурландим... Қизиқ... шу қўллар... шу жусса... шу нигоҳларга табнат нақадар афсун бахш этган... йўқса улар учармиди!..

Ишларим кўп эди дедимгиз...

Мен осмондан тушдим...

— Ҳозир бироз сабр қилинг...

Тутилдим тилимда чўғлар чарсиллади...

— Янги рақс ўрганааяпман... Сиз албатта кўрасиз...

Таклиф қилдингиз мени.

— ...Дарвоқе... бу йил Муқаррама опа Турғунбоева 80 ёшга тўлардилар... Чинакам талант... куч... истеъдод бўлиб ўтганлар...

Тўлардилармас... тўладилар... улар ўтмайдилар...

Менга маъноли қарадингиз...

Биз бир-биримизни тушундик...

— Албатта, ахир Қуёш ботмайди, — дедимгиз ўйчан.

— Қуёш ҳеч қачон ботмаган, — дедим мен...

Биз маъноли хайрлашдик.

Мен Сизни бундан олти йил аввал кўрганимни, юрагимда оғриқ пайдо бўлганини айтмоқчийдим, айтолмадим.

Муҳими, Сиз тушундингиз — ҚУЁШ БОТМАЙДИ!

Эшик очилиб АЁЛ кириб келди. Яна ўша аёл. Бу аёл етти йилдан буён менга таниш. Шунча йилдан буён мен ундан ўзимни яшираман. Лекин у Берунидан Тошкентга йўли тушди дегунча (асосан шу иш бўйича атайлаб келади) кириб келаверади. Мен шунча йилдан буён топиб беролмаган Ҳақиқатни сўрайди яна. Шу пайтгача бўлган уринишларимда унинг ҳақиқатини топиб беролмаганимдан хафа ҳам бўлмайди. Зора бу сафар топиб бера оларсиз дегандек, умид билан яна янги-янги ҳужжатлар олиб келади. Унга нисбатан қилинган ва афсус ҳамон давом этаётган ноҳақликларни матбуотда ёритилиши гўёки Ҳақиқатнинг қарор топишидай. Унинг бугундан ва мендан кутган Ҳақиқати шу. Қолганлари эса қайтмас йўлга кетди...

Илк бор бу ҳақда ёзишга уринганимда (афсус шу даврда етарли далиллар тўплай олмангилгим сабабли босилмади) қаҳрамоним Гулчеҳра Қурбонниёзовага нисбатан ноҳақлик бошланганига анча бўлган ва у ўзининг ҳақлиги йўлида курашиб, эришгани... анчагина зарба ҳам еганди. Гулчеҳра опа Беруний шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлаётган пайтида турмуш ўртоғи Шомурод Бозорбоев ташкил этган ёрдамчи хўжаликнинг иши туман раҳбарияти томонидан тўхтатилган, бунга қарши норозилиги учун унинг устидан жиноий иш қўзғатилган ва бу йўлда тортиша-тортиша юраги хасталаниб Ш. Бозорбоев бевақт оламдан ўтган эди. (Бугун эса шаҳар халқ таълими бўлими мудири Энгел Ҳасанов ўзи бош бўлиб кимларгадир тарқатган ёрдамчи хўжаликнинг Ш. Бозорбоев қурган биноларини қайтиб олиб, турли мақсадларда фойдаланмоқда.) Гулчеҳра Қурбонниёзовани эса жазолаш давом этарди: у аллақачон шаҳар ижроия қўмитаси масъул котиби лавозимига ўтказилган бўлса-да, унинг маориф бўлими мудирлиги вазифасида ишлаган даврдаги «хатоларини очишди» ва ишдан олишди. Ҳолбуки у раҳбар пайтда ҳисобчи йўл қўйган озгина пул маблағи хатоси (ўзлаштириш эмас) ўз ўрнига қўйилган ва бунинг учун бир марта тегишли жазо ҳам қўлланган эди.

Сўнг у ноилож шаҳардаги педагогика билим юрти сиртки бўлими мудири бўлиб иш-

лай бошлади. Гулчеҳра опа шунча вақт ичида кимга ва қаерларга бориб мурожаат қилмади дейсиз.

Ниҳоят 1990 йил 20 декабр куни Беруний тумани партия қўмитаси бюроси, 1991 йил 28 июнда шу бюро қарори асосида шаҳар Совети сессияси Г. Қурбонниёзовани масъул котиблик вазифасидан бўшатиш ҳақидаги 5 йил илгариги туман партия қўмитаси бюроси ва шаҳар Совети сессияси қарорларини бекор қилдилар. Аммо шаҳар Советининг шу сессияси «шаҳар ижроия қўмитаси масъул секретари лавозими билан фуқаро Г. Қурбонниёзовани олдинги лавозимига тикланишининг иложи йўқ деб ҳисоблади ва унинг 1985 йил 28 декабрдан билим юртида иш билан таъминланганлигини инобатга олди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР СОВЕТИ РАИСИ: Ю. НАСРУЛЛАЕВ».

Ана сизга бир одам 5—6 йил умрини бериб ахтарган ҳақиқат — бир парча қоғоз. Унинг матнини қаранг-а: қарор ижроси ҳам матнда мужассам. Бу икки раҳбариятга шу топда бир маслаҳатчи бўлмадики, агар бу масалани яна уч-тўрт йил кечиктиришса, Г. Қурбонниёзова нафақага чиққанлиги муносабати билан, деб жумлани янада мазмунлироқ ва ҳеч кимга зарари тегмайдиган қилиб яқунлаш мумкин эди. «Иш билан таъминланганлиги инобатга олинган» эмиш. Ахир ҳақиқат қарор топгунча ишлаб турган эди бу ишда. Ноҳақликка йўл қўйганларнинг-ку Гулчеҳра опага тиштирноғи билан қаршилиқ кўрсатиши табиий эди. Лекин педагогика билим юрти директори А. Йўлдошевага бу кечиккан ва чала ҳақиқат нега оғир ботди экан. У бу қарордан 15 кун ўтиб палапартиш, асоссиз ёзилган қуйидаги буйруққа имзо чекди:

«...Мақтабгача тарбия муассасаларида тарбия бўлимида ўқитувчиларга педагогик нағрузкалар етишмаслиги сабабли сиртки бўлим мудири ўртоқ Қурбонниёзова Г. ва сиртки бўлим методисти ўртоқ Бисенова Х. ўз вазифасидан озод қилинсин ва вақтинча сиртки бўлим мудири этиб ўртоқ Шеримбетова Тўхтажон, методист қилиб Букарбоева Динара

тайинлансин, ўртоқ Қурбонниёзова Г. тўғарак ишлари мудири қилиб тайинлансин Тангриберганова Раъно ўрнига».

Авалло А. Йўлдошева масъул лавозимда ишласа-да ўрин қисқартириш, вазифадан вазифага ўтказишнинг ҳамма биладиган қондаларини ҳам билмас экан. Иккинчидан, бу раҳбар бир йўла тўрт ходимнинг тақдирини бу тарзда уларнинг розилигисиз ҳал қилишга ҳақли эмаслигини унга ўқитириш лозимга ўхшайди. Яхшиям ўқитирилди. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ва илм-фан ходимлари касабаси уюшмаси республика қўмитаси томонидан. Шундан сўнг А. Йўлдошева қисқарган ва омонатгина қилиб «Г. Қурбонниёзова 1992 йил 2 январдан сиртки бўлим мудири лавозимига қайта қўйилсин» дея буйруқ чиқарди. Демак, бундан чиқди лавозим қисқартирилмаган эканда. М. Йўлдошева ё ростдан ҳам ўз вазифаси даражасида ҳужжат юрғизишни билмайди ё... Ахир бу ўринда у аввал ўзининг аввалги буйруғини бекор қилиши ва унинг асосини кўрсатиши керак эмасми? Хўш, энди олдинги буйруқда номлари зикр этилган бошқа ходимлар тақдири нима бўлади? «Қайта қўйилсин» деган мазмунсиз ибора аслидаям омонат бўлиб чиқди. Орадан бир ой ўтказиб, уни яна «лавозими қисқарганлиги муносабати билан» озод қилди ва «педагогик соатлари 18 соат қилиб тайинлансин» дея буйруқ матнини тугатди. Мана шу охириги жумла фақат А. Йўлдошевага бирор мазмунни аңглатар, аммо бошқалар бундан маъно аңгламайди. Умуман, А. Йўлдошева ҳужжатлар юрғизишни ўрганиши зарур. Қачонгача катта бир билим юрти ҳужжатлари пала-партиш, асоссиз юришиб борилаверади? Кейин эса директор томонидан рўйхат чиқди. Бу, яъни дарс соатлари камлиги сабабли бутунлай қисқариши — ишдан кетиши керак бўлганлар қайд этилган рўйхатда Г. Қурбонниёзованинг номи биринчи бўлиб кўрсатилган эди... Қизиғи шундаки, Г. Қурбонниёзованинг ўрни қисқартирилган ҳар бир буйруқда бошқа бир номлар ҳам бўлади. Лекин улар ё ўз ўрнида қолади, ё дарров ўз даражасидан кам бўлмаган иш билан таъмин-

Чори ЛАТИПОВ

ланади.

Гулчеҳра опа энди бир пайтлар эри ва ўзи билан қаттиқ кураш олиб борган шаҳар халқ таълими бўлими мудирини Э. Ҳасановдан нажот — иш сўрашга мажбур бўлди. Нима қилсин, касби ўқитувчилик, шаҳарда халқ таълими бўлими битта. Э. Ҳасанов уни «...1992 йил 2.09.дан 6-ўрта мактабга 0,5 ставкада илмий бўлим мудирини қилиб ишга қабул» қилди.

Табиийки, Гулчеҳра опани бу иш қаноатлантирмайди. Биринчи навбатда иқтисодий томондан. Унга Э. Ҳасанов яна «раҳм қилади». Орадан 2 ойча ўтиб, навбатдаги буйруқ чиқди: Г. Қурбонниёзова «...Мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатига услубчи қилиб ўтказилсин». Энди бу «раҳмдиллик» замирида нима бор билмадигу, аммо Гулчеҳра опа бу масканга ўз уйдан уч мактабдан ўтиб бориши керак.

Гулчеҳра опа бундан 8 йил бурун шаҳар ижроия қўмитасидаги масъул котиблик лавозимидан нотўғри бўшатишга эди. У шу ҳақиқатни тиклаш учун шунча вақт курашиб эришгани мана шу иш бўлди.

Ҳурматли Гулчеҳра опа! Умрингизнинг 8 йили ўзингизга қилинган ноҳақликни исботлаш учун ўтди. Яна қанчаси ўтади, билмадим. Лекин барибир вақт яхши ҳақамлигини сезаётгандирсиз. Озгина (тарих учун 8 йил озгина) вақт ўтиб, Сизни нотўғри ишдан бўшатишгани аниқ бўлди. Аслида мана шунини тан олмаслик учун қилдилар қолган ноҳақликларни. Мана, бугун ўша даврда Сизни оқлаб мақола ёзолмаганимни, бунга Сизга қарши ҳужжатлар йўл қўймаганлигини ҳам билиб турибсиз. Яна вақт ўтиб, бугунги «ўйин»ларнинг ҳам «ўйин» эканлиги маълум бўлади. Аммо бунинг учун яшаш керак. Раҳматлик Шомурот аканинг тақдири аччиқ сабоқ бизу сизга. Афсус, бу инсон юраги **ҲАҚИҚАТ ЙУҚ ЭКАН** деган қояли манзилда тўхтаб қолди. Лекин бундан кейин ҳеч бир инсон юраги шу нуқтада тўхтамасин. Ҳечдан кўра кеч, дейдилар. Кечикиб бўлса-да ҳақиқатни кўрган маъқул. Мана, мenden сўраганингиз ҳақиқатни — ёзаяпман. Қолганларини ҳам кўрарсиз деган умиддаман. Фақат бунинг учун соғ бўлинг.

СИЗГА БОҚОЛМАГАН КЎЗЛАР...

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Андижон ўқув ишлаб чиқариш комбинатида илгари бўлмагандим. Улар корхонанинг 60 йиллиги олдидан қизлар иштирокида «Энг дилбар қиз» мавзусида баҳс ўтказишмоқчи бўлишганда мени ҳам таклиф қилишди. Аввало баҳсинг номини эшитиб кўп ўйга толдим. Улар орасидан «Энг дилбар қиз»ни аниқлаш... Кейин уларнинг дунёга шу даражада ТЕРАН НИГОҲ БИЛАН БОҚАЕТГАНЛАРИДАН хурсанд бўлдим. Корхонага қадам босибоқ кўзларимга ёш қалқиди. Қизлар «**Тийрон кўзлар**» шеърини ўқиб, меҳмонларни кутиб олишаётганди. Кираверишда эса «Меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тотганинг» деб ёзиб қўйишибди. Шунда бу инсонларнинг ҳаётга, жамиятга хизмат қилишга интиқ қалбларини яққол ҳис қиласан киши.

Комбинат директори — Республикада хизмат кўрсатган саноат ходими Жумабой Шоматов. Унинг шеърлари республикамиз матбуотида тез-тез босилиб туради. Корхонадаги жонли ҳаёт тарзини кўп томонлама унинг ижодкорлигига боғласа ҳам бўлади.

Бу комбинат 1933 йилда 7 киши иштирокида арқон ишлаб чиқариш билан иш бошлаган. Бугунги кунда эса бу ерда 700 дан зиёд киши меҳнат қилади. Шуларнинг тенг ярми кўзи ожиз ногиронлардир. Корхонанинг 4 та туманда бўлимлари ҳам бор. Республикамиздаги

кўплаб корхоналар бу комбинат билан ҳамкорлик қилади. Ишлаб чиқариш тури ҳам ранг-баранг. Меҳнат қилишдек инсоний эҳтиёжини қондириш учун курашиб яшаётган корхона меҳнат аҳли ўз ҳаёт тарзларини янада мазмунли ўтказишни ҳам билишади. Улар ўтказган баҳс (баҳсда булоқбошилик Ҳулқарой Холбоева, Андижон шаҳридан Умидахон Каримовалар ғолиб бўлишди) шартларининг ҳаётийлигига эътибор беринг-а: шоира Нодирабегим ғазалларидан ўқиб бериш, аёлнинг оилада тутган ўрни ҳақида сўзлаб бериш, келин-чаканинг никоҳ маросими кийимини таърифлаш ва ниҳоят саҳнада ўз қизиқиши бўйича нимадир ижро этиб бериш. Гап ўринда эмаску, аммо иккинчи ўринни олган Умидахоннинг ҳаётий жасорати (буни фақат шундай аташ керак) мени лол қолдирди. У кўз бўйича ногирон, корхонада ишлайди, оилали. Шундай шароитда бундай баҳсларга ҳозирлик кўришга вақт, имконият топиши ростдан ҳам жасорат.

Улар даврасида бўлиб, уларнинг фикру хаёли яхшиликдан иборатлигини очиқ-ойдин сезиб олдим. Улар тилида ёлғон, хиёнат, ўғрилиқ деган сўзлар йўқ.

Мунаввархон АҲМЕДОВА,
Андижон вилояти
кўп соҳали 1-болалар
шифохонасининг
ўқитувчи-тарбиячиси,
Ўзбекистон халқ
маорифи аълочиси



Қутби
НОСИР қизи

«МУШТУМ» жўрноли ходимлари билан битта бинода ишлаймиз. Иш-пиш, югур-югур дегандай... бир-биримиз билан салом-алик қилишга ҳам вақт тополмаймиз. Гоҳо лифтда, гоҳо ошхонада кўришиб қоламиз. Жўрнолда ишлар қалай, қайси мақолаларни олиб ташлашгани, обуна... ойлик... сўнгра зўрға ижод ҳақида сўраб улгураемиз. Вақт каби учқур лифт эса олтинчи қаватга ҳам етиб қолади, шунда ҳамсуҳбатимиз «Муштум»га тушиб турунлар,— дейди.

Бир кун муштумчиларнинг бири айтиб қолди.— Ҳм, шу... шу... ишлар кетаяпти, аста... аста... Ҳа, Қутби опа Носир қизи эллик ёшга тўлибдилар... бошқа янгиликлар боз бояғидай...

Қутби опа ўзбек китобхоналарига яхши таниш... Биз уни ярим асрлик тўйи билан самимий қутлаймиз.

МАЙРАМ ОПА

(САОДАТ АЯ ҲИКОЯСИДАН)

Уруш энди тугаган пайтлар... Қайси хонадонда тўй, базм... қайси хонадонда аза, бировнинг эри ногирон, бировнинг ўғли яримта бўлиб фронтдан қайтган. Қайтанга ўша кунларда оқибат кучли экан. Ғам ўлгур одамни бир-бирига яқинлаштириб қўярканми? Ҳозир биров бор бўлсанг кўролмайдди, йўқ бўлсанг беролмайдди. Қўни-қўшни бир майизни қирқ бўлиб еган ўша пайтлар. Дардига, хурсандчилигига шерик бўлган.

Иқлим буви деган бўларди. Уруш йили чоли кўксов бўлиб ўлган, ўғли фронтда, ёлғиз қолмасин деб, кеч-қурунлари ойим билан яримта зоғорами, пишган ловлагими, туршак-жидами олиб чиқардик. Гоҳо, қўни-қўшни йиғилиб, Иқлим бувининг Рус-тами Достон, Алиф Лайлоларини берилиб тинглардик. Баъзида бу ўқишлар тонг саҳарга уланиб кетарди. Энди билсам, ғами ўзидан ортиб ётган Иқлим буви юраги зор қақшаган дардли аёлларга ўша пайтлар руҳан тетиклик бахш этган экан.

Бир кун Иқлим буви бизникига ҳовлиқиб чиқиб қолдилар:— Ҳай, Зебиниса, ўғлим келаётганмиш...

Ойим ҳам айвондан сапчиб тушдилар:

— Вой тилизга шакар-е, қачон, кимдан эшитдиз?

— Кевотганмиш, поездда кевотганмиш, олдидан бир соллат келди.

Ўша кун Иқлим бувининг ҳовлиси тўйхонага айланди. Кўрпачалар тўшалди. Кимдир маҳаллада неча йилдан бери тўйга олинмай унутилаётган катта самоварни олиб келиб сув солиб ўт қалаб юборди. Биров уйдан қоқи, жийда, туршак келтирди. Кимдир кўк сомса, юпка олиб чиқди. Дастурхон бинойидек безалди, қолди. Кечгача келди-кетди бўлиб турди. У кун ҳам, эртаси ҳам Розик акадан дарак бўлмади. Учинчи кун деганда Иқлим бувининг эшиги олдига бир эшак арава келиб тўхтади.

Биз болалар йўлакда ҳар кун Розик аканинг келишини кутар, биринчи бўлиб суйинчи олишга ошиқар эдик. Аравадан бир ўрис жувон сакраб тушди. Кейин арава раҳида ўтирган сол-

дат кийимидаги кишини опичлаб олдида «ну ребятал», деганча биз томон келабошлади. Соддалик экан, ўрис аёлини кўрсак, дўхтир, нина тикади, деб чўчирдик. Бунинг устига эркак кишини опичлаб олганини кўриб довдираб қолдик. Аёл очиқ эшикдан тўғри ҳовлига қараб кириб кетди. Биз ҳам кўрқа-писа ортидан эргашдик.

— Вой болам!

Иқлим буви ўғлини таниди. Шундан кейингина Розик ака келганини тушундик. Болалар тугул катталар ҳам аввал нима гап эканини билолмай туришди. Урис аёл Розик акани супага ўтқизиб қўйди. У оёқсиз эди.

— Вой болам! Шукр, минг шукр, дийдорингни кўрар кун бор экан-а,— питиллаб ўғли атрофида гиргиттон бўларди она.

Атрофда шивир-шивир бошланди.

— Вой шўрлиг-е, қуруқ елкасини ўзи қолибди-я.

— Бояқиш-е, аҳволини қаранг. Анув ўрис жувон дўхтиримикин?

Урис аёл сумкасида олиб келган тешиккулчаларни ҳамма болаларга бўлиб берди.

— Вой, сочқим эсимдан чиқибди-ку. Иқлим буви довдираб қолганидан питиллагани-питиллаган эди. Бир маҳал у:

— Манави дўхтирингми?— деб сўради.

— Ойи, бу Маруся, келинингиз,— деди Розик ака аёлини таништириб.

Иқлим буви бирдан тўхтаб қолди. Кўзига ёш қалқди. Уғлига қаради-ю, ўзини бардам тутиб олди.

— Маруса дейсанми, йўқ, Майрам дейман, уйимга Майрам об келди болам. Майрам келиним, қани буёққа юр-чи?— Иқлим буви имо-ишора билан келинини уйга олиб кириб кетди. Бир пайт Майрам опа бошига ғўза пўчоқ гуллар рўмол ўраб, ўзбекча бурма кўйлак, лозим кийиб чиқди. Ҳамма уни алқай кетди.

— Бирам ярашдики, худди ўзбекни ўзи бўлди қолди.

Майрам опаникига кўп чиқардим.

— Қатиқ олиб кел,— дердилар ойим. Майрамникидан ол, яхши уви-

тади.

Ҳар чиққанимда хонадонда бир ўзгариш сезардим. Деразаларга дарпарда тутиш Майрам опаникидан урф бўлган эди. Урушдан кейинги йиллар маҳалламизда биринчи бўлиб уйга электр туширган ҳам шулар эди. Қачон чиқсам, Майрам опа гупиллатиб кир юваётган ёки тандирда нон ёпаётган, машинада шигиллатиб тикаётган ё повуллатиб сут соғаётган бўларди. Улар икки фарзанд кўришди. Бир қиз, бир ўғил.

Розик ака эрта билан эшак-арава миниб вокзалга ишга кетар, юк ташувчи бўлиб ишларди. Отанинг ишдан қайтиши хонадон учун бир байрам эди. Эшик олди сув сепаб супурилар, йўлакдаги супага кичкина кўрпача солинарди. Болалар ювинган, таранган, озода кийинган ҳолда эшик олдига арава келиб тўхташини сабрсизлик билан кутишарди. Ада келиши билан ойиларига хабарлашар, Майрам опа югуриб чиқиб Розик акани опичлаб олиб супага ўтқазар, дарров бир пиёла қатиқ ёки чой тутар, бироз тин олгач уйига олиб кириб кетарди. Биз болалар бу манзарани ҳамиша ҳам ҳайрат, ҳам қизиқиш билан кузатар эдик. Бу манзара менинг юрагимда умрбод муҳрланиб қолган. Улар жуда аҳил, бир-бирларини кўз қараш билан ҳам тезда тушуниб олишарди. Уларни бу қадар яқин қилган нима экан, деб гоҳо-гоҳо ўз-ўзимга савол берардим. Бир кун бу саволга жавоб топгандай бўлдим.

Майрам опа кетмонда лой шувоқ учун тупроқ ағдармоқда. Розик ака супада ястаниб олиб китоб ўқиб бераяпти. Икковлари дам-бадам қаҳ-қаҳ отиб кулишади. Розик ака мени кўрдилар-у, ўқишдан тўхтаб:

— Кел, келавер,— дедилар. Бордим.

— Ҳамма ишдан борсиз-а,— деди Майрам опага ҳавасим келиб.

— Бу ишлар нима,— деди Майрам опа,— тинчликда, осойишталикда ишлаганга нима етсин. Буларни ўйнаб-ўйнаб бажарса бўлади.

— Эй, сингилжон, сан биз кўрган урушни тасаввур қилаоласанми, йўқ-



Мусаввир С. САЛОҲИДДИНОВ

ми, билмадим. Аммо мани мана шу Майрам опанг бир ўлимдан асраб қолган.

Биз келган қишлоқда фашистлар уя қуриб олган экан, улар билан қаттиқ олишув уч кеча-кундуз давом этди. Шунда оғир яраланиб ҳушимдан кетибман. Узимга келсам, пичан ғарами орасида ётибман. Ҳаммаёқ моғор, ачимсиқ ҳид. Ҳаво етишмайди. Сонимда қаттиқ оғриқ сездим. Сағал ҳаво кириб турибди. Қимирлама, деган овозни эшитиб қотиб қолдим. Ёнимда бир қиз ўтирарди. «Ташқарида яна немислар, сени зўрға олиб кириб беркитдим. Мана буни ичиб ол». Қиз оғзимга сут тутди.

— Оёғим борми, оёғим ҳеч нарса ни сезмаяпти.

— Бор, бор, сабр қил, кечаси келиб олиб кетаман, унгача бу ердалигингни ҳеч ким сезмаслиги керак.

Қиз тунда келиб мени гоҳ судраб, гоҳ опичлаб ертўлага олиб борди. Оёғим шишиб кетган, этигимни кесиб олишга тўғри келди. Иссиғим ошиб алаҳлаб ётардим. Маруся ҳар куни кружкада чой, иссиқ овқат олиб келар, дори берар, укол қилар эди. Аммо аҳволим бешбаттар бўлиб борарди. Ташқарида эса қиз онаси билан таҳликада яшар, фашистлар ҳар бир хонадонга жойлашиб олган эди. Пичан ғарами ертўла йўли билан қўшилиб кетгани учун улар мени сезмаслиги тайин эди. Бир куни қиз келмади. Ундан хавотир ола бошладим. Шундагина унга ўрганиб қолганимни, у бирдан-бир таянчим, суянчим эканини сездим. Эртасига пичан ғарами томонидан эркак кишининг овози эшитилди:

— Пўлатов, қаердасан?

Бироз тараддулланиб турдим.

— Розик, мени Маруся юборди.

— Ким? Кимсиз?

— Врачман. Маруся юборди. Овоз беринг, қоронғида қаерда ётганингизни кўрмаяпман.

— Тўғри келаверинг. Кейин ўннга бурилинг.

Менга яқинлашгач, шам ёқди.

— Аҳволингиз қалай?

— Белимдан пастда қаттиқ оғриқ бор. Оёқларим ҳеч нарса сезмаяпти.

— Қани!— дўхтир обдон кўргач, «падарига лаънат» деб юборди.

— Ташқарида нима гап?

— Немислар қаергадир отланиб қолишди.

— Маруся-чи,— жон ҳолатда сўрадим.

— Уми? Унинг иши кўп, ўрмонда партизанлар бор. Мен ҳам ўша ердан. Сизни ўша ёққа тезроқ олиб кетиш чорасини изляяпмиз. Аксига Марусяларникидаги офитсер ҳеч қаёққа шошилмаяпти. Майли, бир иложини қилармиз. Оператсия қилмасак бўлмайди сизни.

Шундай қилиб партизанларга қўшилдим. Оёқ қорасон бўлган экан. Оператсиядан сўнг от-арава миниб Маруся иккаламиз кўп ишларни бажарвордик. Шундайми, Маруся,— деди Розик ака.

— Ҳа, у кунлар ўтди-кетди,— деди Майрам опа ўчоқ бошини суваётиб.

Майрам опани ҳеч унутмайман. У бизнинг урф-одатларга ҳам тез киришиб кетди. Гапирганда уни ҳеч ким ўрис аёли деб ўйламасди. Чунки у ўрис тилидан кўра ўзбекчада яхши гапирарди. Тилидан, «ўзим айнаний, жоним қоқий», деган сўзлар тушмасди. Тўй қилди, тўйи ҳам ҳаманикидан бошқача бўлди. Ҳаётда энг қийналган пайтларимда Майрам опа кўз олдимга келиб тураверади. «Шу ҳам ташвишми? Тинчликка нима етсин!», деб тургандек бўлаверади.



Қалам тутган болажон! Уткир нигоҳларинг шижоати, ҳайрати юракни яйратади-я! Сен ҳаётнинг энг соф гулисан... Сен энг улкан ва қудратли бир дарёдирсан...

Шу тобда сен Ўзбекистон сўзини, яъниким Ўзбекистоннинг сувратини чизишга жазм этаяпсан ёки миттигина юрагингга Ўзбекистонимизни жойлаб, асалгина мисралар тизишга чоғланапсан...

Ай, болаим! Сен не десанг Чин, Сўзнинг зўри ва ҳури Сенда. Сенинг гапинг ўзингдайин Ҳалолдир. Сен Мустақил Ватандасан, унинг фарзандисан.

Болам, уйғон, осмонга қара, Осмон Сенинг кўзингдайин кенг. Болам, Сендай тоза, бокира Осмон Сенинг ёшинг билан тенг...

Боққил кўкка...

зиллолик инди, Бизнинг борур йўлимиз ўша. Маним қўлим калталик қилди Сен осмонни кучоқлаб яша.

Қўчқор НОРҚОБИЛ



Ҳадиси шарифда: «Одамларнинг ёмони — ёмон олимлардир» — деб бежиз айтилмаган. Олимларнинг хатоси бошқа кишиларнинг саҳвидан кўра кўпроқ зарар етказди халққа. Чернобил ҳалокати, Орол фожеаси, заҳри қотил, болалар ўлими каби асримиз жаро-

ҳатлари фаннинг, чаламулла олимларимизнинг, олимларимиз бонгига қулоқ тутмай келаётган айрим раҳбарларимизнинг ўтмишдаги хатолари натижасидир.

Қуйидаги мақола ана шундай хатоларга йўл қўймаслик ҳақида.



КЎРАР КЎЗЛАРНИНГ НУРИ

Одамзотнинг ўз касалликларидан ташқари, ҳайвонлар қавмига хос касалликлар ҳам одамга юқиши мумкин. Буни фан аниқлаган. Масалан, қораоқсоқ, эхинококк каби иллатлар фақат ҳайвонлардан ўтади одамларга. Утса ҳам, қўй, эчки, сизир, ит, мушук каби ҳаммамизнинг уйимизда боқиладиган, биз ўрганиб қолган ҳайвонлардан ўтади. Улар, айниқса пахта далаларида, чорвачилик фермаларида оғир жисмоний меҳнатдан толиқадиган қизларимиз вужудига тезроқ юқиши мумкинлиги билан ўта хавфлидир. Масалан, қораоқсоққа чалинган аёл бепушт қолиши ёнги ҳомиласи ёруғ дунёни кўрмаслиги мумкин. Бу барчага маълум. Хоссатан, соғлом чорва инсон саломатлигининг муҳим омилдир. Медитсина инсонни, ветеринария эса инсониятни даволайди, деган ибора бежиз айтилмаган-да. Бу борада айрим касалликларга, жумладан қораоқсоққа

қарши махсус даво ва самарали вакциналар бўлмаганлиги чорвадорлар ишини мушкуллаштиради. Фан бу соҳада ҳали-ҳануз амалиётдан қарздордир. Негаки, ютуқлар чорва тиббиёти фанининг барча йўналишларида бирдай, кўнгилдагидай бўлмади. Муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган хавфли касалликларга қарши курашишнинг махсус даволаш ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳанузгача тўлиқ тадқиқ қилингани йўқ. Мазкур касалликларнинг кенг тарқалиши хавфи ҳали мавжуддир. Қораоқсоқни, кўпгина гелминтозлар, араҳнозларни шулар жумласига қўшиш мумкин. Бу ва бошқа айрим касалликлар устида 25, ҳатто 70 йилдан буён тадқиқот олиб борилади. Қанча маблағлар сарфланди, кўплаб фан номзодлари, фан дўктўрлари тайёрланди, минглаб илмий мақолалар ёзилди. Шунга қарамай, ҳуқуқий кучга эга бўлган махсус

вакциналар, зарарсиз доривор препаратлар ҳанузгача етарлича кашф ва амалиётга тадбиқ қилингани йўқ. Қораоқсоқ, эхинококк ва бошқа айрим касалликларга қарши ягона радикал кураш чораси ҳайвонни сўйиш бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, чуқур илмий асосга эга бўлмаган, самарасиз тавсиялар, ўта мураккаб ва бениҳоя кўп маблағ сарфлашни талаб қиладиган чора-тадбирлар мавжудку-я, бироқ, ўзимизга керакли, асосий, махсус йўлни топа олганимиз йўқ.

Чорва тиббиёти фанида юз бераётган камчиликларнинг сабаблари нимада? Биринчидан, илмий ишларни ташкил этиш, кашфиётлар қилиш тизимининг самарасизлигида, илмий мавзу, йўналишларни экспертиза асосида танлаш усули таъсис қилинмаганлигида. Натижада, долзарб, бироқ бажарилиши оғир илмий муаммолар қолдирилиб, мансаб, унвон ва ла-

ИЧКИ МУҚОВАМИЗДА

Маҳзун аёл шифокор етагида оператсия хонасига кириб борар экан, махсус шифокорлар кийимидаги тиббиёт фанлари доктори, профессор Юлдуз Тожибоевага кўзим тушди. Ҳамшира қиз тарадудланиб турган профессор қўлларига махсус қўлқоп кийгизарди. Хўрсиниб атрофга кўз югуртирдим. У ер-бу ерда тўдалашган беморларнинг нигоҳи шериклари ҳозиргина кириб кетган эшикка қаралган. На ошпаз аёлнинг нонуштага таклиф қилаётганию на ҳамшира кизнинг муолажага даъвати уларнинг қулоқларига кирмасди.

Йўлакдаги ваҳм сукунат билан ўрин алмашганда, мен шу пайтгача ҳаёт қатламларига теранроқ қарамаганимга амин бўлдим. Наҳотки, инсон ҳаёти шу қадар кўздан яширин бўлса?

Сукутга чўмган профессорни суҳбатга тортишга журъат эта олмадим. Тушунаман. Кетма-кет — 7-8 соат мобайнида уч инсон ҳаёти билан — ҳаёт ва ўлим билан курашишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун ирода керак. Тикиламан: унинг ҳаракатсиз



туришлари, тикилишлари шунчалик ёқимли, маъсум. Нозиккина шу жусса бунча кучни қаердан олган экан? Дунёда туғилишдек бахт билан бирга ўлимдек бахтсизлик ҳам борлигини билган, дафъатан унга — ўлимга қўл чўзса етгудек яқин бориб қолганини ҳис этган, ўлим остонасидан ортга қайтган — қайта туғилган-

ларнинг бирортаси ҳам опанинг кудратига шак келтирмайди. Шак келтирмайдиган қанча? Уларнинг саногини опанинг ўзи ҳам билмайди бу кун.

М: — Охири оператсиядан ҳаддан ташқари чарчаб чикдингиз.

Ю. Т: — «Малакали» шифокорнинг айби билан бир бечора тўрт соат давомида жарроҳлик тиғи азобини торт-

возимга тезроқ эриштирадиган энгил илмий йўналишларни танлашга йўл қўйилганлигида. Иккинчидан, мавжуд молиявий маблағимиз кўп ҳолларда нотўғри, баъзан фақат маъмуриятнинг хоҳиши асосида, тежаб-тергамасдан тақсимланиб келинди. Илмий муаммонинг аҳамияти, олимларнинг иқтидорини, азмойишгоҳлар фаолиятининг самаралик даражасини инобатга олинмади. Учунчидан, кўп ихтисосли, кўп тармоқли бўлса-да, масалан илмий марказимиз ночор молиявий аҳволга қарамасдан бир вақтда 50 дан ошиқ муаммо устида, 15 мустақил ихтисослик соҳасида тадқиқот олиб борса-да, унга бир ихтисос мутахассиси раҳбарлик қилди. Табиийки, шу соҳа (дейлик гельминтология) ўз-ўзидан маблағ жиҳатидан ҳам, кадрлар борасида ҳам расман назарда тутилмаган имтиёзларга эга, бошқа бир айрим тармоқлар эса «ўғай» бўлиб қолди. Айниқса, биоусулга муносабат қониқарсиз бўлди. Бу каби субъектив камчиликлар ҳозир ҳам давом этиб келмоқда.

Совет тузумида Марказ миллий фанимизни писанд ҳам қилмас, назарга ҳам илмас эди. Энг яхши тажрибахоналарга, энг замонавий ускуналарга ўшалар яққа-қим эдилар. «Хўжайинлар» биз — «четдаги олимларга чуқур илмий-назарий ишлар билан шуғулланишни тавсия қилишмас, сиз Марказ олимлари яратган препаратларни синаб кўриш, ўлка эпизоотологияси ё шу каби масалалар билан шуғуллансангиз етарли, дейишарди. Бу эса ўзимизнинг айрим «олимларимизга жуда қўл келди. Кадрлар тайёрлаш, жой-жойига қўйиш тизими издан чиқди. Синов(аттестатсия)лар юзаси ўтказилди, ихтисосликка амал қилинмади. Масалан, бир нечта азмойишгоҳларимизга ўзга ихтисос эгалари мудирлик қилдилар. Аспирантурада эришилган ихтисослик билими, сарфланган маблағ, фурсат фойда келтирмайдиган ҳоллар юз берди. Маънавий муҳитнинг ёмонлиги, ўзаро жанжаллар, ёзишмалар, ўч олишлар, уларнинг молиявий аҳволини атайлаб

ёмонлаштириш, ходимларни бир-бирига гиж-гижлаш, гуруҳбозлик, миллатчилик ишимизга сезиларли даражада халақит берди, жамоатчилик орасида, чорвачилик ходимлари ичида фанимиз ва олимларимизнинг нуфузи пасайди. 30 йил ичида «ўз аризаси билан» бир неча марта илмгоҳ директёрлари алмашиди, кўплаб илмий ходимлар, жумладан, анчагина талантли олимларимиз ҳам бу даргоҳни тарк этишди. Фанда буйруқбозлик, дилетантлик, сохта ихтирочилик асоратлари учраб турди. Бошлиқ яққа-қимлиги туфайли олимлардан ташкил топган илмий кенгаш ҳам, жамоатчилик ташкилотлари ҳам директёрсиз бирон масалани ҳал қила олмайдиган бўлиб қолмоқда, охириги пайтларда эса уларнинг таъсир доираси камаймоқда. Масалалар олдиндан ҳал қилиниб, кейин хоҳлар-хоҳламас илмий кенгашга билдириб қўйилиш ҳоллари учрамоқда. Азмойишгоҳлар ўртасида молиявий тақсимот ноҳолис тус олди. Яқинда химоя бўйича ихтисослашган илмий кенгаш лойиҳаси тузилиб, илмгоҳ илмий кенгашида муҳокама қилинмасдан ОАКга тавсия қилинди. Бундай ҳаракат фақат раҳбарга эркинлик, жамоага эса тобеълик берилган, деган фикрни пайдо қилиши мумкин.

Ахборот — илмни ўстирувчи омиллардан бири, онг ва фикрни оидинлаштириш, бойитиш учун жуда зарур. Ахборот орқали дунё фанидаги янгиликлар аниқланади, илмий режалар тузилади, такомиллаштирилади. Лекин бизда бу соҳада ҳам аҳвол мураккаблашмоқда. Чет эллардан илмий ахборотлар олиш деярли тўхтаб қолди. Кутубхонада соҳамизга дахлдор матбуот нашрлари, ҳатто ўз илмгоҳимиз диссертацияларининг айрим авторефератларини топиш ҳам маҳол бўлиб қолди.

Фанимизни хўжалик ҳисобига ўтказиш бизнинг шароитимизда ўзини оқламайди. Менимча, агар фан эгасиз қолса, ўзини ўзи таъминлайдиган, қоплайдиган бўлса, жамият илмдан лозим даражада фой-

да кўролмайдди. Хўжалик ҳисоби фанни феодализм хўжалик тизимига тортади. Бундай ҳолда янги нав, янги дори ёки ваксина яратиш маҳолдир, илмий изланишларни, ихтироларни, янгиликларни хўжаликлар билан шартнома тузиб ишлаш йўли билан яратиш бўлмайдди. Қилинадиган кашфиётнинг муддатини, нархини олдиндан аниқлаш жуда мушкулдир. Фандаги хўжалик ҳисоби илмгоҳни савдо ташкилотига ўхшатиб, олимларни хўжаликлар олдида «тиламчи»га айлантириб қўймоқда. Натижада, зарарли препаратларнинг, чала тавсияларнинг амалиётда қўлланиши кузатишмоқда. Томонларнинг ўзаро келишиб, бажарилмаган иш учун катта маблағлар ўзлаштиришларига шароит туғилмоқда. Бу аҳволда фан инқироздан, давлат иқтисодий тангликдан қутила олмаслиги мумкин.

Шу кунларда биологик актив модда айрим «олимларимизни маҳлиё этмоқда. Чунки бу модда молларни тез ўстиради, тез семиртиради. Лекин бу модданинг инсон вужудига салбий таъсири атайлаб назардан четда қолдирилмоқда. Яқинда Олмонияда шундай воқеа рўй берган. Семиртирадиган кимёвий препарат берилган мол гўштини боғча болалари истеъмол қилганда, навниҳолларнинг ривожланишида кучли патологик ҳодиса рўй берган, яъни ўғил болалар кўкрак безининг кучли ривожланиши кузатишган. Молларни кимёвий усулда эмас, табиат қонунлари асосида, яъни ўт-озуқа бериб семиртириш инсон саломатлиги, экология ва табиат мувозанатини бузмаслиги жиҳатидан афзал ва устундир. Ваҳоланки, бизда эса айрим ҳолларда энгис иқтисодий самаранинг фан хулосаларидан устун қўйилиш ҳоллари учрамоқда. Жумладан, экологияни, инсон соғлигини химоя қилиб, чорва касалликларига қарши курашнинг биологик усул ва воситаларини тадқиқ қилиш, ривожлантириш учун ёрдам сўраб қилинган мурожатларимизга қониқарли жавоб ололмаппиз. Экологик бузилишларнинг асосий сабабл-

ди. Кошки, изтироби шу билан тугаса. Кўз илгамас носоғлом тўқима нималарга олиб келишини бемор билмас ҳам онколог яхши билади. Билиб туриб пала-партишликка йўл қўйган шифокор ҳақида нима дейиш мумкин? Хавфли ўсма бир-икки кун — ой ичида пайдо бўладиган касаллик эмас. Ҳамма бало шундаки, уни ҳатто баъзи малакали шифокорлар ҳам дарров аниқлай олишмайди. Оқибат бу хасталик бемор ҳаётининг бир кунини яланғочланиб, доводиратиб, тушкунликка солиб қўяди. Бу ҳали «умидлар узилди» деган гап эмас. Аммо афсус... Баъзан ўсмани очиб кўришим билан ожиз эканлигимни сезиб бўғилиб кетаман. Мўъжизага ишонмасам-да, шундай пайтларда бирон бир мўъжиза рўй беришини жуда жуда истаб қоламан.

М:— Юлдуз Тожибоевна, кейинги йилларда Ўзбекистонда аёллар орасида бепушлик, бачадон раки, турли ўсма касалликлари кўпайди. Рака чалинаётганларнинг аксарияти 19—40 ёш оралиғидагилардир. Аслида, бу даврда инсон ҳам руҳий, ҳам жисмоний кучга тўлган бўлади. Қон ракидан ўлган ўсмирларнинг 38,3 фойизи 14 ёшгача умр кўрган экан.

Кўкрак беши касаллиги билан оғриганлар сони қанча! Мана ўзингиз ҳозиргина айтиб турганингиздек, биргина ушбу бўлимнинг ўзида ўтган бир йил ичида 500 дан ортиқ аёл даволанишга мажбур бўлган. Даволаниш учун навбат кутаётганларнинг сони қанчалигини ўзимиз ҳам билмаймиз. Бир қарра даволанганларнинг қанчаси шифо топган бўлса, яна маълум қисми умидли дунё билан видолашган. Бунинг асосий сабабларини нимадан деб биласиз!

Ю. Т:— Аёллар учун хўжакўрсинга яратилган шароитлар, заҳарланган ҳаво, турли юқумли касалликлар, ўзига ҳаддан ташқари этиборсизлик — бу турдаги касалликларнинг яратилишига яхши замин тайёрлайди. Аборт асоратлари, туғиш жараёнида шифокорларнинг лоқайдлиги оқибатида жуда катта бачадон йиртилишлари, сурункали шамоллашлар, эрозия, таносил касалликлари ҳам бу ва бу турдаги касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бугун, аёнки, заҳарли моддалар билан тўйинган аёл қонини фақат ҳамдардлик, қўллаб-қувватлаш билан тозалаш бўлмайди. Фаолият зарур. Аёл организми заҳардан тозаланмагунча

она ва бола соғлиги тўғрисида фикр юритиш бефойда. Узоқ муддат заҳарга тўйинган аёл вужуди бу каби касалликларни энгисга ўзида қувват топа олмайди.

М:— Бу муаммолар иқтисод билан ҳам боғлиқ.

Ю. Т:— Инкор этмайман. Тирикчилик ташвишларини аёл билан эркак барабар тортмоқда. Жамиятга эса соғлом фарзандлар инъом этувчи она керак. Соғлом она ва фарзанднинг тақдири эса ўзимизнинг қўлимизда эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

М:— «Оилани режалаштириш» тўғрисида сизнинг фикрингиз!

Ю. Т:— Фарзандлар туғилиш оралиғи 3 йилдан кам бўлмаслиги керак. Соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Тўғри, кимнинг қанча фарзанд кўриши аввало ўзига (эркак ва аёлнинг истагига) боғлиқ. Аборт дегани туғишни таъқиқлаш дегани эмас. Шахсан мен абортга ортиқча ишонишни маслаҳат бермайман. Чунки бачадонда ҳомила пайдо бўлган дақиқадан бошлаб аёл организмида гармонлар ўзгариши кузатила бошланади. Сизу биз эса ана

ридан бири олимларимизнинг тўғри тавсияларини инобатга олмасликдир.

Бир марта эришилган даража, унвон эгаси келажакда халқ хўжалигида фойда келтириш-келтирмаслигидан қатъий назар бир умрга маош билан таъминланиши фанга бегона, лаёқатсиз кишиларнинг суқилиб кириб олишларига сабаб бўлди. Натижада, маъқул ва номаъқул йўллар билан дисертатсиялар тайёрланиш ҳолатлари учрай бошлади. Плагиат, компиляция асосида ёзилган илмий ишлар пайдо бўлди. Бундай камчиликлар айниқса гельминтология, паразитология фанлари соҳасида тайёрланган илмий ишларда учрайди. Илмий даражалар олишда мансабдан фойдаланиш ҳолатлари кузатилди. Узга олимларнинг меҳнатидан фойдаланиб, юқори лавозимдаги «ихтирочилар» фан дўктўри, профессўр бўлдилар. Энг ачинарлиси, улар ўзларига ўхшаш ўнлаб илмий кадрларни тайёрлашди. «Шогирд»лар эса «устоз»лар ишини садоқат билан давом эттирдилар. Фанимиз қолақлигининг асосий сабаблари ана шуларда деб ўйлайман.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар кейинги 10—15 йил мобайнида илмий кенгашларда, мажлисларда кўп марта лаб кўрсатилса-да, эътирозларимиз эътиборсиз қолиб кетмоқда. Бундай камчиликлар эса фанимизда янада авж олиши эҳтимол. Нуқсон ва камчиликларни тугатиш йўлларини, чорва тиббиёти фанини ривожлантиришнинг қуйидаги муҳтасар омиллари тақлиф қилишни лозим топдик.

1. Фан мустақил давлатимизнинг онги, ақл-заковати экан, уни тўлиқ давлат таъминотига ўтказиб, хўжалик ҳисоби китанидан озод этишни;

2. Фундаментал илмий ишлар фонди ташкил қилиб, иқтидорли олимларни муҳим илмий муаммо ва йўналишлар билан таъминлашни;

шу ривожланишда бўлган гармонлар функциясини бевақт тўхташига мажбур қиламиз. Инсон вужуди темирдан эмаски, ўтга солиб истаган шаклни ясай олмас. Табиийки, вужуд ҳам бир кун бўлмаса бир кун «исён» қилади. Лекин ҳар хил касалликлардан сақланишга мунтазам ҳаракат қилган ҳолда истаганча фарзанд кўриш мумкин. Бунинг учун аёлларимиз тез-тез вақтларини қизғанмасдан шифокорлар билан маслаҳатлашиб туришса фойдадан холи бўлмайди.

М:— Усма касалликлари ва уларга қарши тиббиётимиз олиб бораётган бугунги йўналишлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз!

Ю. Т:— Усмалар икки хил — хавфли ва хавфсиз бўлади. Буни биз ҳужайраларни ва гумонсиралган жойдан юпқа қатлам олиб текшириш орқали аниқлаймиз. Бундан ташқари, ультра-товуш ҳам бир тўхтамга келишимизда ёрдам беради.

Бугунги тиббиётимиз турли услуб, хилма-хил йўналишларда тараққий этаётган тиббиёт. Яқин-яқингача кимгадир ишониб яшадик. Бугун бунинг сира иложи йўқ. Энди ўзимиз — турли даволаш йўллари ҳақида ҳам, янги тиббий жиҳоз-ускуналар яратиш устида ҳам изланишимиз даркор. Касалликнинг бошланғич, биринчи ва ҳатто иккинчи ҳолатларида, агар бе-

3. Ута зарур илмий муаммо ва йўналишларнинг тегишли маблағ миқдорини аниқлайдиган мустақил эксперт қўмиссияларини ташкил қилишни;

4. Узоқ йиллар самарасиз ишлаган, сифатсиз тавсияномалар берган қолақ азмойишгоҳларни молия билан таъминлашни тўхтатишни;

5. Илмий даража, унвон, иш стажи, мансаб эмас, илмий маҳсулот, натижа, талант тақдирланишини;

6. Олимларга ҳақ тўлашда, улар меҳнатини тақдирлашда фан тараққий қилган мамлакатлар (Епон, Америк ва б. ш.) тажрибасидан фойдаланишни;

7. Азмойишгоҳларга илмий иш учун ажратилган молияни мустақил тақсимлашни;

8. Илмий ишларга раҳбарликни яхшилаш, самарадорликни ошириш мақсадида муаммоларни тезроқ ечиш учун илмгоҳ ва азмойишгоҳларни ихтисослаштириш ва ихчамлаштиришни;

9. Ўзбекистон чорва тиббиёти илмгоҳини ихтисослашган учта мустақил-инфексион касалликлар, юқумсиз касалликларни, биологик усуллари ўрганадиган илмгоҳга ажратишни;

10. Илмий ходимлар аттестатсияси сифатини, кадрлар тайёрлаш ишини яхшилашни, ишлаб турган талантли олимларни қадрлаш, уларга ғамхўрликни оширишни;

11. Директўр яққаҳоқимлигига йўл қўймаслик, демократияга, муқобил фикр ва тақлифларга йўл очиш, ошкораликни, жамоатчилик ташкилотларини, илмий ва услубий кенгашлар ҳуқуқларини оширишни;

12. Ҳимоя илмий кенгаси фаолиятини яхшилаш, бўш, сифатсиз дисертатсияларнинг ҳимоя қилинишига, компиляцияга, плагиатга йўл қўймасликни;

мор ёши 40лар атрофида бўлса, оператсияни кўтара олиш қувватига ишонсак, қўл урамиз. Нур билан ва бошқа қатор даволаш усуллари ҳам бор.

Ҳақиқий сиҳат-саломатлик — бу яратган эгамнинг алоҳида эҳсони, уни ҳеч қандай мулк билан алмаштириб бўлмайди. Ҳақиқий саломатликни Алло таоло инъом этади. Биз шифокорлар эса, қўлимиздан келганча имконни бой бермасликка ҳаракат қиламиз, холос. Қолаверса, бу кўпроқ ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

Касалликнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туришдир. Ана шунда кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини бутунлай олишга эришган бўлар эдик. Улим ҳақ. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Аммо унга ўзимиз сабабкор бўлиб, афсус чекмайлик.

М:— Юлдуз Тожибоевна, биламан, жарроҳлик хонасидан енгил руҳ билан чиқиш ниҳоятда қийин.

Ю. Т:— Мўъзижа кутмай кўя қолайлик. Ҳеч нарсани ғойибдан пайдо бўлиб қолганини ҳали билмайман. Унинг учун ўзимиз ҳаракат қилмоғимиз керак. Аёллар соғлиғи юлиб олинди, олинмоқда. Энг аввало, аёлларни оғир ишдан озод қилмоқ дар-

13. Илмий ишларни фақат шу куннинг эҳтиёжини ўйлабгина эмас, келажак авлод тақдирини, манфаатини кўзлаб режалаштиришни;

14. Кишлоқ хўжалиги фанига давлат тилини жорий қилишдаги тўсиқларга барҳам беришни;

15. Олимлар тақлифларига, маслаҳатларига, мурожаатларига давлат ташкилотларининг эътиборини, жавобгарлигини оширишни;

16. Илмгоҳларга раҳбарни 2 йил муддатга муқобил йўл билан сайлаш, илм ва ахлоқда ҳақиқий сардорлик қобилиятини исботлагач, келгуси муддатга қайта сайлашни ёки илмий жамоатчилик лозим топса, раҳбарликни давом эттиришга рухсат беришни;

17. Жумҳурият аттестатсия қўмиссиясининг дисертатсияларнинг сифати, кенгашларнинг фаолияти, кенгаш аъзоларининг компетентсияси учун жавобгарлигини оширишни;

18. Аттестатсия қўмиссиясига, лозим бўлиб қолганда, собиқ СССР ВАҚИ тасдиқлаган (муддатидан қатъий назар) дисертатсияларни қайта кўриб чиқиш ва ишда плагиат, компиляция аниқланган тақдирда, даража ва унвонларни бекор қилиш ҳуқуқини беришни.

Бу тақлифлар, албатта ёлғиз менинг фикрларим. Виждонли, талантли олимларимиз, фанимиз истиқболи учун чиндан ҳам ичи ачийдиган одил раҳбарларимиз кўп. Уларнинг мулоҳазаларини ҳам зудлик билан бир марказда тўплаб, ғайрат билан ишга киришимиз керак. Фан давлатининг мияси дейдилар қанотдор қилиб. Мия соғлом, бақувват, серғайрат, энг муҳими кашфиётларга иштиёқманд бўлиши лозим. Зеро, улуғ шоирларимиздан бири айтганидек:

Кўрар кўзларнинг нури илмдандир,
Кўнгилларнинг сурури илмдандир.

кор. Агар иложи бўлса, аёлларга фақат соғлиқ улашайлик.

М:— Шогирдларингиз ҳақида қандай илиқ гап айтишингиз мумкин!

Ю. Т:— Шогирдларимнинг ҳаммаси ҳам ўз ишига талабчан, етук мухтаassisлардан. Татьяна Агеева, Ҳамидулла Тожиёв, Хуршид Аъзамхўжаевлар менинг кузатувимда мустақил оператсия қилишмоқда. Татьяна Агеева номзодлик дисертатсиясини ёқлаган. Ҳамидулла билан Хуршиднинг илмий изланишлари ҳам охирилаб қолмоқда. З. Рашидова эса илмий ишини ёқлашга тайёр.

М:— Шу кунгача неча фан номзодлиги ишларига раҳбарлик қилдингиз!

Ю. Т:— 4 та. Яна 4 таси тайёр. Юлдуз Тожибоева билан суҳбатимизни ҳали кўплаб мавзуларда давом эттиришимиз мумкин эди. Афсус, ҳаёт биз билан, ҳеч ким билан ҳисоблашмаслигига шу дақиқа яна бир бор амин бўлдим. Оператсиясига 4 кунгина бўлган беморнинг тикилган жойи очилиб кетибди. Чарчоқ ёзилмасдан туриб яна жарроҳлик столига яқинлашиш... Дунёдаги энг қаттол, энг ёвуз душман бўлган ўлим билан бир шифокор аёлнинг бу галги кураши яна неча соат давом этаркин...

Холтош УСМОНОВА

РУҲ ВА ТАРБИЯ

Аҳмад Яссавийнинг илк бор эълон қилинаётган қуйидаги асари ёш бўғинга мўлжалланганлиги матннинг ўзидан аниқ билиниб турибди. Туркий тасаввуф ёш авлодни инсонпарварлик, халқпарварлик, ҳақсеварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берганлиги тобора равшанлашиб бормоқда. Тасаввуф инсоннинг шаклланишида, унинг ҳақиқий инсон бўлиб етишишида инсоннинг руҳий тарбиясини асосий омил деб билган. Агар Шарқнинг Хитой ва унга яқин мамлакатларида тана тарбияси воситасида инсон руҳий тарбиясига йўл излаган бўлсалар, мусулмон Шарқда инсон руҳининг ўзига бевосита таъсир қилиш йўлини қидирганлар. Инсон руҳи, тасаввуфчилар тушунчасида, унга Яратган эгам томонидан ато қилинган энг олий инъом бўлиб, у инсоннинг ўзлиги, инсонлигидир. Руҳсиз тана — бу ҳайвондан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган махлуқдир. Ҳайвон билан инсоннинг ҳамма фарқи инсонда руҳ борлигида. Инсон руҳи — олий руҳ. Олий руҳни биз Ақл деймиз. Ақл эса тарбияга муҳтождир. Тарбия топмаган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёш бола руҳи ўтмаслашиб қолади. Инсон танаси доирасида унинг нафси домига

тушиб қолган руҳ, тана эҳтиёжини қондириш билангина ўралашиб қолади. Инсон руҳи — Олий руҳ, ўз зиммасига юклатилган энг муқаддас бурч — инсонлар, инсоният ҳақида, унинг оғирини энгил қилиш йўлида фаолият кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолади. Бундай фалокатга учраган инсон нафс қулига айланиб, танасидан [зоҳиридан] бошқаси [ботини] инсонликка эриша олмайди.

ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИНАЁТГАН ҚИССА БИР ҚАРАГАНДА ТАРИХ ИЛМИДАН БИЗГА МАЪЛУМ БЎЛГАН ҲОДИСА — МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ЕЛҒИЗ УҒИЛ ФАРЗАНДИ — ИБРОҲИМНИНГ БЕВАҚТ УЛИМИНИ БАЁН ҚИЛГАН. Лекин бу тарихий факт қиссада қанчалик кенг тарбиявий муаммоларни қамраб олганлигига диққат қилинг. Биринчидан, Иброҳимнинг вафоти оддий бир пайғамбар ўғлининг ўз ажали билан ўлиши эмас. У отасининг умматлари — халқ учун, унинг охиратда азоблардан холи бўлиши учун қурбон бўлмоқда! Ислоҳ динида, тасаввуфда Оллоҳ — инсониятнинг яратувчиси ҳамда барча

яралмишлар сигинадиган, севадиган илоҳ. Ундан кейин инсон учун муқаддас ҳисобланган ота ва халқдир. Кичкина қиссада, кичкина Иброҳим, аввало, Оллоҳ таолонинг иродасини сўзсиз бажо келтиришга тайёр: ўлим — ҳақ: «Дунёга келган киши кетмак керак». Бу ажал. Аммо, юқорида айтганимиздек, бу ажал, ўлим савобли ўлим, кўпчиликнинг бахт-саодати йўлидаги ўлим: «Ҳукм қилса, юз жоним бўлса берай, барча уммат йўлида қурбон қилай». Демак, Оллоҳ иродаси билан, халқ йўлида қурбон бўлиш Иброҳим ҳар бир инсон учун энг яқин бўлган инсон — ота ризолиги ва ҳурматини бажо келтириб, «Ота ҳақи Тангри ҳақидан яқин»лигини англайди ҳамда ажал навбатида отаси «олдига тушиб қолгани»ни ҳис этса ҳам «ота олдида ўғул юрмак хато» деб одоб ва бурчда руҳан етуклигини намоён қилади. Ота қадри, халқ қадри, Оллоҳга муҳаббат бобда ёшларгина эмас, биз барчамиз қиссадан ҳисса чиқаришимизда буюк бобокалонимиз Ҳазрат Аҳмад Яссавий руҳлари мададкоримиз бўлғай!

УРДАБЕКЛИ

Аҳмад ЯССАВИЙ

Бисмиллаҳирраҳмонирраҳим

Саиди олам Муҳаммад Мустафо
Суяр эрди ўғлини ул подшоҳ
Жаброил қилғил ҳасм(и)ға салом
Сарвари олам расул(и) хос ом
Бизга Жаббор жаҳон ҳукм айлади
Суйсун ўғлини расулум деди
Суяр эрса ўғлини, айди Рабб
Умматини қилмасун мендин талаб
Бу икавидан бирисин қилсун қабул,
Тоби бўлмасун анинг кўнгли маълул
Мустафо ҳайрон бўлуб кўтарди бош
Кўзларидан оққузуб селоб ёш
Айди: менга умматим берсун Карим
Йўлида бўлсун фидо юз Иброҳим
Гарчи ўғлумдир юрагим кути
Тилагим Ҳақдин — гуноҳкор уммати
Ул эмаским ёнса умматидин нурум
Умматим доим шафоатдур сўзум
Келтурай, эй Азроил, жонини ол
Ҳукм айлабдур бизга ул зулжалол
Азроил айди: кетурдил, ё расул,
Тангри ҳукми бу турур бўлма маълул
Кетурунг Иброҳим жонин олай
Тангри фармони бу турур мен ўлтурай
Мустафо турди: ул дам йиғлади
Ўғли дардидин юракин доғлади
дерди фироқ
Қилмағайсен ҳасрат ўти бирла доғ
Ҳеч кишига солмасун дарди ўғул
Бўлғай фарзанди учун кўнгли маълул

Кўзларим тўйганча юзун кўрмадим
Ҳам они мақсудига еткурмадим
Ўғли дардидин Муҳаммад қилди оҳ
Амр қилди Жаброилга ул Оллоҳ — илоҳ

Кимни етса оҳи кўкка ногаҳон
Куйдурур жумла жаҳонни бегумон
Борди мактабига ўшал садру сафо
Тангри дўсти — фаҳри олам —

Мустафо
Иброҳим Қуръон ўқирди ул замон
Кўрдиким келиб турур фаҳри жаҳон
Иброҳимни йиғлабон суйди расул
Ким нечук бўлур ҳолинг, жоним ўғул
Бу каломни эшитиб ул подшоҳ
Бошим оғрийур, дебон ул қилди оҳ
Қўпти еридин равон шоҳи карам
Ул гулистон жаҳон боғи Эрам
Ул расул ўғлин (?) офарин
Ул ҳабиб Оллоҳ хатм олам расулин
Айди: Тангри ҳукм қилди марҳабо
Эй ўғул, келдим бу мактаба букун(?)
Эй ота, айтинг, менга, надур сабаб
Ё расул Оллоҳ недундур талаб
Не сабабдур айтингиз они билай
Оёкингиз туфроғин сурма қилай
Айди Ҳазрат: келди меҳмон менга
Сени мендин сўрди, келдим сенга
Уйда ўлтуртиб келибмен ани
Олдига элтайки, ул кўрсун сени
Юз тавозе бирла кирди ул йўла
Борур эрди ул ўғул ота била
Мустафо айди анга, эй жон ўғул,
Икки кўзум равшани султон ўғул.

Илгари юргил кўройин мен сени
Сен эурсен икки кўзим равшани
Иброҳим айди: қачон бўлғай раво
Ким ўғул олдиға юргай, эй бобо
Андоғ ўргатти менга убадин
Ота ҳақи Тангри ҳақидин яқин
Ото олдида ўғул юрмак хато
Сиз юрунг олдимда, эй сафо
Ота-ўғул бордилар уйларига
Иброҳим қилди назар меҳмонига
Уй ичинда кўрди Иброҳим они
Титради юзун-кўзун барча тани
Юракин дардини бир оҳ айлади
Лоладек гул юзин қоҳ айлади
...сори боқиб айди: ота
Бу нечук меҳмонидур айтинг менга
Бу кишини кўрубон кўрқар жоним
Ўтлойин ёнди мени мискин таним
Мустафо айди анга руҳи равон
Мен нечук айтай сиза рози безабон
Азроил келгандур, эй жон ўғул
Тангридин келган бул меҳмон ўғул
Ул қилур султонларни, тахтни
Ушатиб ўтқа ёқадураҳтни
Хони бек фарқ айламас фири жавон
Юз кўрубон ҳеч кима бермас омон
Чўнг билди маълум они Иброҳим
Барчанинг жонин оладир Хуббим
Иброҳим айди расулға: эй ҳабиб
Чун азалдин бизга бўлмишдир насиб
Дунёга келган киши кетмак керак
Ушбу дунё маҳридин кечмак керак
Ҳукм қилса, юз жоним бўлса берай
Барча уммат йўлида қурбон қилай

Эй ота, ушбу сўзумни англагил
 Азроилдан менга муҳлат тилагил
 Ҳамсабоқ бўлгон ёронларни кўрай
 Бир ризолик тилашиб Сизга келой.
 Алвидо айлай ўшал устодима
 Лаҳза турмай келойин меҳмонима
 Азроилдан муҳлат олди Мустафо
 Борди мактабга ўшал...
 Қон тўқуб кирди эшикдин ичкари
 Кўрди ул ёронлари барчалари
 Не сабабдин тўқдингиз кўздин бу ёш
 Энди айланг ушбу сирни бизга

фош?

Иброҳим айди: ёронлар алвидо,
 Дўстларим, хуш, яхши қолинг,

алвидо

Кўрунгиз яхши, мени кўрмассизлар
 Кўра келдим сизларни жони жигар
 Кетодурмиз Тангри ҳукми бу турур
 Азроилким жоним олғони турур
 Теграсида турдилар барча маълул
 Айдилар: ё саиди ибни Расул,
 Туғмағой эрди кошки бизни оно
 Кўрмағайдук сизни мундоғ мубтало
 Айдилар: бизлар сизнинг учун ўлоли
 Ё тилосин Ҳақ таолодин наби
 Ултуруб Ҳақдин тилосун Мустафо
 Бу дуои дардингиз бўлғай шифо
 Иброҳим айди: камина бердим ризо
 Чора йўқ бўлса агар амри Худо
 Устоди (?) хотирини шод айлади
 Келди қайтиб Иброҳим уйга таки
 Кўрди: Азроил турубтур интизор
 Ҳайбат ила юзига бир дам боқар
 Азроил қошига келди ул замон
 Токи олғай жонини тандин равон
 Олди пайғамбар тизига бошини
 Оҳ уруб тўқди кўздин ёшини
 Эй ота, йиғламангиз бердим ризо
 Уммат учун жонимни қилдим фидо
 Азроил чанг урди ул дам жонина
 Мустафо сунди бўйун фармонина
 Иброҳим нолишина кирди ул замон
 Йиғлашурлар нолишидин инсу жон
 Кўкдаги жумла фаришта йиғлаюр
 Хур-ғилмон барча «кел» деб инграюр
 Олди пайғамбар тизига жонини равон
 Отасини кўлида ул берди жон
 Ювдилар, Иброҳимни кўтардилар
 Барча асҳоб жоноза қилдилар
 Қабр ичинда кўйубон қайтти расул
 Жаброил келди қаро кийиб маълул
 Таъзия қилди — деди: Ҳақ раҳбари
 Фахри олам, анбиёлар сарвари
 Сизга мендин мужда йиборди Худо
 Умматинг ҳеч кўрмағай анда бало
 Умматинг ҳар неча бўлса фургуноҳ
 Ёрлақади борини ул подшоҳ
 Кечди ўғлидин расул уммат учун
 Сен фидо жонингни қил Ҳазрат учун

ЛУҒАТ

Ҳасм, «Ҳасин» бўлса керак — мақбул
 маълул, малул — аламли, изтиробли
 қути — бахти
 ёнса — қайтса
 кўнти — турди
 хатм — охирги, сўнгги
 убтадин — одобдан
 коҳ — сариқ, қаҳрабо
 ўлоли — ўладиганмиз, ўлайлик
 асҳоб — саҳоба,

Қуйида Б. Никитин ва Б. Никитина-
 наларнинг «БИЗ, ФАРЗАНДЛАРИ-
 МИЗ ВА НАБИРАЛАРИМИЗ» ном-
 ли китобидан бир парча эълон қи-
 лаётимиз. Парчада (ва умуман ки-
 тобда) она ва болаликнинг бирин-
 чи кунлари, соатлари, дақиқалари
 борасида айрича кузатишлар, «қо-
 тиб қолган қолип»дан ўзгача му-
 лоҳазалар мавжуд. Бу фикрлар,
 кузатишлар бутун жаҳон миқёсида
 тан олинмоқда. Амалда қўлланил-
 моқда. Қолаверса, тажриба ва ҳу-
 лосалар буви-момоларимизнинг
 минг йилликларга туташ амалла-
 рига эшлиги учун ҳам ўқувчила-
 римизга қизиқарли ва қадрли бў-
 лади деб ўйлаймиз.

Мазкур китобдан олинган боб-
 ларни шерободлик мухлисимиз
 Холмўмин АЛЛАМУРОТОВ тар-
 жима қилди.

Болалар учун сунъий озиқ-овқат
 ишлаб чиқариш индустрияси ўз маҳ-
 сулотлари билан бутун дунёни тўл-
 дириб юборди ва ривожланишда да-
 вом этмоқда. Реклама бу озиқ-ов-
 қатларнинг она сути ўрнини тўлиқ
 боса олишига, тайёрланиши осонли-
 гига, фойдали моддаларга бойлигига
 кафолат беради. Бу ҳар қандай бола
 учун юқори сифатли овқат бўлиб,
 она вақтини тежайди, қоматини кўр-
 камлигича сақлайди ва ниҳоят бо-
 лани овқатлантиришни ота (ана хо-
 лос) ва бошқа оила аъзолари зим-
 масига юклаш мумкинлигини ўқ-
 тиради.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш таш-
 килоти хушни йиғиб олишга қақиради:
 ТАБИАТ КЎКРАК БЕРИБ ЭМИЗИШГА
 ДАЪВАТ ЭТАДИ! Олимлар огоҳлан-
 тиришади: РЕКЛАМА АЛДАЙДИ!
 Сунъий овқатлантиришни эрта бош-
 лаш болалар соғлигига салбий таъсир
 этади. Болани бошқа биологик тар-
 қибга эга бўлган ҳар қандай сут билан
 боқиш ҳаракати аслида бола учун
 экологик ҳалокатдир, айниқса бола
 қанчалик кичик бўлса, шунчалик хавф-
 лидир. Аммо, бу даъват ва огоҳлан-
 тиришларни оналар ўқмайдилар, улар
 махсус журноллар ва илмий ишлар
 ичида яширингандир. Бола учун она
 сутидан афзалроқ овқат йўқдир.

Олимларнинг она сутидан маҳрум
 бўлган болани нималар кутиши мум-
 кинлиги ҳақидаги бир неча хулоса-
 ларини ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

1. Ақлий ривожланишнинг кечики-
 ши: Бола овқатига сигир сутининг
 эрта қўшилиши... бола қониди амина-
 кислоталарнинг кўп тўпланишига олиб
 келади ва бу илмий тажрибаларда
 аниқланишича, мия тўқималари учун
 зарарлидир. У мия ривожланишини
 кечиктириши мумкин.

2. Жисмоний ривожланишнинг ке-
 чикиши: Асаб толаларининг миели-
 низацияланиш суръатининг пасайиши
 ва ҳаттоки ҳаракат кўникмалари ҳам

сунъий овқат билан боқилган бола-
 ларда жуда кеч ҳосил бўлиши мум-
 кин.

3. Ҳис-туйғуларнинг бузилиши: Ҳай-
 вонларни шишадан сут бериб боқиб
 тажриба ўтказилганда, улар улғайган-
 да оналик сезгиларининг салбий то-
 монга кескин ўзгарганлиги кузати-
 лган.

4. Семириб кетиш: Успириликда
 пайдо бўладиган ва ҳаттоки вояга
 етган одамлардаги семиришнинг то-
 мири ёшлик йилларига, асосан ҳаёт-
 нинг биринчи ҳафталарига бориб та-
 қалади.

5. Касалмандлик: Она сути билан
 боқилган бола кам ва енгил касалла-
 нади. Табиий овқатланишнинг афзал-
 ликлари бола овқатига жуда оз миқ-
 дорда қўшилган сигир сути аралаш-
 маси таъсирида тўлиқ йўққа чиқиши
 мумкин.

6. Аллергия (шунингдек диатезлар):
 Бола овқатига бегона оксил модда-
 ларидан иборат озиқ-овқатларни эрта
 қўшиш аллергик касалликларнинг кў-
 пайишига олиб келади. Турли хил
 мева шарбатлари, бошқа хилдаги
 қўшимча овқатлар ҳам аллергенлар
 бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кейин-
 чалик эса ич кетиши, чилла яра, аллер-
 гик ринит (бурун касаллиги) ва юқори
 нафас олиш йўллариининг яллиғлани-
 ши, кучаювчи ўрта қулоқ отхитлари,
 асмастик бронхитлар ва бошқа касал-
 ликлар билан оғриши мумкин.

7. Акселерация (гавда ва оғирлик
 ўсишининг тезлашиши): Болани сигир
 сути аралаштирилган овқатлар билан
 овқатлантирилганда мушак тўқимала-
 рининг катта даражадаги етуклиги
 кузатилади, натижада эса эрта қариш
 ва умрни қисқаришга олиб келадиган
 хавф туғилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Наҳотки
 сизга ана шундай «соғломгина» бола
 керак бўлса?

Она саломатлиги, физиологик етук-
 лиги ва қоматнинг камол топиши,
 ҳамма-ҳаммаси кўкрак бериб эмизиш
 билан чамбарчас боғлиқ эканлиги
 азалдан маълум, лактация даврини
 нормал ўтказган ва ҳеч бўлмаса бир-
 гина болани эмизиб боқиш ҳозирги
 аёллар орасида энг кўп тарқалган
 касалликлардан бири бўлган кўкрак
 безлари ракиннинг пайдо бўлиш хав-
 фини жиддий пасайтирувчи омил-
 дир.

Ва ниҳоят психологик (руҳий) то-
 мондан қараганда, кўкрак бериб бола
 эмизган онанинг боласига нисбатан
 диққат-эътибори, меҳри кейинчалик
 ҳам бола эмизмаган онага нисбатан
 жуда юқори бўлиб қолади. Бундай
 аёлларда асабийлик реакциялари ҳам
 кам кузатилади.

БИРИНЧИ ЭМИЗИШ

Биринчи 5-7 минутда бола киндиги
 орқали она организми билан туташ-



ган бўлади ва ўзига 100-150 мл. қонни ва қон билан бирга организм учун зарур моддаларни сўриб олади. Шунинг учун киндик уришининг тўхташини кутиш ва киндик уриши тўхтагандан кейингина киндикни кесиш керак. Киндик кесилди ва боғланди ҳам — организм учун зарур моддалар келиши тўхтади — худди шу вақтдан эътиборан чақалоқда овқат ҳазм қилиш маркази уйғониши шиддатли равишда кучая боради ва бола шу заҳотиёқ оғзи билан зўр бериб сўриш ҳаракатларини қила бошлайди. Демак у соғлом туғилган ва биринчи нафас олиб қичқирган заҳотиёқ 30-40 мл. увузни эмишга ТАЙЁР! Дикқат! Сўриш рефлексининг интенсивлиги (шиддати) фақат биринчи соат давомидагина юқори бўлади. Иккинчи соатдан бошлаб ва кейинги соатлар давомида қонда тўйимли моддаларнинг камайиб боришига қарамасдан овқат маркази шиддати тобора сусайиб бораверади. Сўриш ҳаракатларининг доимийлиги ва давомийлиги ҳам кескин сусая ва тартибсиз бўла боради. Натижада ошқозон маркази шаклланишининг секинлашуви сабабли чақалоқ тез-тез ёки умуман кўкракни олмай қўяди ва кўкракдан керакли даражада сутни сўриб ололмайди. Онда гипогалактика (сут етишмаслиги) ривожланади. Бола эмизишни талаб қилмай қўяди, 12-16 соатлаб ухлайди.

Боланинг бурни, ияги ва бўйинларини қитиқласа ҳам уйғонмайди. Она ва бола дам олапти деб ҳамма хурсанд. Афсуски, бу ўринда қандайдир нотабиийлик юз берган: бола биринчи ва энг қимматли увуздан маҳрум бўлган. Увуз таркиби ҳар соатда ўзгариб туради, она организми эса ҳаммаси яхши тугаганлиги, яъни бола соғ-омон ва унга сут керак эканлиги ҳақидаги ахборотни ололмаган. Демак сут керак эмас экан — она организмда сут ҳосил бўлиши кескин камаяди, бола эса эринчоқ эмувчи хусусиятини олади. Ундан ташқари, туғилган заҳоти эмизилган чақалоқда нормал шароитда биринчи кундаёқ ҳосил бўладиган шартли рефлексларнинг шаклланиши кескин сусаяди.

Энг бош фожеъа эса — табиат инъом этган ва ички муҳитдан ташқи муҳитга ўтиш даврида, она қорнидан озикланишдан етилган сутни эмишга ўтишда боғловчи бўлган увуз сутидан бебаҳра бўлишдир.

УВУЗ СУТИ — ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Увузда оқсил кўп. Етук сутдагига нисбатан А витамини ва каротин, аскорбин кислотаси 2-3 марта, В₁, В₂ ва Е витаминлари, тузлар 1,5 баравар кўпдир. Увузда асосан А иммуноглобулини жуда кўпдир. Увуз сути оқсиллар, ёғлар ва углеводлардан ташқари минерал элементлар, ферментлар, гармонлар, витаминлар ва антителларга бойдир. Даставвал унда стафилокок антитоксиннинг максимум сатҳи кузатилади, 8-10 кунларда унинг сатҳи пасаяди. Унда оз ҳажмда юқори калорияли тўйимли моддалар кўпдир. Шу сабабдан УВУЗ СУТИ ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ КУНЛАРИДА БОЛА УЧУН ЭНГ МУНОСИБ ОВҚАТ ҲИСОБЛАНАДИ.

Увуз таркиби биринчи кунларда жуда тез ўзгаради. Фақат ўз онасининг сутигина ўз фарзанди организм талабларига тўлиқ жавоб бера олади ва «она-бола» системасида кейинги эмизешлар учун ўзаро кўникиш вужудга келишига замин тайёрлайди.

Профессор И. А. Аршавский лабораторияси маълумотларига кўра, боланинг она кўкрагини сўриши она саломатлиги ва руҳиятига ижобий таъсир қилади:

а) аёлда туққандан кейинги жараёнлар тезлашади (бачадон қисқариши, қон кетиши тўхтайтиди), ўзини яхши ҳис қила бошлайди;

б) сут ҳосил бўлиш жараёни нормаллашади, ўз вақтида ва бола учун етарли сут келади, ҳомилдорликда тугалланмаган сут безларининг етилиши рағбатлантирилади;

в) онани мастит (ҳозирги вақтда кўп учрайдиган кўкрак безларининг яллиғланиши касаллиги) билан касалланиш эҳтимоли кескин пасаяди, чунки бола иммунобиологик компонентлар (лизоцим, иммуноглобу-

линлар)га бой бўлган увуз сути билан она кўкрагини мойлайди;

г) увуз таркибида ацидофил таёқчаларининг борлиги моддалар ва сут ҳазм бўлишига ва меконияларни чиқишига ёрдамлашади, ичкалар яхши ишлай бошлайди;

д) сутда ва асосан увузда организмнинг ҳимоя кучларини кучайтирувчи моддаларнинг борлиги болани юқумли касалликларга чалинишини олдини олиши мумкин (фақат она эмизсагина);

е) модда алмашиш жараёнининг бузилмаганлиги чақалоқни диатезга чалиниш эҳтимолини кескин пасайтиради;

ж) асосан кеч эмизеш сабабли бўладиган ва нормал ҳисобланадиган «физиологик оғирлик йўқотиш» ҳам, «чақалоқлар сариқ касаллиги» ҳам пайдо бўлмайди.

Биолог олимланинг кузатишлари-ча, деярли барча сут эмизувчиларнинг болалари онасини туғилган заҳотиёқ биринчи 15-20 минут давомида эмади, акс ҳолда улар нобуд бўлар экан. Шу сабабдан ҳам ветеринарияда бир соатдан кечиктирмай увузни соғиб олиш ва бузоқни эмизеш ҚОНУН билан талаб қилинади.

Бузоқлар бундай қонунга эришдилар, бизни болаларимизни қонун қачон ҳимоя қиларкин?

Кўпгина хорижий мамлакатларда биринчи марта эмизеш туғиш хонасида бола туғилган заҳотиёқ биринчи 15-20 минут давомида амалга оширилади.

СУТ НЕГА ЙЎҚОЛАДИ!

Кеч эмизеш — сут йўқолиши йўлида қўйилган биринчи қадамдир. Биринчи, аммо ягона эмас. Кейингиси: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча тавсияномаларидаги бажарилиши талаб қилинадиган нарса — ҳар бир эмизеш фақат бир кўкрак билангина амалга оширилиши, соғиб ташлаш, қатъий режимга амал қилиш, кечаси эмизеш танаффусига қатъий риоя этишдир. Саналганларнинг ҳаммаси асосан она ва боланинг бир-бирига кўникиш даври бўлган биринчи ҳафталарда — нофизиологикдир, яъни нотабиийдир. Кўпгина мамлакатларда ўзгарувчан режимга ўтилганлиги, болани кечаси эмизешга руҳсат этилиши ва ҳаттоки фақат биринчи икки ҳафта давомида сут ҳосил бўлишининг шаклланимаганлиги сабабли ҳар иккала кўкрак билан ҳам эмизешга алмаштирилиши бежиз эмас. Онанинг ўзини яхши ҳис қилиши, ўз боласини эмизешга бўлган эҳтироси, ўзига бўлган ишончи — яхши ва тўлиқ эмизешнинг муҳим шартидир. Чарчоқ ва ёмон кайфият сут ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Бу нарса халқ орасида азалдан маълум: оғир меҳнат ва қайғудан она сутни куйиб кетиши, яъни бир зумда йўқолиши мумкин.

Давоми бор

ҲОЗИҚ ТАБИБИ

ХУШРҶЙ

(«ШАРҚ» ХАЛҚ ТАБОБАТИ
ЖУМҲУРИЯТ МАРКАЗИНИНГ
БОШ ҲАКИМИ МАДИЁР
САЛОЕВ БИЛАН СУҲБАТ)

ҚИСҚАЧА БОШСЎЗ: «Ҳозиқ табиби хушрўй тан ранжиға шифодир», дейдилар Ҳазрат Навоий.

Мадиёр Салоев номини кўплар билади. Билганлар — шифо истаётганлар уни излаб орзуманд.

Мадиёр ака билан бўлган биринчи учрашув — суҳбатим ҳеч хотирдан кўтарилмайди. Беморларга қўл томирини ушлаб аниқ ташхис қўйишининг ўзиёқ мени ҳайратга солган эди. Ҳатто, касаллик қачон ва қандай келиб чиққанини беморга «эртақ»дек сўзлаб бераркан, аллақачон унут бўлиб кетаёзган ўз «тарихи»ни қайта кўз ўнгида жонлантирган беморнинг кўзидан ёш чиққанларининг гувоҳи бўлганман. Булар ҳаммаси ҳеч муболағасиз ҳақиқат эди.

«Талабалик кезларим... 1977 йилда бошимни шамоллатиб қўйдим. 1990 йилгача врачларга кўриндим. Аниқ ташхис қўйишолмади. Бошим шу қадар оғирдик... Туманимиздаги нуфузли врачлардан бири «оғриқ зўрайганда бошингиздан бир челақ совуқ сув куйинг», деб маслаҳат берди. Энди эслаб кулгим келади. Мадиёр акани даракларини эшитиб, тўғриси ишониб-ишонмай келгандим. Худога минг бор шукур, мана учинчи муолажа кетаяпти. Оғриқ деярли қолмаган.

ЗИЁДА УМАРОВА, ЧИМКЕНТ.»

Мадиёр аканиннг ўзи айтмоқчи, ҳар бир дақиқа ғанимат, ҳар бир дақиқа ўлчовли унинг учун. Биз эса сиз азиз муштарийлар номидан «Саодат» учун маълум вақт ажратишларини илтимос қилдик.

ЖҲРНОЛИСТ:— Мадиёр ака, «Шарқ» халқ табобати жумҳурият маркази, яъни сиз фаолият кўрсатаётган ушбу даргоҳ ўз атамаси биланоқ даволаш услубингиз ҳақида бир қадар маълумот бераётгандек. Аммо имкон қадар кенгроқ тушунтириш берсангиз.

М. САЛОЕВ:— Тўғри, бизнинг марказ асосан, шу кунгача унутилиб кетаёзган халқ даволаш услуби билан беморларни даволайди. Сир эмас, инсоннинг табиат устидан кўр-кўрона ҳукмронлиги касалликларнинг урчишига ҳам сабаб бўлди. Ҳеч замонда одамлар биздагидек чўкиб, пажмурдаҳол бўлиб қолмаганлар. Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб то шу кунгача одамлар турли хил касалликлардан ўзларини асраш илинжида яшаш учун курашиб, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини авлоддан авлодга тажрибалар орқали етказиб келганлар. Касалликни бу тарзда даволаш ва аниқлаш халқ табобати номи билан ҳаётимизга сингиб кетган эди. Халқ табобатининг сирларини чуқур билган табиблар бемор дардини тубандаги усуллар билан қисқа вақтда аниқ билиш имкониятига эгадир: 1) бемор танасидан чиққан чиқиндилар — сийдик, нажас, тер ва балғамнинг ранги, миқдорига қараб; 2) бемор қон томирини ўлчаш билан; 3) беморнинг танасидан чиқаётган кўзга кўринмас нурларни мия ҳиссиёти орқали қабул қилиши билан. Халқ табобатидаги жамики усуллар бугунги экологик офат жараёнида инсонлар учун жуда-жуда муҳимдир. Мен ўзим олий маълумотли врачман. Биламанки, замонавий тиббиёт қўллаётган турли хил кимёвий дорулар инсон учун бир жиҳатдан фойдали бўлса, кўп жиҳатдан зарарлидир.

ЖҲРНОЛИСТ:— Маъзур тутасиз, фикрингизни бўлаяпман... Буни қаранки, Амриқодек нуфузли давлатда анальгин, аспири деган таблеткаларни беморлар учун қўллаш аллақачонман этилган экан. Биз эса ушбу дориларни нондек истеъмол этишга ўрганиб қолганмиз. Шўришким, дорихоналардан анальгину аспириларни топиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди...

М. САЛОЕВ:— Бундай «амримаҳол»ликдан хурсандман. Негаки, шу офатларсиз ҳам касалликни даволаш жуда мумкин. Фақат биздан озгина сабру тоқат, уқув кифоя. Турмуш, яшаш тарзимизни бир меъёрга солиб олмоғимиз шарт. Табиатнинг ўзи ҳар қандай таначиғимизга шифо яратиб келган. Курраи заминда ўсаётган ҳар қандай гиёҳ сабабсиз яратилмаганлигини билсак эди, бу тарз ихлоссизликка банди бўлмасдик. Бизнинг «Шарқ» табобат марказимизда худди шундай усулни йўлга қўйганмиз. Ҳеч қандай кимёвий доруларсиз шифобахш ўтлар ҳамда энав томирни, нуқталарни уқалаш, қўл билан даволаш, игна санчиш сингари муолажа ёрдамида бир неча тур касалликларни даволаяпмиз.

«16 ёшли ўғлим юз фалажи билан озорланар эди. Бутун дунёнинг донғи кетган ҳақимларига кўрсатдим. Аҳвол ўнганмади. Мадиёр Салой афандимнинг Туркияга таърифини эшитиб, кўярда қўймай уларни уйга олиб келдим. Бир ҳафта ичинда ўғлим юзидаги фалаждан асар ҳам қолмади. Мадиёр афандим нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун турк дунёсининг иззатли ҳақими эканлигига имон келтурдум. Иншооллоҳ, жонлари омон ўлсун, нури-дийдорларини гўрмакликдан-да биззи аюрмасун.

ТУРКИЯ

ОЛПАР ЯМОҚ»

ЖҲРНОЛИСТ:— Мадиёр ака, муҳлислар билан учрашувларингизнинг бирида, бугунги замонавий тиббиёт бизга Овруподан кириб келганлиги ва бу оврупоча тиббиёт усулига нисбатан қарашларингизни баён этган эдингиз. Фикрларингиз эса турли тортишувлар, баҳсларга сабаб бўлди...

М. САЛОЕВ:— Тўғри, ўша фикрларимни инкор этмасдан ҳозир ҳам айтишим мумкин. Оврупоча тиббиёт инсонни бир ёқлама ўрганади, яъни беморни бир ёқлама даволайди. Одамзодда Руҳ бор, тана бор. Руҳ танага хизмат қилади. Танадаги касалликни Руҳни тозаламасдан даволаш асло мумкин эмас. Негаки, Тanning озуқ дарёси Руҳ бўлгандан кейин, Руҳ аввало шаффоф бўлмоғи лозим. Йўқ, Оврупо тиббиёти бундан олмайди. Тан бирламчи, Руҳ иккиламчи дегани деган. Фараз қилайлик болангиз қусаепти. Дўхтирга югурасиз. Дору

беради, қарабсизки уч-тўрт марта дору истеъмол қилгач болангизнинг қусуши тўхтайтиди. Тузалди деб ўйлайсиз. Аслида бадтар бўлади. Негаки, бола ҳазм қилолмаган овқатини қусаяпти, сиз уни тўхтатдингиз, натижада айниган овқат ичида қолиб кетди. Қолиб кетган айнитма аввало ошқозонни сўнгра ичакларни заҳарлаши етти ухлаб тушингизга кирмайди. Таннинг расолигини кўриб болангизни руҳан мажруҳ қилганингизни эса, ўйлаб ҳам ўтирмайсиз. Ёхуд, фарзандсизлик доғида куйиб юрганлар энг аввало гинеколог, урологга югуришади. Гинеколог, уролог ўзига тегишли аъзодан иллат ахтаради. Охири бир вақтни айтади. Нафлими нафсизми даволана бошлашади. Ҳолбуки, фарзанд бўлишида жигар, буйрак (пушти камар), юрак ҳам фаол ишлайди. Руҳни тозаламай туриб бу аъзолардан хушхабар кутиш басирликдир.

«Тўққиз ойлик қизим Нилуфар тўрт ойдан буён ич кетиш, қусишдан азовланар эди. Бу орада турли касалхоналарда ётиб чиқдик. Ҳар хил ташхис, ҳар хил даволар... Бирок, қизим тузалмади. Сўнг хабар топиб бу ёққа келдик. Кўриб турганингиздек қизчам ойдек бўлиб қолди (туф-туф, кўз тегмасин). Жигарбандимни ҳаётга қайтариб берган Мадийёр акани Худо доим паноҳида асрасин».

ЗУҲРАХОН. ТОШКЕНТ шахри.»

Шарқ табобати аввало инсон руҳини сўнгра эса руҳ орқали танасини даволайди. Беморнинг қўл томирини ушлаб касалликни аниқлаш айтарли мўъжиза эмас. Бунинг учун томиридан Руҳ ҳолатини ўқий олмоқ кифоя. Руҳни ўқигандан сўнг таннинг заҳалари бир-бир фошланаверади. Шарқ табобатининг Оллоҳ нурига асосланганлиги бежиз эмас. Беруний, Ибн Сино, Умар Хайёмлар ўз замонасининг буюк табиблари бўлишган. Бу алломаларимиз ҳам тан дардига чорани руҳдан излашган, руҳни ранждан халослантириб сўнг тан расолигига эришганлар.

«Ун йилдан буён ревмотополит касали билан оғриб келардим. Айтишларича бу касалликнинг жаҳон бўйича давоси йўқ экан. Тошкентдаги эски ҳамда янги Тиббиёт Олийгоҳи касалхоналарида ва 1-сонли Республика клиник касалхонасида бир неча бор даволандим. Афсуски, даво тополмадим. Мана кўриб турганингиздек шу даргоҳдан дардимга чора топдим. Ҳаётдан аллақачон умидни узган эдим. Шукрки, узилган умидим қайтиди ўзимга. Қандай миннатдорчилик билдиришга сўз тополмайман».

АҲМЕДОВА ШИРИН. Самарқанд.»

ЖУРНОЛИСТ:— Мадийёр ака, мана сиз Самарқанд Тиббиёт олийгоҳини имтиёзли тугатгач, Москвада икки йиллик махсус тайёрлов босқичида

ҳам таҳсил олгансиз. Сўнгра Шимолий Африка мамлакатада уч йил табиблик қилиб қайтгансиз. 1991 йилда Собиқ Шўролар Иттифоқи эксперт комиссиясининг аъзоси этиб тайинландингиз. Шунингдек, Сингапур, Австрия, Туркия, Малайзия сингари нуфузли мамлакатларда ўтказилган жаҳон миқёсидаги турли хил анжуманларга қатнашиб маърузалар ўқиган жаҳонгашта одамсиз. Шулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

М. САЛОЕВ:— Мен қайси мамлакатда бўлмай, қайси анжуманда иштирок этмай Шарқ халқ табобати нималарга қодир эканлигини, Оврупо табобати билан муштараклик, ўз ўрнида тамоман фарқли томонлари борлигини аниқ исбот ва далилларим билан дунё олимларига етказишга ҳаракат қиламан. «Табиат, Инсон танаси ва руҳи» мавзуида Австралияда ўтказилган бутунжаҳон Конгрессида ўқиган маърузаларим дунёнинг шу соҳа бўйича олимларида катта қизиқиш уйғотди. Улар Шарққа қизиқиб қолдилар. Айниқса, Сингапур ва Австрияда ўқиган маърузаларимни тинглаган — Дунё фақат меники, дунёда фақат менман, дегувчилар учун ўзбеклар Ботсман мамлакатидан келиб қолгандек туюлди. Нима қилганда ҳам сўнги жон, сўнги имкон қадар ўзлигини Дунёи очунга намён этиш, катта бир миллат борлигини билдириш ҳам бу дунё саодатидир, деб ўйлайман. Уринишларим самарасиз кетмади. Дунё тан олаяпти. Саудия Арабистонида маърузаларимни араб тилида қайта-қайта чоп этишди. Англия билан ҳам тил топишямиз. Бу ёғини яна вақт кўрсатади...

«Мадийёр афандим нафақат ўткур табиб, балки ғойибдан билиш қобилиятини ҳам Тангри ато этибдур уларга. Тошкентга гелганимда афандим ҳузурини бўлдум. Чин оламга рихлат қилган укамнинг суъратини гўрсатдим. Суъратга қараб туриб: «33 ёшида баландликдан йиқилган, боши тошга урилиб шахид кетибдилар укангиз» дедилар. Аслида ҳам худди шундай бўлган эди. Сўнг ганжинани ёстиқдошимнинг суъратини гўрсатдим. Унг кўкрак остида кучли оғриқ бор, даволашим мумкин, дедилар. Сизга ёлғон, аммо Оллоҳга чин, рафиқам худди шу касаллик билан озорланарди».

У. Қ. ТУРКИЯ»

ЖУРНОЛИСТ:— Мадийёр ака, таҳририятимизга жуда кўп хатлар келди. Хатлар ичида Сизни излаётганлар ҳам талайгина. Мен ундай касалман, мен бундай касалман, даволай олармикинлар деб, маслаҳат сўрашади. Шуларга ҳам икки оғиз изоҳ билдирсангиз.

М. САЛОЕВ:— Бизга, аксарият ё ўлим, ё ҳаёт деганлар келишади. Буни тажрибадан кўраямиз. Аввало Оллоҳга ҳамдиким, келганлар номурод қайтишмаяпти. Жарроҳликка тааллуқ-



Муолажа

Суратларни Абдуғани ЖУМА олган

ли касалликдан бўлак ранжга шифо топаямиз. Ар-Розийнинг бир ҳикматли гапи бор: «Табиб доно бўлса овқат билан, нодон бўлса оғу билан даволайди». Агарки доно саналсак овқатимиз, агарки нодон саналсак оғумиз ҳам фақат шифобахш гиёҳлардир. Бундай гиёҳларни биз Зомин ҳамда Паркент даштларидан келтирамиз. Қолгани эса қувваи ҳофизамизнинг каромати».

«19 ёшдаман. Саккиз йиллар бўлди тутқаноқ касалига йўлиққанман. Узимизникилардан ҳафсалам пир бўлгач, Москва, Санкт-Петербургаларга «зиёрат қилдим». Ҳатто Санкт-Петербургда умуртқамдан функция қилиб мияга кислотод юборишди. Нафи бўлмади. Узим раққосаман. Тутқаноқ сабаб, узоқроқ сафарларга чиқолмайман, хорижгаку умуман рухсат тегмайди менга. Мадийёр Салоевга учрагач, биринчи доира муолажадан сўнг, бир кечада йигирма марталаб тутадиган офат келди. Мадийёр аканинг айтишларича яна бир доира муолажадан сўнг ҳеч кўрқмасдан хориж сафарига чиқишим мумкин экан. Оллоҳ хоҳласа, Гретсияга бўлади шу биринчи сафарим».

ЛЕНА. ТОШКЕНТ шахри.»

ЖУРНОЛИСТ:— Раҳмат, Мадийёр ака, мазмунли суҳбатингиз учун.

М. САЛОЕВ:— Ҳеч би тану Руҳни ранжлик балосига йўллагасун. Жамики одамзодни бедард, шаффоф кўришни истайман. Иншооллоҳ».

Суҳбатдош: Матлуба ҲАМРОЗ



ЁНГАННИ ТУШУНАР ЁНСА КИМ?

Саъдулла ҲАКИМ

ЕЛҒИЗ КЕЛИНЧАК

Ёр бўйнидан неча гул санам
Қўлларини узмаган ҳали.
Висол гаштин суриб тушда ҳам,
Ноз уйқусин бузмаган ҳали.

Тоғдай уйнинг бирида фақат
Тўлғанади зарғалдоқ чечак —
Деразага тирсагин тираб,
Ўтли боқар ёлғиз келинчак.

Кўпдан бери бу хонадонда
Эшитилмас эркак овози.
Билмас нима келинчак ханда,
Бир тутамдир кўнглининг ёзи.

Беланчакда бедор умидин
Ҳидлаб узун кечалар тўймас.
Илк учрашув, илк оқшом ёди
Сархуш этар, ҳолига қўймас.

Доғда қолди, маҳрами қачон
Тўғри йўлдан озди, не сабаб?
Эри билан «ўғри» деган ном
Кириб келди остона ҳатлаб...

Бахтинг бунча бўлмаса қора,
Тилло зирак, нега юзинг қон?
Ёдга олса сени бечора,
Қулоқлари ловуллар ҳамон.

О, бир гўзал кун эди порлоқ,
Кўкда ёниқ қуёш ҳам тилло.
Исирғадан кўра ёруғроқ
Нур сочади қувончи илло.

Энди ўша кунни ўйласа,
Юрагига санчилар тикан,
Тилло зирак, йўлларинг ғусса,
Хатар тўла тойғоқ йўл экан!

...Ҳар тонг ишга кетаётганда
Кузатаман шу ҳолни такрор.
Келинчакнинг шўх кўзларида
Жилва қилар сеҳрли шарор.

Ғалат бир ҳол, не бўлганда ҳам,
Худо инсоф берсин ўзига.
Уяласан қарашга одам
Келинчакнинг маъюс кўзига...

Қамчи теккан асов той каби
Ёл силкитиб югуради сув.
Олма эмас бола бахтини
Уйнаб олиб кетар гўё у.
Мен боқаман ҳаяжон ичра,
Чорпояда ўй сураман жим:
— Муродимга еттим деганда
Орзу ютиб қолмасин ҳеч ким!
Уйларимни унутган, гўзал,
Кечир, олис шарпангни тўйдим.
Мен ҳам бир кун сени ҳаётда
Шу олмадай йўқотиб қўйдим...

Ун саккизингда, эй гул, зор сени
севдим,
Бағримни ўртаса ҳам нор, сени
севдим.

Надир гуноҳ, гуноҳ севмоқ агар бўлса,
Ортада гуноҳимки, такрор сени севдим
Куймасин деб мендек ишқингда, яна
Суймасин деб мендек ағёр, сени
севдим.

Борми фасл тағин севгида ўтказай,
Куз, қиш яна ёзу баҳор сени севдим.



МУОЛАЖА

Бул маним йўл-йўриғим,
Кашпировскийга ҳавас.
Хор тутди ўзини ким
Ҳам забун, ожиз эмас.

Инсонлик — инсонийлик,
Таълим берар ота Шарк.
Рух соғлом бўлса, билинг.
Човут солмас ҳеч бир дард.


Магарки қалбингизда
Сим-сим югурар оғрик,
Боғлиқ тарихингизга,
Ҳам руҳингизга боғлиқ.

Кимнинг суюлиб фикри
Сустлашса гар имони,
Кунда уч бор ўқисин
Лутфий, ибн Синони.

Тағлиқ изтиробидан
Халқ бошин эгса қуйи,
Уйотар тун хобидан
Борбад марвазии қуйи.

Залворини сезсангиз
Бемехрлик юкининг,
Ҳазрат Навоийдан сиз
Мадад сўраб юкининг.

Ким дуодек этса ёд
Ясавий ашъорини,
Икки дунёси обод
Ерга урмас орини.



Ки қачон ўтмиш билан
Замонда узилиш бор —
Оқибат кетар элдан,
Маънавий бузилиш бор.

Юртнинг қизи асрамди
Истаса ибосини,
Юрагига ийдирсин
Нодира либосини.

Йигитларнинг измида
Учсин/Ғирот, Дулдўллар.
Муқанна иулларида
Порласин атиргуллар.

Қуёшга қўйиб боқини
Эл сари буринг юзни.
Севинг бир гул, бир тошни,
Минглаб севажақ сизни!

* * *

Жонон кўп, сенингдек, жонон
топилмас,
Нодон кўп, менингдек нодон
топилмас.

Севдим сени, жоним жонингдур
гулим,
Ақлим кирмоғига макон
топилмас.

Шу боис дунёга сиғмасман, ўзни
Кўярга на ер, на осмон топилмас.
Ишқ — азоб, бу ёлғон рост бўлса
агар


Бунингдек манзур рост ёлғон
топилмас.
Барча ёмонлигинг яхшилик билдим,
Сен яхшига мендек ёмон топилмас.

Даврон дами, кел ёр, давр сурайлик
Давр ўтгач бу ёш даврон топилмас.

ОЛМА

Боғда, дарахт новдаларидан
Титраб-титраб узилади куз.
Товланади унда нақш олма
Балисоли ёқут бир юлдуз.

Жилваасига боғланиб дили
Ирғишлайди бир бола хуштор.
Ўзгич кетар нояда қонили,
Чўчиб тушар даъфатан анҳор...



АНВАР ПОШОНИ КИМ ВА КАНДАЙ ҚИЛИБ УДИРДИ?

Анвар Пошо шаҳид бўлганлиги ҳақидаги барча хабарлар чалкаш ва эътибор берилса, бир-бирига зиддир. Хабаримизга кўра, Анвар Бухорога Коминтерн раҳбари бўлган Зиновев тавсиясига биноан келиб, Файзулло Хўжаевнинг меҳмондўстлигидан кўп фойдаланган. Анвар билан биргаликдаги мулоқот-суҳбатларни хотирлаб, Хўжаев биродари Исроил Охуновга, улар Шарқий Бухорода ислом лашкарига қарши муҳорабада бўлган даврда батафсил баён этган. Пировардида Файзулло Хўжаев сўроқ ва суд этилганда, ҳатто Вишинский уни Анвар Пошони меҳмон қилганликда айблади. Исроил Охунов Анвар Пошони шахсан ўзи шаҳид этгани ҳақида аниқ маълумотларимиз мавжуд. Шарқий Бухорода ислом лашкари устидан эришилган ғалабалари учун қизилларнинг қўмондонлари сифатида биринчи Қизил Байроқ нишонларини московликлар Файзулло Хўжаев, Исроил Охуновга тақдим этганлар.

Исроил Охунов Қўқон дорулосоридан ҳурматли ўрнини топган. Ўзбек Шўро Қомусига ҳам киритилган, барча тарих манбаъларида у кишининг номи зикр этилган. Аммо 1970 йилда вафот этган бундай улкан шахснинг ҳаёт-фаолияти ҳанузгача ёритилмаган. Марҳум ёзувчи Адҳам Раҳмат Охун ота ҳақида роман ёзиш ниятида бўлган экан...

Исроил Охун XX асрнинг бошларида Туркистонда кечган суронли воқеаларда фаол қатнашган машҳур шахслардан биридир. Тағ-зоти Қашқардан бўлган Исроил Охун 1903 йилдан бошлаб РСДРП аъзоси эди. Ушанда у Асакадаги германиялик фабрикант қурдираётган пахта заводидида ишларди. Олмониялик ўша ишбилармон барпо этган, яшаган уй ҳанузгача кўзмунчоқдек турибди, унда Асаканинг хавфсизлик хизмати идораси жойлашган. Охун ота сотсиал-демократлиги учун

ми, ассакалик ўрис аёлига уйланган эди. Инқилоб йилларида Исроил Охун ҳарбий хизматда, турли қўмондонлик лавозимларида ишлаган. Биринчи ўзбек дивизиясининг қўмондони сифатида собиқ Бухоро амирлиги заминидан Анвар Пошо ҳамда Иброҳимбек лашкарларига қарши жанглارнинг режадори бўлган. Бухорога кетишдан олдин Охун ота Қўқонга келиб, Миразим мингбошининг (отаси Худоёрхоннинг мингбошиси — Йўлдош оқсоқол) опаси Солиябонунинг тўртинчи қизлари Донохонга уйланган. Солия опоғбувини ўн икки дарвоза Қўқон аҳли «опоғбуви» дейишган, у кишидан аввал ҳеч кимга бундай ном берилмаган. Унинг фарзандлари қиз бўлган. Миразим мингбоши жиянини қашқарлик болшовойга узатишга розилик бермайди, шунда келин томонга қариндош бўлган менинг бобом уста Мирзобобо Исроил Охунга оталик қилиб, қариндошларининг розиризолигини олган. Тўй Қўқон шаҳрининг Тўғонбоши маҳалласида ўтказилган, саккиз юз қизил аскар суворийлар тўйкўчани қуршаб турганлар, чунки атрофда чапани йигитлар тўдалашиб юрган давр эди.

Исроил Охун ёш келинчак билан хайрлашиб, Бухорога кетади. Болжувонда Анвар Пошо шаҳид бўлгандан сўнг яна Қўқонга қайтиб, туғилган тўнғич ўғлига Анвар деб ном қўяди. Бу йигит улғайиб, ҳарбийни касб қилиб, ўрис-фин урушида офитсер сифатида қатнашади. Москвада яшайдиган Анвар Охуновни шахсан Шароф Рашидов (даврида) талаби билан Московнинг «Рязанский проспект» метрў хиёбонида қад кўтарган ўн олти қаватли Ўзбекистон Фанлар Академияси меҳмонхонасига раҳбар этиб тайинлашди. Анвар ака Қўқондаги Осиё банкнинг асосчиси ва раҳбари — машҳур Сайид Султоннинг кенжа қизи Лолахонга уйланган. Кези кел-

ганда айтиш керакки, Сайид Султон банк биносини Қашқардан усталарни чақиртириб, тухумни ишқорга аралаштириб қурдирган, шунинг учун бўлса керак, бу бино Қўқоннинг энг эътиборли жойларидан бирига айланган. Сайид Султондан уч қиз — Холидахон, Маҳфузахон, Лолахонлар қолган эди, сўнг уларнинг онаси бошқа турмуш қурди.

Олтмишинчи йилларда мен ўспирин эдим. Кунларнинг бирида хонадонимизга Охун ота билан қиблагоҳимнинг тоғалари — Сайидхўжа Тўраҳўжаев опалари — бизнинг опоғбуви (катта буви)мизни — Моҳинбону Пошони зиёрат этгани келдилар. Ушанда мен ва қиблагоҳим шоҳид бўлган ажойиб, бетакрор суҳбат қурилган эди. Падари бузрукворимиз етмишдалар, зиёли-муарриш, шойир-фузало сифатида хотиралари кучли, серзехн... Сайидхўжа опоғдадам суҳбат мавзуйини бошлаб берган эди, асосан Охун ота хотираларини тингланмиз, мен чой қуйиб ўтирганман. Гап Ўзбекистонда яшаб, тарихни атай бузиб талқин этувчи ўрис ёзувчилари Бородин, эртақчи Шевердин ва уларнинг асарлари ҳақида борар эди. Сайидхўжа опоғдадам божаси Охун отага (улар икки опа-сингилга уйланганлар: Солия опоғбувининг тўртинчи фарзанди Донохонга — Охунов, бешинчи фарзанди Ёдгоройга — Тўраҳўжаев):

— Ака, Анвар Пошонинг феъл-атворини ёзувчи (Шевердиннинг «Набат» рўмонида) ўхшата олибдими? — деб сўрадилар.

— Бе! Қаёқда, Анвар Пошони тушидаям кўрмаган булар, тахмин қилиб, ёлғонга берилиб кетибди-ю, мутлақо ўхшатолмабди, — деб жавоб қилдилар.

Сўнг Охун ота Анвар Пошо қўлларида жон берганини баён этдилар. Воқеа шундай юз берган экан: Исроил

ШОЙИРНИНГ ХОТИНИ

Охунов аскарлари билан Анварнинг қароргоҳига ҳужум қилади. Қисқа, лекин шиддатли жангда Анварга шахсан Охун отанинг ўзи дуч келади. Моҳир қиличбоз Анвар қизил чавандозларнинг бир нечасини шахид этиб улгуради ва Охун отага ҳамла қилади. Исроил Охун шамшири билан Анварнинг зарбасини қайтаради, лекин Анвар устун келиб, қизил қўмондонни гангитиб қўяди ва енгил ярадор этади. Шунда Охун отанинг ординарети Иван Петруф (кейинчалик машҳур генерал, Туркистон ҳарбий мавзеи қўмондони) ёрдамга келиб Анварни чалғитади. Фурсатдан фойдаланган Охун ота дарҳол маузеридан Анварга ўқ узади ва уни қаттиқ ярадор этади. Муҳораба тез тугайди. Анварни тирик қолишидан манфаатдор бўлган Охун ота ўз йигитлари билан унга ёрдам кўрсатади, лекин Охун ота ўз қўллари билан сув бергач, Анвар Пошо мангуга кўз юмади. Ушбу фожеъа қаттиқ таъсир этгани учун Исроил Охунов Анвар жасади тепасида шомгача йиғлайди. Нарироқда отларни ушлаб турган ординарети Петруф кўп маротаба «Охун ота, бўлди, сизни кутишаяпти»,— деб айтган. Афсусланган Охун ота «бўлар иш бўлди» деб, дафн қилиш учун мурдани Пошонинг ўз издошларига етказишга буйруқ беради. Исроил Охунов вафотидан икки йил муқаддам уни зиёрат этгани келган Иван Петруф отадан: «Охун ота, ўшанда, Анвар Пошо тепасида нега йиғлаган эдингиз?» деб сўрайди. Ёзувчи Адҳам Раҳмат, Сайидхўжа Тўрахўжаев, қиблагохим ва бошқалар бу учрашувда бўлиб ўтган гап-сўзларга гувоҳдирлар. Қайғургани сабабини Болжувондан Қўқонга қайтгач, Исроил Охун менинг бобомга айтган:— Ака, тоғдай йигитни кулатиб қўйганимдан ўла-ўлгунимча пушаймон ейишимни англадим узимдан кетиб, тўхтамасдан йиғладим, йиғлайвердим. Узимга келганимда, агар ўғил кўрсам исминини Анвар қўяман, ҳарбийга ўқитаман, ўша Анварни ўрнига тарбиялайман, токи ўша Анварни ўрнини боссин, деб қасамёд этдим. Бу гуноҳимни Худо ўзи кечирсин!»

Билишимизча, Охун ота, таг-зоти Қашқардан бўлгани учунми, даҳрий эмас эди, замона заруратига кўра қизил аждарнинг қаҳрамони сифатида танилган.

Мирзо Хобанд БАҲРОМХОН ТУРА

ТАҲРИРИЯТДАН:

Биз ушбу мулоҳазаларга мутлақ ҳақиқат деб эмас, балки ҳақиқатни излаш деб қаралишини сўраймиз. Ҳақиқат баҳсларда туғилади. Муаррихларни, мутахассисларни ва барча жонкуяр зиёлиларимизни яқин тарихимизнинг мазкур мураккаб даврини ойдинлаштириш борасидаги мунозараларга даъват этамиз. Бугунги тахминингиз эртаги илмий ҳақиқатга айланиши мумкинлигини унутманг.

Шойирни кимдир дарвешга, яна кимдир донишмандга менгзайди. Кимдир эса айтадики, улар бу дунёнинг одами эмаслар. Бу гапларда жон бор, албатта. Шойир «халқи» дунёнинг ҳамма ерида бирдек, шойирнинг ўзи таъкидлаганидек, шойирнинг ҳаёти «Машриқда ҳам, Мағрибда ҳам бир хил. Шойир халқи — дунёнинг тўрт тарафига сочилиб кетган миллат!».

Шойирлар ҳақида, уларнинг ажаб-товур феъл-атвори, мураккаб, ўзга сайёра каби сирли ички дунёси ҳақида ҳар ким ўзича, ўз дунёқараш, ақл-фаросати доирасида фикр юрилади. Бироқ ушбу сўхбатимиз мавзуси шойирлар борасида эмас, балки улар-



Раъно АЗИМОВА
(Усмон АЗИМнинг умр йўлдоши)

1. Ҳар қандай одамнинг ҳам рафиқаси бўлиш масъулиятли вазифа. Сотсиализм даврида аёл ва эркекнинг тенглиги ҳақида кўп гапирлар эди. Ҳозир эса ҳатто ғарбда ҳам феменистик кураш унча тўғри йўл эмас экан, деб тан олинапти. Менимча, ғарбдаям, шарқдаям эркек кишининг ҳаётдаги ўрни бир хил бўлса керак — хоҳ жамият ишларида бўлсин, хоҳ оилада... Шу нуқтаи назардан қараганда эркек кишига анча оғир. Менинг назаримда, замонавий аёл турмуш ўртоғига фақатгина ҳамроҳ бўла қолмай, ҳамкор ҳам бўла олмағи лозим.

2. Ҳаммани ва ҳамма нарсани тушуна билиш ва қизиқувчанликни йўқотмаслик. Дунёда қора ва оқ ранглардан ташқари бошқа ранглар ҳам борлигини унутмаслик. Ҳаёт ва замон билан бирга доимо олдинга силжишлик.

3. Бу саволингиз анча-мунча фош қиливчига ўхшайди... Афсуски, тур-

нинг умр йўлдошлари, яъни улар билан қадам-бақадам ҳаётнинг аччиқ-чучугини, оғир-енгилини бирга баҳоли қудрат кўриб келаётган фидойи аёллар ҳақида.

Баъзи-баъзида «фалончини хотини шойир қилди», «агар фалончининг хотини шунчалар яхши бўлмаганида у бундай яхши, зўр шойир бўлолмасди» қабилдаги гаплар қулоққа чалиниб қолади. Хўш, ўша «шойирни шойир қилган» аёллар кимлар ўзи! Биз машҳур шойирларимизнинг аёллари ҳақида нималарни биламиз! Умуман, шойирнинг хотини бўлиш осонми! Келинг, яхшиси буни суюкли шойирларимизнинг латофатли аёлларидан сўраб қўя қолайлик.

муш ўртоғимнинг битта ҳам шеърини ёддан билмайман. Балки ўрис мактабини ва университетнинг ўрис бўлимини тугатганим учундир, лекин деярли ҳамма шеърлари ёқади. Эҳтимол, бу субъектив қарашдир. Айрим шеърларини эса қайта-қайта ўқигим келади, чунки улар одамга жуда ҳам кўтаринки руҳ бағишлай-

1. Шойирнинг хотини бўлиш осонми?

2. Шойирнинг рафиқаси авваламбор қандай хислатга эга бўлиши керак?

3. Умр йўлдошингизнинг нечта шеърини ёддан биласиз?

4. Сизнинг фикрингиз: шойир учун шеър ёзиш имконияти керакми ёки оила?

5. Сизнингча турмуш ўртоғингиз битган муҳаббат сатрларининг бари Сизга аталганми? Ишқий шеърларида

ди ва турмуш ўртоғимнинг ўзи бир катта дунё эканлигини эслатиб туради. Ҳар бун одам ўзи катта бир дунё, фақат уни ўзи сезмай, билмай, тушунмай ўтиб кетиши мумкин. Шойир эса, оллоҳ берган имконият деймизми, шу орқали кўпчиликка хос бўлган, лекин ифодалана олмаган ҳис-туйғуларни қоғозга туширади ва ўқувчи қалбида нимадир уйғотади. Адабиётнинг вазифаси ҳам ўзи шу бўлса керак: одамга ўзини ўзи тушунишига ёрдам бериш, дунё қандай эканлигини ҳис эттириб, уни одамга танитиш... Шеърят эса адабиётнинг, санъатнинг чўққиси. Кичкина бир шеърда бутун олам ёки бутун бир инсониятнинг оғриғи акс этиши мумкин. Менинг назаримда, шеърятни тушулмаган одам адабиётни, санъатни чуқур тушунмайди.

4. Шойир учун албатта шеър ёзиш имконияти бўлиши керак ва уни оила аъзолари яратиб бериши лозим. Масалан, бизнинг болаларимизга ёшлиқ-

БЎЛИШ ОСОНМИ?

дан ёзув тушган қоғозни эҳтиётлаш, китобни азишлаш ўргатилган. Меҳнат бу фақат жисмоний иш ёки рўзғор юмушлари эмас, балки ётиб китоб ўқиш ҳам меҳнатдир, деб келинган. Шунинг учун, масалан, дадаси диванда китоб ўқиб ётган бўлсалар, ҳеч ким уларни бекорчиликдан ётибди, деб ўйламайди. Бизникида уй ишларини бажаришдан кейинги интеллектуал меҳнат: китоб ўқиш, дарс қилиш, тил билан шуғулланишга шароит яратиб бериш деб қаралади. Ижод қилиш учун яна бир муҳим нарса керак — эркинлик руҳи. Бу дегани оилада ҳамма унинг аъзолари ўзини эркин ҳис қилиши керак.

Энди шеър ёзиш ёки оила масаласига ўтсак, негадир одамларда, ҳатто сиз жўрнолистларда ҳам шойир ҳақида нотўғри тушунча мавжуд: гўё шойир — бу дарвешнамо инсон оила унинг учун бир қафас. Агар оилада рўшнолик бўлмаса, ундай оила фақат шойиргагина эмас, ҳар қандай инсонга ҳам қафас бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шойирлар, санъаткорлар, умуман элга танилган одамлар жамият кўз олдига бўлгани учун унинг шахсий ҳаёти, феъл-атвори тез кўзга

ўзга аёл тимсоли кўриниб қолса, қандай муносабатда бўласиз?

6. Турмуш ўртоғининг қайси хислатини кўпроқ ҳурмат қиласиз?

7. Шойирни рафиқаси тергаб туриши керакми ёки эркин қўйсинми?

8. Оилангиз моддий қийинчиликларга дуч келганда ўзингизни қандай тутгансиз? Умр йўлдошингизга шикоят қилганмисиз?

9. Куёвингиз шойир бўлишини хоҳлармидингиз?

ташланади ва маълум ҳаёт тарзи фақатгина шу гуруҳдаги инсонларда мавжуд деб тушунилади. Ҳолбуки, бундай ҳолни ҳар бир оилада ёки инсонда учратиш мумкин. Лекин у одам кўзга ташланмагани учун унинг ҳаёти ҳам сокин туюлади. Менимча, эркакми, аёлми, агар у оиласиз бўлса, минг бахтлиман деса ҳам, унинг гапи ёлғон, чунки ёлғизликдан ёмони йўқ. Албатта, катта оилада ҳам одам ўзини ёлғиз сезиши мумкин. Демак, ҳамма гап оиланинг қандай эканлигида.

5. Ҳар ҳолда қайсиси менга аталиб ёзилганини аниқ биламан ва ичимда кулиб қўяман (яхши-да!)

Саволингизнинг иккинчи ярмига келсак, ҳатто буюк Тагорнинг ишқий шеърларидаги ҳаётий образларни адабиётшунослар қидириб топа олмаган эканлар. Буюк муҳаббат куйчиси Тагор оилада жуда ҳам ўзларининг миллий анъанавий, қадимги урф-одатларини тутиш тарафдори бўлган экан. Бизнинг дадамиз ҳам кўп маса-

лаларда миллий анъаналар тарафдори. Демак, ҳаёт бошқа, ижод бошқа. Ҳар ҳолда ижоддаги туйғуларни ҳаётий енгил-елпилик деб тушунмаслик керак. Шойирнинг фикри образлар билан банд. Ҳатто оддий бир тош ҳам образ бўлиши мумкин ёки дарахт, шундайин аёл ҳам. Ижод қилганда у образлар билан фикрлайди. Образлар унинг қурилиш материали. У материалларидан қандай асар қуради — бу унинг маҳоратиға боғлиқ. Шойирлик ҳам бир касб-да!

6. Шижоатини. Агар бирон ишга қўл урса, уни шижоат билан қилади ва бажаради. Севгида, нафратда ҳам мана шу шижоат. Бу шеърларида ҳам яққол кўринади.

7. Мен ҳатто «тергаш» деган сўзнинг ўзини ёқтирмайман. Бу дунёда ҳеч ким ҳеч кимни тергашга ҳаққи йўқ, менимча. Ҳар бир зотнинг ўзига инсоф берсин. Шойирми у, оддий инсонми... Эдуард Шеварнадзенинг хотинидан сўрашган экан: эрингиз сизга уй юмушларида ёрдам берадими? Масалан, кир ювишда ёки овқат пиширишда? Шеварнадзе хоним шундай жавоб берган экан: агар мен эримни бундай ишларга солганимда, у бугунги лавозимини эгалламаган бўларди. Ҳурматсизлик билан эркак кишини, оила бошлиғини синдириб қўйиш ҳеч гап эмас. Ёки ўзимизнинг халқ мақолимизни эсласак: «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин».

8. Моддий қийинчиликлар албатта бўлган. Биз асли тошкентлик бўлмаганимиз учун ижарада ҳам яшаганмиз, янги ишга жойлашганимизда ойлигимиз ҳам кам бўлган. Ҳатто жуда оз ойликка яшаган вақтларимиз ҳам бўлган фарзандлар туғилган пайтда. Лекин яшаш барибир қизиқарли бўлган. Ёшлиқда ҳамма нарсага чидаш мумкин, чунки келажакка ишонсан ва шу сари ҳаракат қиласан. Мен ҳеч қачон қийинчиликлардан нолимаганман ва турмуш ўртоғимга таъна қилмаганман. Чунки булар ҳаммаси ўткинчилигини билардим ва бу кишининг катта шоир бўлишига ишонардим. Уша пайтларда мени яна битта катта суянчим бор эди — онам. У киши биздан ёрдамларини аямасдилар. Ҳозир кексайиб қолганлар. Энди биз уларга суянчимиз.

9. Йўқ, чунки ҳозир қалам ҳақиға кун кўриб бўлмайди...

Хуррамой ОТАМУРОВОВА
(Икром ОТАМУРОДнинг умр йўлдоши)

1. Шойирнинг рафиқаси бўлиш, албатта, қийин. Чунки уларни ҳар қандай ҳолатда тушуниш керак. Уқиганлар ҳайрон бўлиши мумкин: йўқ, улар билан ҳар қандай аёл ҳам тинчгина яшаб кета олмайди. Сабаби, уларнинг ҳар хил инжиқликлари бемалол яшашга йўл бермайди.

2. Менимча, очиқ кўнгил, камтарин, меҳмондўст, ҳаммаша ҳушчақчақ ва ширинсўз бўлиши керак.

3. Умр йўлдошимнинг 10-12 та шеърини ёддан биламан. Шахсан ўзимга атаб ёзган шеърларини биринчи бўлиб ёд олганман. Ҳар доим янги ёзган шеърларини ўқиб берадилар.

4. Фикримча, шойирга шеър ёзиш имкониятини яратиб бериш муҳим, токи у бошқа майда-чуйдаларга чалғиб оввора бўлмасин.

5. Турмуш ўртоғим битган муҳаббат сатрларининг ҳаммаси менга аталган десам хато қилган бўламан. Ишқий шеърларида ўзга аёл тимсоли кўриниб қолса... тушунишга ҳаракат қиламан...

6. Ҳар доим тўғри гапиришларини, бундан ташқари оила ва рўзғор учун қайғуришларини ҳурмат қиламан.

7. Шойирни рафиқаси тергаб туришига ҳожат йўқ деб ўйлайман... Шо-



йир ҳурликни яхши кўради, хаёлининг кенгликларидан воз кечолмайди.

8. Оила бўлади-ю, қийинчилик бўлмайди... Ҳар бир оилада ҳам моддий қийинчилик бўлади. Қийинчиликка дуч келган чоғларимда озни кўп ўрнида, йўқни бор ўрнида кўрганман. Мана шундай қилиб қийинчиликни ўтказганмиз. Худога минг қатла шукрки, ҳозир яхши, ўзим ҳам ишлайман. Ҳар қандай қийинчилик бўлган кунлари ҳам асло шикоят қилмаганман... У кишининг кайфияти билан ҳисоблашиш зарурлигини ҳис қилган бўлсам керак.

9. Бу тўғрисида ўйлаб кўрганим йўқ. Бироқ шойирми ёки бошқа касб эгасими, ким бўлсаям, ақлли, инсонпарвар киши бўлишини хоҳлардим.

Муҳаммадали ИБРОҲИМОВ
тайёрлади



Хосият ТИЛЛАХОНОВА
1929 йил

ЎТТИЗГА УЗИЛГАН ЖОНИМ...

Шойир таъбири билан айтганда, ўттиз ёшигача дунёни ололмаган одам ундан кейин ҳам ололмайди дунёни. Ўттиз ёшигача уйи бўлмаган одамнинг ундан кейин ҳам ҳеч қачон бўлмайди уйи. Ўттиз ёшигача китоби чиқмаган шойирнинг китоби ҳеч қачон чиқмайди. Ҳе-еч... қачо-он... Бу аччиқ ҳақиқатни бугуннинг шойири БУТУН-нинг ичида туриб айтмоқда. Қаранг'ки, дунёнинг ўзгармаслигини ёки ўзгариб-қоқ — тугабоқ аввалига булоғига қайтишини. Булоқлардан қайнаб денгизларга қуйилаётган сувлар, яна ўша булоқларга қайтасизлар-ку, яна ўша денгизларга қуйилиш учун.

20-30 йилларда қайнаб, 50-60 йилларда денгиз бўлган булоқлар 90-йилларда янги-янги булоқларнинг кўзларини очмоқда...

20-30 йиллар ўзбек маданиятида Хосият Тиллахонова деган тоза бир булоқ бор эди. Бу булоқни 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги қатоғонлар довули кўмиб кетганди. Аммо мазкур маросимда, шойирнинг таъбирига зид ўлароқ, ўз қазоси шарафига марҳумдан ўзга ҳеч ким йиғламади. Йиғласа-да овоз чиқармай, кўзёшини кўрсатмай йиғлади. Илло, бу дафн тирик инсонни тириклай кўмган каби эдики, мана бугун тирик қалб тирик гўрдан тирик гирвод янглиғ ўсиб чиқди.

20-30 йилларда қайнаб, 50-60 йилларда денгиз бўлган булоқлар 90-йилларда яна янги булоқларнинг кўзларини очмоқда...

* * *

«Ўзбек совет шеъриятига аёл овозини жўр этган илк қалдирғочлардан Ойдин Собирова билан Музайяна Ала-

вияни ҳамма билади, аммо шеъриятга булардан ҳам олдинроқ кириб келган Хосият Тиллахоновани ҳозир камдан-кам киши эслайди.

Тўхтасин ЖАЛОЛОВ»

* * *

Азиз умрининг азиз онларини ўзбек шойирлари ижодини тадқиқ этишга буткул бахшида этган улкан олим Тўхтасин Жалоловнинг Хосият Тиллахоновага тааллуқли фикрларида асос бор, албатта. Хосиятхонум 15 ёшлигидан шеър ёза бошлаганди. Юзлаб шеърлари сарғайган саҳфаларда мунғайиб қолди. Юзлаб мақолалари ўша давр газет-жўрналларининг бағрида абадий муҳрланиб қолди. Юз йилнинг нарёғида бўлганларни қўятурайлигу юз йилдан анча бериёқда бўлган Хосиятхонумни ҳам бемалол ўқий олмаймиз-ку мутаржим бўлмаса. Фақат, бу таржимон бизга тилни эмас, ёзувни, хатни таржима қилиб бериши керак. Бундай «таржимон»ларни мутабдил қилувчи дейдилар. Ахир, «ўзга эрур имло бу кун», Хосиятхонум шеърларини ҳам, мақолаларини ҳам тўплам қилиб жам қилолмади, улар ҳар жойда сочилиб ётибди. Ваҳоланки, 20-йилларнинг маориф-маданиятида, 30-йилларнинг ижтимоий ҳаёти — таълим-тарбия ва жўрнализмида салмоқли ишлар қилган, айниқса, шеърият ва мақоланависликда маълум ва машҳур бўлган Хосиятхонумнинг ҳаёти ва фаолияти ўша давр зиёлилари жамоасига яхши маълум эди.

* * *

«Мен 1907 йилда Тошкент шаҳрида камбағал оилада туғилганман. Отам деҳқончилик билан шуғулланганлар,

кейинчалик тери ошлаш ишлари билан банд бўлдилар. 12 ёшга кирганимда отам вафот этдилар.

Мен 1920 йили ўзбек хотин-қизлар маорифи институтига (ўша даврдаги «институт» деб юритилган билим даргоҳи асли техникум эди — Ҳ. У.) ўқишга кирдим. Ўқишни битиргач, мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бердим.

1925 йили Эски шаҳар туман фирқа кўмитаси мени ўз ҳузурига чақириб, хотин-қизлар бўлимини бошқаришни топширди. 1926 йилда Урта Осиё Коммунистик университетига ўқишга кирдим. Ўқишни 1927 йилда битирдим. Самарқанд мавзеъ ёш камол (комсомол) кўмитаси хотин-қизлар бўлимини бошқардим».

(1927 йил 15 майда партияга ўтиш учун ўрис тилида ёзилган таржимаи ҳолдан мақола муаллифи таржимасидаги кўчирма.)

* * *

20-30 йилларда қайнаб, 50-60 йилларда денгиз бўлган булоқлар 90-йилларда янги-янги булоқларнинг кўзларини очмоқда...

Хосиятхонум ижтимоий фаолияти муаллимлик, бадий ижод, жўрнализм деган йўллардан ўтиб, катта бир майдонга — «Саодат» жўрнолига келиб туташади, «Саодат»да жам бўлади. Хосиятхонум 1927 йилдан «Янги йўл» (ҳозирги «Саодат») мажалласида ишлаш бошлайди. 1929 йилдан шу мажаллада масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, 1931-34 йилларда эса бош муҳаррир лавозимларида ишлайди.

30-йилларнинг ўрталарида Хосиятхонумнинг эрини — даврнинг катта маорифчиси ва педагоги Арслон Қорини «Миллий иттиҳод» аксилинқило-



Тотор пролетар шойири Х. Тўфоннинг Самарқандга келиши муносабати билан туширилган суврат:

Тик турганлар (ўнгдан сўлга):

1. В. Сиров
2. Баҳром Иброҳимов (Бахмал)
3. Абдусалом Ниёзий
4. Аҳмаджон Ғаубов
5. Ҳамид Олимжон
6. Ботир Ғулом

Ўриндиқда ўтирганлар (ўнгдан сўлга):

1. Комил Алиев
2. Наим Саид
3. Хосият Тиллахонова
4. Холид Тўфон
5. Ойдин
6. Ш. Урозий
7. Шокир Сулаймон

Ерда ўтирганлар (ўнгдан сўлга):

1. Ўлмас Алиев
2. Миртемир

Суврат «Ер юзи» жўрнолининг 1929 йил 21-сонидан олинди.

бий миллатчилик ташкилотига дахлдорликда айблаб, қамоққа оладилар. Судра-судра, торт-тортларга соғлиги дош бермаган Хосиятхонум 1937 йилда бақога мангулик сафар қилади.

Энди мардларимизни ботирим деб дангал айтайлик. Ўрисларда қанчадан-қанча тақиқланган асарлар, ижодкорлар кашф этилди, бизда-чи?— деб мунгайиб, ғарибона тургунча Хосият Тиллахоновага ўхшаган — кўмиб ташланган булоқларимизнинг кўзларини очайлик. Умид қиламизки, Хосият Тиллахонованинг қисқа, аммо ёрқин ва сермазмун ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти янги-янги илмий тадқиқотлар учун кўриқ бўлади. Хосиятхонумнинг шеърӣ ва мақолалар тўпламини тезроқ ўқувчиларга етказмоқ зарур.

20-30 йилларда қайнаб, 50-60 йилларда денгиз бўлган булоқлар 90-йилларда навниҳол, навраста булоқларнинг кўзларини очмоқда...

«Ойим вафот этганларида 13 яшар бола эдим. Табиатан самимий, латофатли, гўзал ва меҳрибон онам билан фахрланардим. Онаминг шеърларини мароқ билан ўқирдим, ёд олардим. Онам эса: «Катта бўлсанг, жасур йигит, катта олим бўласан»,— дердилар. Онам ҳавас қилганларидек денгизчи бўлдим, надоматларки, ойим бу кунларни кўра олмадилар».

(Хосиятхонумнинг ягона фарзанди — техника фанлари доктори, профессор, жумҳурият Олий Аттестатсия қўмиссияси раисининг муовини Темур Валиев билан суҳбатдан)

Куй авжида узилган торнинг тарих ДУВОЛЛАРИГА урилиб қайтаётган садоларини, ўттизида узилган жоннинг н(в)идоларини эшитиб кўринг-а...

Хосият ТИЛЛАХОН қизи

ЁРУФ ОЙГА

Кўкни безаб, ёғду сочқон гўзал ой,
Кўкдек тиниқ ёғдуларинг чиройлик.
Бизга боқиб кулиб турғон юмшоқ ой,
Тилларингни оямағил, тўяйлик.

Теграндаги қизилишган юлдузлар
Сенга қараб бўйин эгиб турарлар.
Соф юзунгда хаттингни бир ўқуғон,
Сендан мана шу нарсани кутарлар.

Соч ёғдунгда раъно гуллар очилсун,
Қопқоронғу зулмат кетсун, босилсун,
Кўкимизнинг яралари беркилиб,
Гул ислари дунёмизга сочулсун.

ТЎЛҚИНЛАР ҚУЧОҒИДА ЎРТОҒИМ Н...ГА

Бир замон сенга мен
Ичкари ҳаётнинг
Оғули саҳфасин
Варақлаб ўқувдим.

Баҳорнинг нашъали...
Олтиндай юзидан
Қалбингда туганмас
Парчалар тўқувдим.

Мен кетган чоқларда
Сен оқшом қўйнида
Эркиннга тўқинғон
Зулматка дебиндинг.

Денгиздай мавж уриб...
Қонларинг кўбирди.
Отланиб, шайланиб
Ўтмишга тўйирдинг.

Лола-гул-чечаклар
Ҳидидан эс олиб
Оппоқ тонг нуридан
Сўроғлаб эз — олиб.

Денгизнинг бағрига
Яширдинг, ташладинг
Чин ҳаёт қўйнида
Бир умр шодландинг.

ЯНГИ ТУРМУШ

Янги турмуш янги куйни куйладик,
Эски турмуш дунёсига ўт қўюб.
Янги йўлдан, янги издан бошладик
Янги ёшлар, янги қизлар бир бўлиб.

Янги турмуш бахтимиздир, жонимиз,
Қайғи, ҳасратдан, аламдан йўқ асар.
Янги турмуш эрк йўлидир шубҳасиз,
Мунда қуллуқ хорланишдан йўқ хабар.

Қўлда байроқ, эрк куйи шодлик билан,
Қўркмайин босдиқ қадамни онг билан.
Бошла энди янги турмуш, йўл қани?
Биз очилдик, иш билан хизмат қани?

Янги турмуш, йўлларингга гул сочай.
Қип-қизил гулдай юзунгдан бир ўпай.

Хосият Тиллахонованинг ўша пайтда «Инқилоб», ҳозирги даврда эса «Ўктабр тўнтариши» деб номланган улкан воқеаларга, ижтимоий жараёнларга, «янги турмуш», «паранжи» сингари тушунчалар замиридаги моҳиятга бўлган ижтимоий нуқтаи назари алоҳида, изчил ва илмий тадқиқотларнинг мавзуйидир.

...20-30 йилларда қайнаб, 50-60 йилларда денгиз бўлган булоқлар 90-йилларда янгидан-янги, навраста, навниҳол булоқларнинг кўзларини очмоқда...

Мақола
муаллифи ҳамда шеърларни
нашрга тайёрловчи:
Ҳайдарали УЗОҚОВ

Менинг тилим йўқ. Мен гунгман.

Кўнглимга муҳаббат кирди. Қаттиқ севиб қолдим. Муҳаббатнинг кучи ва шиддатидан тилим айланмай қолди. Дунёнинг бир буржидида кимдир кимнидир отиб ўлдираётган, қотил ёнидаги кимдир қўшиқ айтиб бутун дунёни пойида тиз чўктираётган, шойир шеър ёзаётган, мақтул рамақ олаётган, она туғаётган, бола эмаётган, ЕР бармоқ учига олма каби чир-чир айланаётган, одамларни, бутун уволу гуноҳу савоби билан кўтариб, гир-гир айланаётган пайтда мен анҳор бўйида — вижир-вижир, виж-виж, тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ — улкан шаҳарнинг қоқ ўртасида қоп-қора сочларини ойдайд ойдин юзига парда қилиб бош эгиб турган қаро кўзга муҳаббатимни англамоқчи, тушунтирмақчи бўлардим лекин ярақлаган, чарақлаган сўзларим камлигидан қийналардим. Севдим десам қизни алдаб қўйишдан, севмадим десам, ўзимни алдашдан қўрқаётганидим. Қиз, шойир бўлсанг (ўзингга) ҳам гапга нўноқ экансан, мени ишонтиролмаяпсан ёлғонларинга, деди-да, қаро — қонларимга ташна қошини қинидан шарт суғуриб, тилимни кесиб ташлади. Эплаб гапиролмасанг — жазо-йинг шу, деди. Шунда мен кўзларим билан гапира бошладим. Кўнглимдаги ранглар, оҳанглар, манзаралар кўзларимга кўчиб, кўзларимга қалқиб келаварарди. «Эй ношуд, деди санам, кўзларингнинг тили ҳам ўзингдай ношуд», — деди-да, бир ўрим сочи билан кўзларимни боғлади. Кўрай-чи, мени кўрмасанг қанчагача чидаркансан, деди. Мен нотавон унинг жамолини кўрмай туролармидим?! Шунда юзларим билан гапира бошладим. Ёноқларимдан сўзларга ўхшаш жилвалар таралаверди. Эй ландовур, деди нилуфар, ёноқларинг ҳам менга керакли сўзни топиб беришолмаяпти. Юзингни тескари қилсин, деди-да, қоп қора сочларини юзларимга ботириб олганди, чеҳраи зардим қаро бўлди. Мен-ку ошиқ эдим-а, маҳбубам оқ юзимни қаро қилди. Шунда мен бармоқларим билан, қўлларим билан гапира бошладим. Назаримда, бармоқларим ўзларича бир алифбо яратмоқда эдилар. Назаримда, мен бармоқларимни

кўнглимдаги ишқ қонига эмдириб, ёзувдаги ҳарфларни ҳавога битардим, бармоқларим ниманидир тутмоқчидай, лекин тутолмаётгандай, гўё нозик бир гунглин юзини сийпалаётгандай, гўёки кўринмас торларни мулойим ва тез-тез чертаётгандай, тордан сўзлар таралаётгандай бўларди. Гўёки бармоқларим ўнта жилға, учларидан ўн, юз, минг... хил хилма-хил оҳанглар, гўйиё ҳаммага тушунарли сўзлар тўкиларди. Гўйиё ишқ дилимни барбод айлагану бармоқларим янги бир тилни, дилини ишқ барбод айлаганларнинг тилини бунёд этарди. Чайқалиб, тебраниб турган нилуфар ҳайратдан донг қотиб қолди. У бармоқларининг бу қадар аниқ, бу қадар зарур сўзларни топа олаётганидан, бу қадар равон гапираётганидан, сувдамас,

бармоқларимизни ҳам ўзига бўйсундириб олибди.

Демак, ёзуви ўзгача мамлакатларда дактел алифбоси ҳам ўзгача экан-да.

НУТҚИ ЗАИФЛИК... Касалликми? Назаримда, чиндан ҳам хасталик. Лекин худо суйган бандасига беради касалликни. Мени кўпроқ йўқлаб турсин дейди-да. Нутқи заифлик, мутахассиснинг айтишича, асосан чақалоқликдаги касалликлардан қолган асорат натижасида пайдо бўлади. Бу жиҳатдан боланинг «тили чиқаётган» пайтдаги хасталиклар хатарлидир. Умуман, нутқи заифлик туғма ёки ақли заифлигининг, карликнинг, ота-она ахлоқи бузуқлигининг оқибати бўлиши ҳам мумкин. Нутқи ривожланаётган, шаклланаётган даврда болани гул каби асраб парвариш қилиш керак. Ахир, «тил айлади

Нутқи заиф ўсмирнинг жамиятга, жамоатга киришиши мушкул кечади. Чунки уларнинг қалблари бизга ўхшаган тўрт мучаси бутун одамларнинг қалбларидан кўра минг марта кенг ва самимийроқ, покизароқ. Чунки тилнинг улушини ҳам уларнинг қалбларига қўшиб берган. Чунки табиий хислатлари боис, улар жамият билан камдан-кам юзма-юз келадилар. Жамоатга камдан-кам қўшиладилар. Одам жамиятдан қанчалик йироқлашса, табиатга шунчалик яқинлашади. Гўйиё қариликдан — жамиятдан, болаликка — табиатга қайтаётгандай бўлади. Табиатга қайтаётган одам бола бўлиб бораверади...

Ўз хислатини англаган бу тоифа бир умр қимтиниб, қисиниб, тортиниб яшайди. Инсон учун бундан ортиқроқ

Ҳайратимнинг тили бўлсаёди...

ёки гунглар
қандоқ гаплашадилар?

оловда қолган гулдай ёниб борар, менинг чексиз муҳаббатимга ишониб келарди...

Бу хотира — кўп бурунги замонларнинг гапи.

Не ажабки, ўшандан буён сўз тилга оғирлик қилиб, муҳаббатнинг кучидан гапиролмай қолганлар мен яратган ана шу алифбода — бармоқлар тилида изҳори дил қиладилар.

Тангри таоло уларнинг кўнглида ишқни зиёда қилди, тилларини боғлади. Мабодо аларнинг тиллари боғланмаганда эди, дунёни муҳаббат сўзлари, ишқ куйлари оқишиб кетарди. Аларни Тангри таоло шундай яратти. Тангри таоло раво кўрди аларга шу қисматни. Мен ожиз бир бандаман. Аллоҳ ҳукмларини муҳокама қилолмаймен.

Ўшандан буён ишқ аҳли бармоқлар тилинда сўйлайди.

Мендан кейин одамлар бу алифбога дактел деб ном қўйдилар. Бармоқ ифодаларининг ёзув шаклларига ўхшашини кузатинг. Бу — бармоқлардаги кириллитса-қут. Қаранг, кириллитса нафақат ёзувимизни сиқиб чиқарди,

инсонни жудо ҳайвондин». Ахир, инсондан бошқа ҳеч мавжудоту махлуқотга тил битмаган.

Ота-она боласининг нутқи заифлигини илғагач, махсус болалар боғчасига, ундан махсус интернат-мактабларга бериши керак. Интернатларда кўргазмали қуроллар, техник воситалар ёрдамида нутқи заиф болаларда товушга, ҳарфга, ранг, белгига кўникма ҳосил қилинади. Товуш ҳарфга, ҳарф товушга айланади. Аниқроқ айтганда, болада товуш, ҳарф воситасида маълум тушунча ҳосил қилинади. Ва бу тушунча болага карра-каррага ўхшаб механик тарзда ёд бўлади. Мутахассислар фикрича, айрим нутқи заиф болалар ёд бўлган — ўргангандан ортиқ тушунчаларни ифодалай олишмайди. Бундай ҳол кишига дунёни бир қадар рангсиз қилиб кўрсатса керак. Надоматларки, бири кам дунё дейдилар. Лекин дунёнинг бири кам эмас, дунё бир бутун, камиям, ортиғиям йўқ! Фақат одамларнинггина бири кам. Кимда икки, кимда уч кам. Кимда нима кам...

маҳқумлик бормикин дунёда... Уларнинг ҳаётда ўз жуфтларини топишлари, оила, рўзғор қуришлари анча оғир кечади. Энг ёмони, уларнинг фарзандлари ҳам шундай туғилиши мумкин.

Мен Тошкентдаги 106-нутқи заиф ва заиф эшитувчи болалар мактаб интернатида М. исмли ёш, кўркам аёл билан танишиб қолгандим. Унинг иккита қизчаси шу интернатда тарбияланар экан. Аёлнинг чеҳрасидаги мунг, ғам кўнглини титратиб юборади. Битта фарзандим ўзимизнинг мактабга қатнайди. Нутқи ҳам, эшитиш қобилияти ҳам яхши, дейди аёл. — Нега? — дейман мен, — Нега сиз ҳам, турмуш ўртоғингиз ҳам бекаму кўст, соғлом ҳаёт кечирасизлар-ку? Мен холамнинг ўғлига турмушга чиққанман, дейди аёл маҳзунлик билан. Бир-бирдан ёқимтой, ойисини соғинган, меҳрибон қизчаларни кўриб, ичингиз ачийди. Фарзандларингиз икки хил мактабда тарбияланишаркан. Ана шу мактабларнинг — интернат билан оддий ўрта мактабнинг фарқлари борми, деб қизи-

қиб сўрайман аёлдан. Бор, дейди аёл. Урта мактабда ўқийтган болам менга гап қайтариши, айтганимни қилмаслиги мумкин, унга кўчанинг, алғов-далғов, маъносиз шаҳар ҳаётининг таъсири катта. Интернетдаги қизларим эса увол билан савоб, ота-она, катта-кичик деган қадрибаланд тушунчаларни англаб ўсмоқдалар. Бунда интернетдаги тарбиявий муҳитнинг таъсири катта, албатта. У ердаги педагог-муаллимлар ўз ишларини (нақадар оғир бўлмасин), болаларни яхши кўришади. Жумҳуриятимизда ҳали нутқи (ва) ёки эшитиш қобилияти заиф болаларни бағрига оладиган тарбия масканлари эҳтиёжга нисбатан анча кам. Пойтахтимизда замонавий жиҳозланган иккита ана шундай мактаб бор. Вилоят марказларида эса энди-энди ташкил этилмоқда. Бундай марказ-мактаблар ўзини ташландиқ, ноқерак деб ҳисоблаб қолган кўнглиларда ҳаётга, одамларга муҳаббат уйғотиши мумкин. Улар ўзларининг одамларга керакли эканликларини, дунё уларсиз бир рангини йўқотиши мумкинлигини ҳис этадилар. Тенгдошларидан чеккада қолиб кетаётган бола, ўсмир, шубҳасиз, одамларга, атроф-дунёга нафрат билан қараш мумкин. Бу эса инсон учун энг даҳшатли фожедир... Шу гапларни айтиш баробарида Худога, тақдирга, илоҳий хоҳишга шак келтириб қўйишдан чўчиб турибман. Ахир, Тангри кўпроқ билгувчидир. Унинг ҳар бир яратилмишида ҳикмат бор.

Интернатда болалар ўқиши, гапириши, фикр юритиши ўрганадилар. Касб-ҳунар эгаси бўладилар. 106-интернат-мактабда расом, дурадгор, уста, тикувчи ўсмир, қизлар жуда кўп.

Кузатувларим асосида сездимки, нутқи заиф (ва) ёки заиф эшитувчи ўсмирлар Худого, динга мойил бўладилар. Бу шунчаки таскин эмас, тўғрилиққа, эътиқодга мойилликдир. Балки, Қисмат уларга шу тақдирни раво кўрганига ўзларини сабабчи, айбдор деб билганлари учун шундайди. Менимча, уларнинг муҳаббати жуда кучли, ҳар қандай риёлардан холи бўлса керак.

Шаолин фалсафасига кўра, бармоқ учлари одамнинг энг сезгир аъзоларидир. Кўр-

ларнинг кўзи, гунгларнинг тили бармоқларининг учидир. Бармоқ учлари дунёни кўради. Бармоқ учлари муҳаббат изҳор қила олади.


Бармоқлари билан гапирувчилар учун политехника дорилфунуни ва айрим техникумларда махсус бўлимлар бор. Уларнинг ўқишлари, тугатгач, ишлари ҳам тўлақонли, бизга маълум тартибда. Махсус жамият уларни маблаг билан таъминлайди.

Нутқи заифларнинг муаммолари ҳам... ўзларига етарли. Қишлоқларимиздаги мактаб кўрмаган қанчадан-қанча нутқи заиф болалар тарбиясиз, ҳарф танимай, сўзнинг «мазаси»ни билмай қолмоқдалар. Уларнинг турмушда ўз ўринларини топиш-

деб ўйлашармикин ё? Бизда ҳам ойнаижаҳонда сурдо таржимали кўрсатувлар ташкил этилса, ойнаижаҳон қаршида «ўтирувчилар кўпайган» бўларди. Бундай кўрсатувларни йўлга қўйиш учун мутахассисларимиз етарли, деб ўйлайман.

Гунглар билан ишлаш — бутун бошли илмдир. Уни дефектология дейишади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика дорилфунунида гунглар билан ишловчи мутахассислар тайёрлайдиган махсус куллия, мана, бир неча йилдан бери фаолият кўрсатмоқда...

Булар — гунглар ҳақидаги бор гаплар. Аммо мен гунглар ҳақида айтилмаган гапларни гапиришни истаяпман.



лари мактаб кўрган ўзларига ўхшаганлардан ҳам оғир кечмоқда. Қишлоқ болалари уларни бармоқларини бигиз қилиб кўрсатадилар. Майна қиладилар уларни. Худонинг ишидан қулиб бўладими! Гунгларни давлат ўз қарамоғига, ҳимоясига олади. Имтиёзлар беради, ўқитади, тарбиялайди, касбга ўргатади. Бироқ гунг биродарларимиз ён-атрофдаги одамларнинг ўзларига қаратилган меҳрини, муҳаббатини ҳис этишни истайдилар. Инсоний муҳаббат, меҳр ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Москов ойнаижаҳонида ахборотлар сурдо таржимаси билан берилди. Нега бизда бундай эмас? Биздаги гунглар янгиликлардан хабардор бўлмаса-да майли,

Демоқчиманки, инсонни тил эмас, муҳаббат гапиртиради. Тили кесиб ташланган одам кўзлари билан, кўзлари боғланган одам, юзлари билан, юзлари ёр сочининг қароси юқиб қаро бўлган одам бармоқлари билан гапиради. Бармоқлари чопиб ташланса, одам кўнглида гапиради. Кўнглини ҳам суғуриб олсалар, жонда, хаёлда гапирарверади. Гапиради. Шунинг учун ҳам у Одам-да. Инсонмиз-да. Тил, сўз одамга ҳатто либосдан ҳам олдин берилган эди. Ҳали ёлонғоч одам Сўз била, Тил ила уётини ёпарди. Инсонга берилган иккинчи, жондан кейинги биринчи нарса Сўздир. Яъни тилди. Тил онгни, онг тафаккурни ривожлантиради. Одамийотнинг гуноҳлари кў-

пайган сайин қурраи заминда гунглар деган тоифа ҳам кўпайиб бормоқда. Эҳтимол, ки Бутун Еру Само Яратувчиси, эй одам, кўп ҳаддингдан ошма, аслингга боқ, кўриб қўй, аслинг қанақа эди, ўйла, фикр қил, дунёга, бир-бирингга, мен берган неъматларга ношукур бўлма, деган мазмунда гунгларни кўпроқ яратаётгандир. Эҳтимол, ки гунглар бошимиз узра қўйилаётган, лекин биз фикри ожизлар фикратимизни у тарафга жалб этолмаётган урғудир, одамлар, эҳтиёт бўлинглар, деган бонгдир. Эҳтимол, ки ақли қусур инсоннинг илми етмайдиган жонли белгидир... Нима бўлганда ҳам, ҳар қалай, инсонийат учун берилаётган огоҳдир. О-гоҳ-дир-гоҳ-дир-оҳ-дир-оҳ-х...

«Қисаси Рабғузий»даги бир ривоятда шундоқ келади: Одам Ота (Ато) изи азза ва жалладан сўради: «Илоҳи, булар кимлар турур?» Хитоб қилди: Булар қиёматга теги (қадар) сенинг ўғлонларинг, уруғларинг турур. Одам аларни ҳаддан зиёда кўрди: «Илоҳи, булар ер юзинда нетак сифгайлар?» Эй Одам, буларни тўрт улуш қилғум турур. Бир улуши оталар ўнгурқаси (пушти)да, бир улуши оналар қорнинда, бир улуши ер юзинда, бир улуши ер қўйинда бўлур, теган хитоб келди. Одам уларга боқти, кимни қарағу (кўр) кўрди, кимни ахсоқ кўрди, кимни оғриқ кўрди, кимни ўлтурум кўрди. Айди: «Илоҳий, буларни на учун биртак яратмадинг?» Ёрлиғ келди: «...ҚАРАҒУ (Кўрларни) ЯРАТМАСАМ ЭРДИМ, КўЗ-ЛУКЛАР ШУКР ҚИЛМАҒАЙ ЭРДИ».

...Мен тилимни йўқотиб қўйган эдим. Утган баҳорда, зилол бир тунда Т. шаҳридаги баланд бир тепаликда кокил-зулфи паршон бир қизнинг олтин исирғасини ҳам худди шу тарзда йўқотиб қўйгандим. Тилим худди ўша тилла балдоқ сингари сабзазорга тушиб йитти. Мен тилимни изламадим, фурсат ғанимат эди. Ёнимда ўтирган қаросоч, қароқўз, қароқош нилуфарни, шу кунларда русум бўлган ҳиндий сўмқаси билан кўркам тиззаларини ёпиб ўтирган нилуфарни муҳаббатимга тилсиз ишонтиришим, шу лаҳзада бирорта ҳам сўз ишлатмай уни севишимни исботлаб беришим керак эди. Бармоқларим

қанотлар чиқарарди, бармоқларим қушлар каби учарди, бармоқларим ўқ теккан ўнта қуш монанд ўн ёққа сочилиб йиқиларди.

— Менга икки-уч ой муҳлат беринг, ўйлаб олай, лекин бу деганим — ҳўп деганиммас, керак бўлсангиз, икки-уч ойдан кейин ўзим сизга телефон қиламан, ўзим сизни излаб топаман, ҳозирча эса, мана бу еримда, мана бу еримда, сиз йўқсиз,— дерди қиз кабутарлардай қафтларини чўққидор кўрагига қўйиб.

Мен йигирма саккиз йилдан буён тик қаддимни, ғоз бошимни қиз зотига эгмаган, букмаган, қиз қошида бу қадар тўкилмаган, кўзлари майда-майда элакдан қийнаиб-қийнаиб эланмаган йигит эмасманми, бирдан ориятим жунбушга келди, шарт ўрнимдан турдим ушадам-шахдам кетиб қолдим. Тўсатдан тўхтадим-да, ортимга ўгирилдим. Қизнинг ҳайрат тўла кўзларига кўзим тушди, шу лаҳза қизнинг ёнига қайтсаммикин, қиздан паст тушсаммикин, деган ўй хаёлимдан лип этиб ўтти. Лекин ортага қайтиш мағлубият билан баробар бўларди. Мен ҳамиша бирор нарсага мағлуб бўлиб эришгандан кўра, ғолиб бўлиб эришмасликни... афзал билганман.

— Билиб қўй, ҳеч ким сени менчалик севолмайди, керак бўлсам излаб топарсан,— дедим жўнавордим.

Ушандан буён кечалари уйку, кундузлари ранг кўринмайди кўзимга. Нега дейман, нега ақалли бир мартагина ён босмадим. Узимни шу гапни эшитмагандай тутсам бўларди-ку. Ушандан буён ўзимни сўкаман. Узимнинг ҳақиқатимни ўзим ақалли бир мартагина енгсам бўларди-ку. Нима қилай, мен раҳм эмас, муҳаббат, чин муҳаббат, чин ишқ истасам ва шу истагимга бир марта ҳам қарши боролмасам, нима қилай?

Ушандан буён икки ой кетти. Ҳар кун ишхонага келиб, эрталаб соат 9 дан кечки 5 гача унинг қўнғироғини кутаман. Агар билсангиз, айтинг-чи, азиз биродар, унинг қўнғироғини олиб келаётган карвон ҳали жуда узоқда... эмасми? Ахир, бир ойгина муҳлат қолди. Агар билсангиз, айтинг-чи, азиз биродар, нилуфар мени излаб топармикин?..

Ёки изламайдими?..

Келмайдими?..

Сиз келинг, азиз биродар, менга ҳамдард бўлинг, мен сизга суянай. Менга ҳамроҳ бўлинг, менинг ғамим, ҳасратим жудаям катта. Уни кўтаришинг, ўз ғамим ўзимга оғирлик қилапти. Келинг, бир четидан кўтаришинг. Менга қайғудош бўлинг.

Мен гунгман, менинг тилим йўқ.

Наҳотки, бахтим ҳам бўлмасам?..

Битта-битта кирпич терилиб улкан бино қурилган каби муҳаббат ҳам ишқ кирпичини битта-битта теришдан бошланади. Ҳар ким ўзи ўзига уй қуриб олади. Муҳаббатни ҳам ҳар ким ўзига ўзи қуриб олиши керак. Ҳечкимни тап-тайёр уй қурилиб кутиб турмайди. Муҳаббат ҳам тап-тайёр ҳолда бировни кутмагай. Муҳаббатнинг пойдеворини ҳам, дуволини ҳам, томини, ўз муҳаббат уйининг эшик-ромларини ҳам ҳар ким ўзи қуриб олиши лозим.

Мисол учун, Салимни кутаётган тайёр муҳаббат йўқ оламда. Ундай муҳаббатни ўзим учун ўзим бунёд этмоғим зарур. Менгача бўлган муҳаббатларнинг барчасининг ўз эгалари бор: Фарҳод, Қайс, Навоий,... борингки акам. Аммо, мен, сиз, ўша қиз... Муҳаббат осмондан тап-тайёр ҳолда тушмаслигини, уни ҳар ким ўз кўнглида ўзи бунёд этиши зарурлигини тушунармикин? Муҳаббат бобида алданганлар, қадами тойганларнинг барчаси муҳаббат байтини қуришни билмаганлар, ўзгаларнинг ишқ қасрига билиб-билмай, ихтиёрли-беихтиёр кириб олмақчи бўлганлар эмасми? Ҳатто илоҳий ишқни ҳам ҳар ким ўзи учун ўзи барпо қилади, ишқда ҳар ким ўзи учун ўзи саждагоҳ яратади-ку.

Тайёр муҳаббат кўнглига осонгина кириб келишини алданиб кутаётган у қиз шу нарсаларни тушунармикан? Тушунса, мени излаб топармикан?..

Сиз нима дейсиз? Айтинг...

Менинг тилим йўқ-ку, ахир. Мен гунгман-ку, ахир. Сиз айтинг.

Мени излаб топадим?

Салим АШУР

Ҳозир айна пишиқчилик. Боғларда ёқутдек товланаётган қулпнай, малина, гилосларни, ўзини кўз-кўз қилаётган олхўриларни кўриб беихтиёр «қанийди, йил бўйи дастурхонингдан аримаса бу тансиқ мевалар» дейишингиз табиий. Бу орзуни рўёга айлантириш эса ҳеч гапмас. Фақат озгина ҳафсала ва қунт қилсангиз, олам гулистон — тўрт фаслда ҳам ёз неъматлари бола-бақраларингизнинг оғзига тегиб, яна қанча меҳмонларингизнинг кўнглини овлайди... Демак, ишга киришамиз... Даставвал...

МЕВА ВА РЕЗАВОР МЕВА КОМПОТЛАРИНИ КОНСЕРВАЛАШ

Шакарли сироп компот таъмини бирмунча оширади, лекин компотни ширин сироп солмасдан, мева устига сув ёки мева ва резавор мева шарбати қўйиб ҳам консервалаш мумкин. Бундай усулда таёрланган компотга истеъмол қилишдан аввал таъбга кўра шакар қўшиш мумкин. Компот учун яхши пишган (лекин юмшоқ эмас) мева ва резавор мевалар танланади (юмшоқ мевалар стерилизация пайтида эзилиб кетиб, пўк бўлиб қолади, сиропи эса лойқа бўлади). Компот учун мева ва резавор меваларнинг деярли барча туридан фойдаланиш мумкин. Мева ва резавор меваларни консервалаш ҳақида қисқа маълумотлар бериб ўтамиз.

УРИК. Мева яхшилаб ювилади, иккига бўлиб данаги олинади. Консерваланаётган банка ҳажмининг 40 фоизи миқдориде сироп қуйилади. Стерилизация вақти эса банка ҳажмига қараб белгиланади. 0,5 л ҳажмдаги банкалар 10—12 минут, 1 л ҳажмдаги банкалар эса 15—18 минут давомида стерилизация қилинади.

ОЛЧА. Мева яхшилаб ювилиб, думлари олинади. Банка ҳажмининг 60 фоизи миқдориде сироп қуйилади. Стерилизация вақти юқориде келтирилган тартибда белгиланади.

ГИЛОС. Ювиб, думлари олинади. Банка ҳажмининг 30 фоизи миқдориде сироп солинади. 0,5 л ҳажмдаги банкалар 15—20 минут, 1 л ҳажмдаги банкалар эса 20—25 минут давомида стерилизация қилинади.

ОЛМА. Ювиб пўсти арчилади (пўсти билан ҳам консервалаш мумкин), уруғларидан тозаланади ва иккига бўлинади. Дастлаб 85°C ҳароратли сувда 6—7 минут давомида буғлаб оли-

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ ҚИШ ДАСТУРХОНИГА



нади. Банка ҳажмининг 35 фоизи миқдориди сироп солиниб, 0,5 л ҳажмдаги банкалар 15—20 минут, 1 л ҳажмдаги банкалар 20—25 минут давомида стерилизация қилинади.

КОНСЕРВАЛАРНИ СТЕРИЛИЗАЦИЯЛАШ

Шиша банкалар ювиб буғлатилади ва қуритилади. Консервалаш учун тайёрланган мева, резавор мева ва сабзавотларни банкаларга юқори чеккасига 1,5-2 см қолгунча жойлаштириб, устига сироп ёки намакоп қўйилади. Банкалар қопқоқсиз ёки темир қопқоқлар билан юзаки ёпилиб кастрюлькадаги қайноқ (50—60°C) сувга қўйилади; кастрюлькадаги сув ҳажми тахминан банкалар ҳажмига тенг келиши керак. Қайнаш вақтида шиша банка ёрилиб кетмаслиги учун кастрюлька тубига латта ёки кичик фанер бўлағи қўйилади. Банкалар солинган кастрюлькадаги сув қайнагунча иситилади. Сув қайнаб чиққандан сўнг стерилизация вақти белгиланади. Ҳар бир консерва тури учун стерилизация муддати (яъни қайнаб турган сув температурасида ушлаб туриш) жадвалда кўрсатилган. Стерилизация пайтида сув қаттиқ қайнаб кетмаслиги керак, акс ҳолда банка ичига сув сачраши мумкин. Стерилизация вақти тугагач, банкалар кастрюлькадан эҳтиётлик билан махсус қисқичлар ёрдамида олинадилар ва дарҳол қўл билан айлантирилайдиган машинка ёрдамида маҳкамлаб ёпилади. Маҳкам беркирилган банкалар оғзини пастга қилиб совутиш учун столга қўйилади.

МУРАББОЛАР

ҚУЛУПНАЙ МУРАББОСИ. Мураббо учун майдароқ, бир текисдаги эзиллиб пишмаган қулупнай олинадилар. Мураббо икки усулда пиширилади.

1-усул: қулупнай доналари саралангандан кейин эмалланган ёки шиша идишга солиниб, устидан шакар сепади ва 5—8 соат салқин жойга олиб қўйилади. Шарбати чиққач, сир-

ли тоғорага ағдариб, паст оловга қўйилади ва шакари эригунча қошиқ қўзғаб турилади. Шакари эригач, оловни баланд қилиб қайнатилади; Қайнаб чиққач, оловдан олиниб, 10—15 минут совутилади, сўнгра яна қайнатилади, шу ҳол 3—4 марта такрорланади. Тайёр бўлишидан 2—3 минут олдин лимон кислотаси қўйилади.

1 кг қулупнайга 1,5 кг шакар ва 0,5 стакан сув, 5 г (1/2 чой қошиқ) лимон кислотаси (ёки битта лимон шарбати) керак бўлади.

2-усул: Тозаланган қулупнай устига иссиқ қиём қўйилиб, 5—8 минут қайнатилади, сўнгра оловдан олиниб кўпиги олинадилар ва човли билан қулупнай доналари қиёмдан ажратиб олинадилар. Сўнг қиём (5 минут) яна қайнатилади. Қўйилган қиёмга қулупнай доналари солинадилар ва сусти оловда пишгунча қайнатилади.

1 кг қулупнай учун 1 кг шакар ҳамда 1,5 стакан сув солиш керак.

МАЛИНА МУРАББОСИ. Малина мевалари қулупнай мевалари каби эзилмаган, дона-дона бўлиши керак. Мевалар сараланадилар (ювиш тавсия этилмайди). Агар мева доналари устида қурт тухумлари бўлса, 10—15 минут совуқ намакопга (1 л сувга 20 гр туз) солиб олинадилар, сўнгра тоза сувда чайилади. Шунда қуртлар сув юзига қалқиб чиқади, мевалар сув сингдирадиган қоғоз ёки мато устига ёйилиб, бироз қуритилиши лозим. Қуриган мевалар сирли тоғорага солиниб, устидан иссиқ қиём қўйилади ва уч-тўрт соат тиндирилади. Сўнгра қиём бошқа идишга ажратиб олиниб, бироз қайнатилади, қўюлган қиёмга мевалар солинадилар. Мураббо тайёр бўлгунча сусти оловда қайнатилади.

1 кг малинага 1,5 кг шакар ва 2 стакан сув керак.

АТИРГУЛ ГУЛБАРГИ МУРАББОСИ. Атиргул гулбаргининг пастки оқ жойларини кесиб ташланади. Човлига солиб ювилади, суви силқитилади, сўнгра устига шакар ва озроқ янчилган лимон кислотаси сепади, 1 соат қўйиб қўйилади. Қиёмни қайнатиб, устига гулбарглар солинадилар ва тайёр бўлгунча қайнатилади.

400 гр гулбарг учун 1 кг шакар, 2 стакан сув ва 1 чой қошиқ лимон кислотаси керак бўлади.

СМОРОДИНА МУРАББОСИ. Яхши пишган смородина доналарини саралаб, думча ва косачабарглари тозаланиб, сувда ювилади. Сўнгра сувга солиб 2—3 минут давомида қайнатилади, суви тўкиб ташланиб, мева совутилади. Қайнатилган сувнинг бир қисмини қиём тайёрлашда ишлатса бўлади. Совуган смородина иссиқ қиёмга солиниб, тайёр бўлгунча пиширилади.

1 кг қора смородина учун 1,5 кг шакар ва 2—2,5 стакан сув керак бўлади.

СОЧИНГИЗНИ ЮВИШНИ БИЛАСИЗМИ!

● Соч ювишдан аввал (айниқса сочингиз бўялган бўлса) бошингизни ўн дақиқача уқаланг. Бунинг учун бармоқларингизни айланма ҳаракатлари билан терини бош суягига нисбатан силжитиб чиғамуғ мойи, косторка, зиғир ёғни суртиб чиқасиз. Шу ёғ билан сочингизни тутамларга ажратиб, бутун узунлиги бўйича суртасиз. Ёғ яхшилаб сингиб кетиш учун уқалашдан сўнг сочингизни буғ устида тараб юборинг.

* * *

● Агар сочингиз ювганингиздан сўнг ҳам қуруқ ва хира кўринишда бўлса ёки ёмон турмакланса, у ҳолда сиз турли ўтлар билан чайишни одат қилинг. Жумладан мойчечак, қичитқи, қариқиз, ялпиз ўтларидан фойдалансангиз айни муддао. Бу дамламани тайёрлаш учун 2 ош қошиқ кесилган ўтлардан (қуритилгани ҳам бўлади) хоҳласангиз ҳаммасини бирга ёки алоҳида 2 стакан қайнаган сувда дамлайсиз. Ёғлиқ сочларни эса аччиқ дамланган илиқ чойда ёки қизилпойга, эман пўстлоғи, қичитқи ўтларидан тайёрланган дамламада чайиш мумкин.

* * *

● Сочим соғлом ҳамда кўримли бўлсин десангиз сервитамин сабзавот ва мевалардан еб туринг. Жумладан, сабзи ва қора четанларда «А» витамини сероб бўлади. Гуллаган соч толарини эса ўз вақтида кесиб ташлаб, бош терисига ҳар кун чиғамуғ ва косторка ёғидан 1 ош қошиқ, лимон ёки қайин дарахти шарбатидан 2 чой қошиқдан солиб тайёрланган аралашмани суртинг.

Бошингизни ювишдан бир кун олдин, кечқурун тухум сариғи, бир ош қошиқ майонез, бир чой қошиқ асал ва кирғичдан ўтказилган икки бош саримсоқ пиёздан тайёрланган ниқобни чаплаб қўйинг. Бошингизни бир марта ювганингиздан сўнг, албатта қичитқи ўтидан тайёрланган дамлама билан чайиб юборинг.

* * *

● Ёғлиқ сочларни ювишдан ярим соат аввал бош терисига бир чой қошиқ асал, алоэ шарбати, лимон шарбати, тухум сариғи ва майдаланган бир бош саримсоқ пиёздан тайёрланган аралашмани суртиш керак

«Здоровье» жўрнолидан
Нигора ҒУЛОМОВА таржима
қилган



У ФЕРУЗА ранг ҳақида кўп эслатади. Феруза ранг! У қанақа эди-я? Мен билган ранглар: оқ, қора, қизил, кўк ва яшил... бошқаларини эса танитайман. У эса ўз «ўқувчиси»га бу рангни танитишга уринади: «Мана, бу рўмолим феруза ранг, мана бу соатимнинг ярми шу ранг, мана бу эгнимдаги ҳам...» У давом этолмайди. «Мана, кўзларим ҳам феруза ранг...» деб айт(ол)майди. Энди мен ўзим бу рангни таний бошлайман ва англайманки, бу мен аввалдан тани(ма)ган ва мен яхши кўрган ранг экан. Аслида аёлимнинг эгнида, фарзандимнинг бешигида ҳам бор эди бу ранг. Фақат унинг номини хотиримдан мен таниган қизлар ўғирлаб, ўзларига исм қилиб олган эканлар...

У ҳам аввал оқ, қора, қизил, кўк, яшил ранглар ичида ўсди. Феруза унинг исми эди ҳолос. Ота-онаси ҳам замонавий, зиёли, раҳбар, ўзига тўқ кишилар. Табиийки, бундай оиланинг тўнғичи ҳам замонавий тарзда, ҳеч кимдан, ҳеч нимадан кам бўлмай ўсди. Аввал ўз туғилган жойи Қаршида ўрта мактабни, сўнг Тошкентда тиббиёт олийгоҳини тугатди. Пардоз-андозни, упаэликдан, тақинчоқлардан фойдаланишни ҳеч кимдан кам қилмасди.

Хуллас, ҳаммаси оддий ва айни пайтда бугунги ҳаёт тарзича эди: ранглар оқ, қора, қизил... 2 кўшув 2 баробар тўрт эди. Лекин фавкулотда (аслида олдиндан, бу безовталик бор эди, аммо уни ўзи сезмаган) ўзгаришлар... Беморлик, фарзандлар турмаслиги... Хуллас, у нималардан дир безовта эди. Нималарнидир бошқалардан аввал биладиган, кимларнингдир тақдири, ташвиши унга аён бўладиган бўлди. Рост, ўзи эса ҳамма дўгоналари қатори замонавий кийиниб, ўйнаб-қулиб юргиси ке-



Сурат муаллифи Абдуғани ЖУМА

ФЕРУЗА—МЕН ТАНИ(МА)ГАН РАНГ

ларди. Лекин бунга ўша безовталик йўл бермасди. Ўзи бугун бу кучларни англаган сайин эса бошқаларга — хусусан, ота-она, укасингил, қариндош, дўгоналарига тушунтириш жуда қийин кечмоқда. У тортина-тортина узун кўйлак кийди, рўмол ўради.

— На илож, секин-секин кўниқиб, секин-секин қабул қилаяпман, менга берган худойимнинг бу юмушини,—

дейди Феруза Тожибоева.

Феруза Тошкентга келиб Ибн Сино номидаги халқ табобати марказида ўқиди, уни илмий асосда текшириб кўришди. «Шарқ» халқ табобати маркази директори, таниқли ҳаким Мадёр Салоевдан сабоқ олди. Секин-секин ўзи ўсган кўп йиллик турмуш тарзи берган замонавийлик унга олдиндан ҳам бегона эканлигини ўз ота-она-

лари тарихини эшитиб, гоҳида эса тушларида кўриб англай бошлади. Ўтган аждодларининг номига эл-улус эшонбобо, мулла, Ҳақим ота, Қорибува мингбоши, отинойи, халифа, табиб элбоши каби сўзларни қўшиб айтишган экан.

Феруза тиббий маълумотга эга эмасми, у ўзи танлаган бу касбдан воз кечиб кета олмаяпти. Ўзининг ҳам бу касбдан кечгиси йўқ. Лекин унинг ўз дарди сабаби давоси ҳақида сўровчиларни ҳам хафа қила олмайди. Хафа қилса, табиийки, ўзини ҳам ...лар хафа қилишадди. Унга мурожаат қилган кишига баъзан у соатлаб вақт ажратади. Бундан ўзи ҳам қониқиб ҳосил қилади.

У қаршимда туриб, дардим, ташвишларим, фикру хаёлимни сўйлаб бераркан, беихтиёр касб тақозоси билан қўлим қаламга чўзилади. У эса «Йўқ, қўйинг, буларни ёзманг» дейди.

Феруза! У бу исмни бошқа қизлар сингари табиатдан ўғирлаб олмаган. Бу унинг ўз табиатида бордек назаримда. Кийимлар-ку майли, хусусан, унинг икки кўз косасида ўйнаган юмалоқ тошлар (кўз қорачиқлари худди шундай туюлади менга)нинг ранги у. Унга исм танлаётган бувилари бунини сезишган чамамда. Кейин, улар унга «Ўзинг ҳам феруза рангсан, болам» дердилар. «Исмингни камини — «бону»сини кейин қўйиб берамиз» — дейишарди улар яна. Энди-энди улар нега шундай дейишганини фаҳмлагандек бўлади-ю, бугунга келиб ўз исмларига ўзларича бону қўшиб юрган қизларни ўйлаб уялиб кетади. Ким билади, балки ўша хизрга йўлиққан бувилари тушларида келиб қўйиб берар бу исмни.

Л. ЧОРИЕВ

ЛАВОЗИМЛИ АЁЛ КЎЙЛАК ТИКМАЙДИ...МИ?

ИЗОХ: Урислар яхши кино ишлашибди — «Шаҳарнинг икки-чирлари» деган. Филм марказида Вазирлар маҳкамасида ишлайдиган, узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ўтирган обрўли бир инсон ҳаёти туради. Ҳа, бир инсоннинг ҳаёти. Унинг кўп нарсасга кўли етади, истаса... истаса... Йўқ, гап унинг обрўси ва мансаби ҳақида эмас. Бу одам ҳаётда фақат ўзи, ботиний дунёси олдидагина ночор аҳволда қолади. Кўнгирақлар, ҳашаматли бинолар, данғиллама бог ховли, ажабтовур мошинлар — бари-барисини раҳбарликнинг инъоми, жамиятнинг совғаси десак бўлади. Бундай яшай билиш ёзуғига битилган кишиларнинг ўзларига яраша салобати ҳам босади бизни. Улар билан фақат улкан-улкан муаммолар ҳақида, иш юзасидангина суҳбатлашиш зарурати муқаррардек туюлади, гоҳо.

Кўпинча қалам аҳлининг газет-жўрнал учун «катталар» билан қилган мусохабаси бир хил қолипдан тушади — муаммо, режа, ютуқлар, тадбирлар, шу куннинг оғриқлари... Касбига, лавозимига сидқидилдан меҳр кўйган каттақон раҳбарнинг ҳам сизга айтиш учун юрагининг тубида яшириб қўйган гапи бўлади. У эҳтимол ҳозир сиздан шу нарсалар тўғрисида сўровингизни истаётгандир. Ахир у илк муҳаббат, болалик, тотли хотирадан сўзлашни истамайди деб ўйлайсизми?

БИЗНИНГ ШАРҲ:

Ҳалимаҳон ОЛИМЖОН қизи — ректор. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида. Техника фанлари номзоди. Профессор. Намагнинг Учкўрғон кишлоғида улғайган. Табиати гўзал, осмони паст, тоғлари баланд, ҳаммаёқ тип-тиник. Аёллари чевар. Лов-лов товланади атласи, камалек уялади, куёшнинг ҳаваси келади.

Хуллас, водийнинг ана шундай ажойиб кишлоғида бўйи етган қизларнинг ҳаммаси бир-бирини ортада қолдиргучи чевар эдилар. Ҳеч қайси хонадон йўқ эдики, бичиштиқидан беҳабар бўлса. Чеварликнинг сир-сир синоати сеҳрлаган бир қизча, ўз орзулари оғушида мактаб партасидан Тошкентга хат жўнатди. Тўғри Тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори раҳматли Зикрилло Абдуллаевга келиб тегди хат. «Мен чевар бўламан. Мен Тошкентда ўқийман. Сизнинг институтигизга бормоқчиман. Мен жуда кўп нарсаларни тўқий оламан... Менга ишонинг... Ҳалимаҳон»

Тақдир насиб. Фаришталар омин деган экан. У шу институтига ўқишга кирди. Уқиди, тамомлади, ишлади, ипакчилик соҳасида илмий кўргазмаларда қатнашди. Ҳалол меҳнат маҳсули — ўсди. У самар бўлди — танилди. Кўплаб мартабали ва зифаларда ишлади. Ниҳоят, 1990 йилнинг июлидан ўзи тамомлаган институтида ректор. Гоҳо қаттиққўл, талабчан, гоҳо кечиримли. Иш ўз йўлига. Инсоний муносабатлар кўнглида иддизлаган унинг. Қўл остидагиларни керак пайти койийди, кўпроқ авайлайди. Иссиқ-совуғидан эса доимо хабардор. Кўп нарсасга улгуради. Иш, рўзгор дегандек. Уни ҳурмат қиладилар — ҳам инсон, ҳам раҳбар сифатида.

— Ҳалима опа, институтининг 60 йилли: тўйи бўлиб ўтди. Барча «тўй қўллуқ бўлсин»га келган биродарлар каби «Саодат» жўрнали ва унинг ўқувчилари номидан табриклайман.

— Раҳмат, ука. Ҳаммамизни тўйга, яхши кунларга етказсин худо.

— Айтганингиз келсин.

— Бичиш-тиқиш ишлари ўзбек аёлини бу юмушдан, аниқроғи, санъатдан йироқда тасавури қилиш қийин. Агар жўрналнинг озгина бўлса-да, шу борада нафи тегса — хурсандимиз. Истеъдодлардан бири «Халқ аёлдан бошланади», девди.

— Шарқда аёлнинг ягона юмушидан бири бичув-тиқув машғули билан шуғулланиш бўлган. Қадимдан ўзбек аёли ип йиғириш, тўқиш, чеварлик билан машғуллар. Улар ўзларига оро беришган, гўзал-гўзал либослар тиқишган. Ҳозир ҳам шундай-ку. Кўчани бир кузатинг-да, бир хил кийим кийган аёлни учратармикансиз. Аёлларнинг дидини кийиниш, юриш-туриши билан билиб олсангиз бўлади.

— Сиз ўзингиз ҳам кийим-кечак тикасизми?

— Яъни?

— Либосларингизни дўкондан сотиб оласизми, демоқчийдим.

— Йўқ... ҳамма яхши кўйлагимни ўзим тикканман. Мана, эгнимдаги кофтам қайси тижоратдаги фалон минг сўмлик либосдан кам? Ҳаммиша кўнглингга мос тушадиган кийимни топавермайсан киши. Хўш, нима қилиш керак. Мен аёлман, чеварлик илмидан беҳабар бўлишимни уят деб ҳисоблайман. Тасавуригга сиғиролмайман. Кимлигидан, мансаби ва мавқеидан қатъий назар қўлига игна ушламайдиган аёл аёлми? Рўзгорнинг бутлиги, оилани тутиб туриш, қолаверса болалар тарбияси ҳам бу нарсасга боғлиқдир.

— Бугун Ўзбекистондаги енгил саноат корхоналарида кўпчиликни аёллар ташкил қилади. Демак, сиз бу ҳолга табиий деб қарайсиз-да, а!

— Ҳа. 60 фойиз аёллар меҳнат қилади. Институтимызда эса талабаларнинг 65 фойизи қизлар. Менимча, енгил саноат равнақида хотин-қизларнинг ҳиссаси улкан бўлиши табиий. Бу соҳа нозиклики, дидни, фасоҳатни талаб қилади. Ипак толаларининг нафислиги билан аёл бармоқларигина «тил топишади».

— Биласизми, гоҳида телевизорда кўриб қоламан. Чиройли қизлар тўқув дастгоҳи ёнида атлас ёки кўнглини яйратадиган ажойиб гулли матолар тўқишаётган бўладилар... Мен бундан икки хил гўзалликнинг бирикувини ҳис қиламан.

— Тўғри, ҳар бир тўқилган матода аёл меҳри, сеҳри, жозибаси бор. Нафақат аёллар либослари, ҳатто кийиб турганингиз костюм-шимда ҳам сиз айтган ўша чиройли қизларнинг меҳри мужассам.

— Шарқ миниюраларини кўздан кечирсак аёлларнинг кийимлари эсдан оғдирар даражада гўзал эканлигини пайқаймиз. Кийиниш ҳам санъатлигидан сўзлайди шарқ...

— Албатта, ҳарир ипак, осмонранг кўйлақлар, гулови камзуллар, аёл тийнати-га нур бергувчи сержило либослар ҳар қандай мусавирни доводирати бўймай-дими?

— Опа, ҳозир замона ҳам бошқача бўлиб кетди. Бизнинг кийим-кечагимизга қараб қаерда яшашимизни, ҳатто миллатимизни ҳам аниқ айтиб беришолмайди. Ахир инсоннинг кийиниши маънавияти ва маданияти билан боғлиқ эмасми!

Мен фақат дўппини ёки чопонни айтаётганим йўқ. Бироқ аёлларимизнинг ўшал нурга монанд, кўзни қамаштирувчи шар-

қона либослари қани! Ахир уларнинг кўйлақлари ҳам кенгликларга тиниқлик бахшида этади-ку! У ўшал замонлар шарқ аёли эди... Бугун бу ҳақда ўйлашга ҳам уяласан киши.

— Сиз тўғридан-тўғри, атайин енгил саноатимиз олдидаги муаммолар ҳақида гапираётганга ўхшайсиз.

— Қанақасига!

— Мана ўзингиз айтдингиз-ку. Бугун сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан биргаликда, уларнинг миллийлигига, шарқоналигига эътиборни қаратиш лозим. Бу бизнинг асосий мақсадимиз. Жумҳуриятимиз истиқлол йўлида. Ҳамма нарсани энди изига тушаяпти. Албатта, ҳали шарқона расм-русумлар билан юриш-туришимиз, турмушимиз, кийим-кечакларимиздаги анъаналаримиз ўз ўрнида аксини топиши керак.

— Опа, энди ўзимизни ўнглаб олмасак бўлмайди. Ишқилиб, миллат ва юрт тўғриси шу тахлит кўрнимас ришталар боғлиқлигини одамларимиз англашлари керак.

— Ҳамма нарсасга вазият ечим беради. Ҳозир бизнинг мамлакатимиз йўли — нури йўл. Ишонимиз керак. Тинчлик ва осойишталикни қадрлашимиз зарур. Ҳар ҳолда ўзлик ва истиқлол сари бораёلمиз. Сиз айтган нарсалар ҳам албатта амалга ошади, ишонинг.

— Сиз Тўқимачилик ва енгил саноат бўйича мутахассиссиз. Бугун бу тармоқнинг ҳал қилиниш шарт бўлган талаблари ҳақида нима дейсиз!

— Аини пайтда шу соҳанинг сирларини пухта биладиган, изчил ўзлаштирган мутахассислар керак. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан бақувват. Хом ашё давлати. 1970 йилларда Ўзбекистонда етиштирилган толаннинг 3 фойизи қайта ишланарди. Қолганлари хом ашё сифатида бошқа жойларга жўнатиладди. 1990 йилга келиб пахта толасининг 10 фойизи қайта ишланди. Демак, ўзингизга маълум бўлгандир. Эндиликда пахтани ўзимизда ишлашимиз, четга тайёр маҳсулотни чиқаришимиз керак. Бунинг учун Ватанимизнинг турли жойларидаги катта ва кичик корхоналарнинг фаолияти аҳамиятли. Пахта, жун, ипак маҳсулотларига ишлов берилса, савдо-сотиқ учун рақобат майдонига чиқарилса — қандай яхши. Сифатли маҳсулотлар кўпаярди. Хусусий корхоналарнинг кўпайиши билан бирга улкан корхоналарнинг аксарияти давлат назоратида қолиши керак. Катта корхоналарнинг талаби ўзига яраша. Йиғирув, тўқув, ипак технологиясини пухта эгаллаган муҳандислар тайёрлаш керак. Дастгоҳлар техникасини тўлиқ тушунадиган мутахассислар — енгил саноатнинг оғирига таянч бўладилар. Биз кун талабига жавобан институтимызда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, менежментлик ва маркетинг бўйича курслардан дарс бера бошладик. Бугун ҳар бир соҳа одами илмини, иқтисоддорини ўз касбига тўла маънода бағишлаши керак.

— Муаммолар-чи! Қийинчиликлар ҳақида гаплашсак...

— Енгил саноатдаги муаммолардан бири чиқиндисиз ишлайдиган технологияга эга бўлиш. Табиий толаларни қайта ишлаш учун технологияни такомиллаштиришда олимларимиз илмий ишлар олиб боришмоқда.

— Ҳалима опа, хонатласнинг нечта бўёғи мавжуд!

— Еттита. Шундан тўрттаси мустаҳкам.

Учмайдиган рангдир. Ҳозир хонатласнинг бошқа бўёқларини ҳам мустаҳкамлаш учун институтимиз олимлари Марғилон Атлас ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

— Институтимизда бошқа илмий янгиликлар, фандаги ютуқлар... деймизми?..

— Олимларимиз томонидан биринчи бўлиб электр ўтказувчи тола яратилди. Бу бениҳоя, улкан ютуқ, албатта. Ҳозир бундан ишлаб чиқаришда иситгичлар, гўдаклар ҳаётини сақлаш учун тиббий жиҳозлар тайёрлаш мумкин. Ҳозир ўша иситгичларни халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг қўламда қўллаш керак. Буни хориждан маблағ олиш эвазига бўлса-да ривожлантириш ниятимиз бор.

— Сиз раҳбарлик қилаётган институт Ўзбек юртининг энгил sanoati қисмати (эртасини белгилайдиган кадрлар тайёрлайди. Мен институтнинг ички ҳаёти ҳақида озроқ тасаввурга эга бўлсам дедим.

— Талабалар шарт-шароитини яхшилаш борасида ижобий ишлар амалга ошди. Талабалар шаҳарчасида 120 ва институт ҳудудида 220 ўринли замонавий ошхоналар таъмирланди, яна 120 ўринга мўлжалланган «Кафе-бар» ишга тушди, 7 та ётоқхона қайтадан таъмирланди. 100 ўринли санитария-прафлактория қуриллапти. «Институт тарихи» музейи очилди.

— Пулни қаердан...

— Шу саволни берсангиз керак деб, ўйлагандим ўзим ҳам. Қандай қилиб бўлмасин талабаларимизнинг шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида «Истеъдод» номли саҳоват жамғармасини тузганди. Шу тадбиримиз анчагина фойдали бўлди.

— Жамғарма маблағни қаердан топди?

— Институтимизнинг ўқитувчилари бир кунлик маошини ўтказдилар. Бундан ташқари шу институтни тугатиб кетган энгил ва пахтачилик sanoati асосиялари ва корхоналари раҳбарлари қўллаб-қувватлашди.

— Жамғарманинг иш фаолияти фақат қурилиш билан шугулланишдан иборат бўлмаса керак.

— Албатта, 1982 йилнинг 2 апрелидан бошлаб ётоқхонада яшаётган шароити оғир талабаларга бепул нонушта ташкил қилинди. Оврупа мамлакатларида таҳсил олаётган, институтимиз томонидан юборилган ёшларнинг йўл харажатларини ўз зиммамизга олганмиз. МДХдаги аспирант ва дўктўрантларимизни ҳам моддий жиҳатдан таъминлаяпмиз.

— Талабаларнинг адабиёт ва санъатга муносабатлари қандай, яъни шеърят кечалари, санъаткорлар билан учрашувлар бўлиб турса керак, албатта.

— Ўзбекистоннинг кўпала зўр шоирлари, ёзувчилари меҳмонимиз бўлишган, тез-тез шеърхонликлар ўтказилади. Институтимизда «ИПАК ПАРИЛАРИ» дастаси тузилган. Дастамиз шаҳар институтлари билан ўтказилган баҳсда биринчи ўринни эгаллади. Инсон ҳаётини адабиёт ва санъатсиз тасаввур қилиш қийин-ку.

— Тўғри айтасиз... Сиз қайси шоирларнинг шеърларини ёқтирасиз?

— Нормурод Нарзуллаев, Эркин Воҳидов... жуда кўп.

— Ёшларни ҳам ўқийсизми?

— Албатта... ҳозир улар жуда яхши ёзишяпти.

— Иқбол, Ғулум Мирзо, Салим Ашур ва яна бир қанча ўт бўлиб келаётган, элнинг эртаси деб жон фидо этмакка шай шоирлар бор. Шуларни ҳам кузатиб борасизми?

— Уқиган бўлишим керак. Умуман, адабиётни жуда севаман. Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг шеърятини шайдосиман. «Зайнаб ва Омон»ни бир пайтлар севиб ёдлаганман.

— Ҳалима опа, агар сизга маъқул келса ёш иқтидорли шоирлар билан институтимизда учрашувлар ўтказилса, баҳслар уюштирилса, яхши бўларди. Негаки, ҳар бир даврнинг янгича фикрлайдиган, дунёни ўз кўламида қабул қиладиган, ҳурфикрли, кучли тўлқин бўлиб майдонга чиққан истеъдодлари бўлади.

— Мен розиман. Бажони дил. Уша зўр шоирлар билан танишиб ҳам олардик.

— Сиз масъулияти лавозимдасиз. Катта бир институтга бошчилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Қанчалаб ишлар, илм-фаннинг азобли изланишлари, бошингизда минг бир ҳаёл, энг муҳими, аёлсиз. Рўзгор ва оила ташвишлари, фарзандлар тарбиясини ўйламай иложингиз йўқ. Айтинг-чи, сизга бу лавозимда ишлаш оғирлик қилмайдими?

— Йўқ.

— Яна бир савол. Уйда овқатни ўзингиз қиласизми?

— Ҳа. Баъзан хўжайиним ёрдамлашадилар.

— Ишдан, мажлислардан, кенгашлардан кейинми?

— Ҳа. Одам ҳар нарсага вақт топиши мумкин. Фақат вақтни тежай билиши ке-

рак. Мен 10 минутда овқат тайёрлай оламан. Шу билан бирга радио эшитишим, муסיқа тинглашим мумкин. Уйғур лағмонини яхши чўзаман, ошни 45 минутда пишираман. Неварам билан суҳбатлашишга ҳам вақт топаман. Иқтисодий тежамкорликка эътибор бераман. Сиз ишонмаслигингиз мумкин. Уйимга меҳмонга боринг — кўрасиз.

— Барибир юқори мансабли аёлларга жудаям оғир деб ўйлайман. Рўзгор юмуши ҳар қандай ишдан мушкулроқ бўлса керак. Нега дейинми, яқинда хотиним ўғлимни менга қолдириб, онасининг уйига меҳмонга кетди. Бир кунда ақлдан озаёдим. Аёлнинг жони темирданлигига тан бердим. Мен аёл учун рўзгорнинг ўзи бир улкан қийинчилик эканлигини ҳис қилдим.

— Аёллар барибир рўзгордадилар. Уларда эркин ишлашга қобилият бўлса бас. Табобат, педагогика соҳасини бугун аёлсиз тасаввур қила оласизми? Агар вазиятдан келиб чиқиб ёндошсак, масала ойдинлашади. Аёлни тўрт девор ичига қўйиб, ҳеч нарса ютмайди жамият. Уни рўзгорга қайтаришга уринмаслик керак.

— Демак... кеч бўлди... Жамият шу аҳволга тушган демокчимсиз!

— Билмадим... Балким.

— Ҳалима опа, агар қўл остингиздагилардан хафа бўлсангиз, анчагача ичингизга ютиб юрасизми!

— Тушунмадим.

— Дейлик, бирорта ўқитувчи иш юзасидан топшириқни бажармаса, сўзингиз икки бўлса...

— Асло, мен тез унутаман, бироқ қаттиққўллим бор.

— Сиз қандай пайтларда дунёнинг ташвишларини унутиб, дам оласиз.

— Неварамни ўйнатганимда.

— Яна бир гап, институтда ўқитиш, таҳсил бериш йўналиши бундан кейин қай йўсунда бўлади?

— Таҳсил системасини ўзгартирамиз. Уқув маскани замонавий жиҳозланади, компьютерлаштиришнинг йўриқлари ишлаб чиқилади. Насиб қилса 2 йил ичида бу ниятларимиз амалга ошади.

— Ҳамма ўйларингиз рўёбга чиқсин. Суҳбатимиз учун вақт ажратганингиздан мамнунман.

— Сизга омад, жўрнолингизга эса изчиллик йўлидаги интилишида матонат тилайман.

Суҳбатдош: Кўчқор НОРҚОБИЛ

Ижтимоий сиёсий ва бадий, безакли хотин-қизлар жўрноли «Саодат» 6—7(696—697)-сон 1993 йил июн ва июл ойлари

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни ва «САОДАТ» жўрноли ижодий жамоаси

Жўрнол фақат ўзбек тилида чиқади

Таҳририят манзилгоҳи: 700083, Тошкент, Бош почтамт. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош муҳаррир: 33-68-10; бош муҳаррир ўринбосари: 33-49-03; масъул котиб: 32-56-19; ижтимоий сиёсий бўлим: 32-56-03; адабиёт ва санъат бўлими: 32-56-04; турмуш ва маданият бўлими, кенгаш бошқаруви ва депутатлар фаолияти бўлимлари: 32-56-69; безаш ва техник ишлар: 32-56-68; сураткаш муҳбир: 32-58-90


Теришга берилди 13.04.93 й.
Босишга рухсат этилди 20.05.93 й.
Қоғоз формати 60×90^{1/8}
Ботиқ босма учун қоғоз
Ботиқ босма

Шартли босма листи 4,5.
Нашр ҳисоб листи 5,75.
Шартли бўёқли нусха 10,5.
Буюртма рақами 1808
272976 нусхада чоп этилади

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳар, «Буюк Турон» кўчаси, 41

© «Саодат» 6—7 сонлар


Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳи ректори Ҳалимаҳон Олимова набиралари билан



«КУЙЛАР БИЛАН ПАРВОЗ ЭТАМИЗ». Институтнинг «ИПАК ПАРИЛАРИ» дастаси

Суратларни Абдуғани ЖУМА олган

Она Шарқнинг ўчмас чироғи, тасаввуф оламининг забардаст вакили
Хўжа Аҳмад ЯССАВИЙ ҳазратлари зиёратгоҳи



Баҳоси сотувда 25 сўм

Индекс 75378

Аҳмад Яссавий китоблари саҳифалари

Саҳифалардаги бу белгиларнинг нима эканлиги эса биз-
га ҳам қоронғу

Бу муҳрда Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг наслий шажараси